


4 · 2020
июль-август

*Сен - кудрат манбаи,
саодат маскани,
жонажон
Ўзбекистони м!*





ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИДАН

Биз қандай таҳликали ва суронли даврларни бошимиздан кечирмайлик, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлмайлик, мустақиллик зояси, истиқлол руҳи бизга доимо тоғдек таянч бўлмоқда.


Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, донишманд халқимизнинг узоқни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқдамиз.

Шу нуқтаи назардан, бизнинг инсоний қадр-қимматимизни, гурур ва шаънимизни, дину диёнатимизни, миллий давлатчилигимизни тиклаб берган Мустақиллик куни Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамиша энг ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда «Янги Ўзбекистон» ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир.

Халқимизнинг улугвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айна ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

Истиқлол йилларида босиб ўтган шонли йўлимизга назар ташлаб, эртанги кунимизга, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз янада ортмоқда. Мамлакатимизни ривожлантиришининг Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ барча соҳа ва тармоқларда амалга ошираётган ислохотларимиз бу борада ҳал қилувчи омил бўлмоқда.



4 • 2020

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

*Ижтимоий-сиёсий, илмий-баддий,
маданий-маърифий, безакли журнал*

УШБУ СОНДА:

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирини
Иномжон Мажидов тизимдаги
ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилади.*

*Тошкент вилояти ҳокими
Рустам Холматов билан суҳбат*

*Шоир Саъдулла Ҳакимнинг
янги шеърлари*

*Ўзбек гиламчилик санъати – амалий
санъатимизнинг ноёб туридир.*

*Мақом санъатимизнинг истиқболи
порлоқ.*

Давлат тили юксалиш босқичида.

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам
ва Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим
70 ёшда*

*Адиблар хиёбони: Эркин Воҳидов
сабоқлари*

*Машҳур композитор Манас Левиёв
ҳаёти ва ижоди ҳақида*

Ғазал шарҳи

Қаердасан, кичкина шаҳзодам?

Муассис:

**Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирлиги**

Бош муҳаррир:

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Рустам АБДУЛЛАЕВ

Мирза АЗИЗОВ

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

Минҳожиддин МИРЗО

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ

Озодбек НАЗАРБЕКОВ

Акмал НУР

Сирожиддин САЙЙИД

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ

Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ

Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририят:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ғайрат ДОНИЁРОВ

Масъул котиб:

Комил ЖОНТОЕВ

Бўлим муҳаррири:

Манзура ШАМСИЕВА

Саҳифаловчи:

Нигина ИСМОИЛОВА

Навбатчи муҳаррир:

Манзура ШАМСИЕВА

Мусаҳҳиҳ:

Анора ҲОЖИМАТОВА

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил
20 августда рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0517.
Журнал икки ойда бир марта нашр этилади.
Таҳририят ва муаллифлар фикри фарқланиши мумкин.
«Guliston» журналичан материаллар олинганда
манба кўрсатилиши шарт.
Хатларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Таҳририят барча
ижодий ишларни таҳрир этишга ҳақли.
Обуна ва журналнинг етказилиши билан боғлиқ масалалар
бўйича 71-233-28-13 рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Бичими 70x100. 1/8. Ҳажми 6 босма табоқ.
Буюртма № 43. Адади 1000 нусха.
Босмахонага 2020 йил 2 сентябрда топширилди.
Босишга 2020 йил 4 сентябрда рухсат этилди.
Таҳририят манзили: Тошкент — 100000,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Тел.: 71-233-25-66,
факс: 71-233-28-13.

Журнал «SILVER STAR PRINT» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
22-мавзе, 17-уй.

**Web-site: Gulistonjurnali.uz
gulistonjurnali@mail.ru**

ШИДДАТЛИ ОДИМЛАР

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги аришиганига 29 йил бўлди.

Илгирма тўққиз йил!

Кўҳна тарих учун бу вақт икки қошнинг орасидай гап. Аммо шу йиллар давомида мамлакатимизда амалга оширилган ишларга диққат билан разм солинса, бу ишларнинг лоақал энг йириклари санаб ўтиладиган бўлса йиллар эмас, асрлар ўтгандай туюлади. Бинобарин, мустақиллик йилларида халқимиз эришган ютуқлар асрларга татигуликдир.

Халқимиз не-не буюк аждодларимиз орзу қилган, қанча-қанчаси шу йўлда қурбон бўлган истиқлолга эришганимиздан мамнун бўлди. Мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти мустақилликни мустаҳкамлашдек эзгу ишга бел боғлади, ҳар ким баҳоли қудрат бу улуг мақсад ижобати учун ўз ҳиссасини қўшишга киришди. 1991 йил 31 августдан жаҳон харитасида янги давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. 1992 йил 2 мартдан эътиборан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳи олдида бу халқаро ташкилотга аъзо икки юзга яқин давлат байроқлари қаторидан Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи ҳам муносиб ўрин олди.

Бу фахр, бу ғурур, албатта. Аммо шу нарса тарихдан аёнки, истиқлолга эришиш қийин, уни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ундан-да қийин. Буни теран англаган халқимиз Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида Оллоҳ ато этган бу буюк неъматни – мустақиллигимизни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш чораларини кўрди. Собىқ шўролар салтанатидан қолган асоратларни бартараф этиш осон эмасди. Ички ва ташқи душманлар кўп, кимнинг хаёлида нима борлигини билиш қийин эди. Бир томонда совет тузумидан вез кечолмайдиган раҳбарлар янгиликка тўғанок бўлар, бошқа томонда динни ниқоб қилиб олган, аслида ҳокимиятни эгаллашни мақсад қилган экстремистлар дамба-дам гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда бош кўтарар эди. Наманган, Бўка, Паркент воқеалари, Тошкентнинг талабалар шаҳарчасидаги тўполонлар, 1999 йил февраль воқеалари, 2000 йил августда жанубий сарҳадларидики (Сариосиё) ва Узун туманлари) қонли тўқнашувлар, 2004 йил ёзида Тошкентда содир этилган террористик ҳаракатлар, 2005 йилги Андижон воқеалари халқимиз хотирасидан кўтарилгани йўқ. Шўқри, уларнинг бар вақтида бартараф этилди. Давлатимиз ўзи белгилаб олган йўлдан оғишмай браварерди ва муайян ютуқларга эришилди. Табиийки, хато ва камчиликлар ҳам бўлди. Бирин-кетин хоржий давлатлар, ҳуфузли халқаро ташкилотлар билан алқоқлар йўлга қўйилга бошланди. Ҳамма нарса маълум бир изга тушгандай эди.

Ҳа, айнан шундай – ҳаёт муайян эза тушиб олгандай таассурот қолдирар эди. Ҳолбуки, бугунги замон, XXI аср бундай ҳаёт тарзини кўтармайди. Бугунги давр шиддатни, янгиликларни, ҳар бир ишга креатив ёндашишни талаб этади. Шунинг учун Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятини ана шу талаблар, янги мезонлар асосида бошлади. Ҳар бир соҳага,

ҳар бир ишга янгича кўз билан қаради, камчилик ва нуқсонларни очик-ойдин кўрсатиб, уларни бартараф этиш йўлларини белгилаб берди. Кўпгина соҳаларда мутлақо янги тизим яратилди. Мамлакатда бошқарув тизими ўзгарди, турли даражадаги раҳбарлар кабинетни «қўриқлаб ўтириш»дан «воз кечи»б, одамлар ҳузурига чиқди, улар билан рўй-рост, очик мулоқот қилиб, одамларнинг дарди, муаммоси тинглай бошланди. Мавжуд муаммоларни ечиш тартиби йўлга қўйилди. Аҳоли учун катта-кичик ҳокимларга, вазирларга, ҳукумат аъзолари-ю раҳбарларига, ҳатто Президентга тўғридан-тўғри мурожаат қилиши, жойлардаги муаммоларни ҳам, ўзининг шахсий масаласини ҳам очик-ойдин, бемалол айтиш имконияти яратилди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари олиб бораётган сиёсатнинг бош мақсади – халқни рози қилишдир. Халқнинг розилиги эса унинг турмушини, яшаш шароитини яхшилаш билан таъминланади. Албатта, бу тартиб ҳаммага, айниқса, баъзи раҳбарлар-

Бу табиий офатнинг захри кетиб улгурмай Сирдарёдаги «Сардоба» сув омборида техноген ҳалокат содир бўлди. Бунинг оқибатида минглаб оилалар бошпанасиз қолди, неча минг гектар ерларни сув босди...

Кўрпясизми, буларнинг барчасига зудлик билан чора кўриши, зарур қарорлар қабул қилиши, энг асосийси, одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш осмонми?! Бунинг учун қанчалар ақл-идрок, тadbиркорлик, раҳбарлик салоҳияти-ю, маҳорат зарур. Қолаверса, маблагсиз ҳеч бир муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Одамларнинг эса (ҳаммаси эмас, албатта) бу томони билан иши йўқ: бер дейди, уйимни тузат, молимни топиб бер, еримни тўғрилаб бер, соғлигимга қара, овқатимни етказиб бер, дейди. Инсоф билан айтганда, давлат ҳаммасини қилди, қилляпти. Барча масалаларни давлат раҳбарининг ўзи шахсан назоратда олган. Одамларга моддий-маънавий кўмак берилмоқда. Лекин, минг афсуски, одамларнинг бошига тушган қулфатдан ўзининг шахсий манфаати йўлида фойдаланишни ўйлаган кимсалар ҳам бор экан, таассуфки, кўп экан. Эҳтиёжманд оилалар учун ажратилган пулларни айрим мутасаддилар ўлаштираётганини эшитиб, ёқ ўқшайди

СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

га маъқул бўлгани йўқ. Шу боис янгича ишлаш тизимини изчил амалга ошириш осон кечмади, ҳамон осон кечмаётди. Чунки бугунги давр, бугунги шиддатли, тезкор иш услуби ҳар бир кишидан, биринчи навбатда барча раҳбарлардан кеная кундуз ҳушёрлиқни, уйғоқлиқни, одамлар қалбига қулоқ туттишни талаб қилмоқда. Бундан халқ рози, мамнун.

Зеро, кейинги уч-тўрт йилда мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жумладан, маданият, адабиёт ва санъат, диний таълим соҳаларидаги ишлар кўлами ва салмоғи жиҳатдан неча ўн йилларга татигуликдир. Бирин-кетин буй чўзаётган кўп қаватли турар-жойлар, маъмурий бинолар, йўллар, кўприклар, ишлаб чиқариш корхоналари... Эҳе, буларни санаб адоғига етиш қийин. Энг асосийси, одамларнинг онгу тафаккури ўзгармоқда. Бу миллий тикланишдан миллий юксалиш сари бораётганимизни кўрсатади. Ҳаракатлар стратегиясининг бош мақсади ана шундан иборатдир.

Бироқ бу дунёда турли тасодифлар, қутилган-қутилмаган муаммолар бисёр. Жорий йилда ана шундай мураккабликлар кўп бўлди. Хитойдан бошланиб, дунё узра ёйилган коронавирус офати мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Март ойининг иккинчи ярмидан бошлаб республикамизда коронавирус пандемияси тўфайли карантин жорий этилди.

Бу ҳам етмагандай апрель ойида бир неча вилоятларда, хусусан, Бухоро, Навоий, Қашқадар вилоятларида табиий офатлар (кучли шамол, ёмғир, жала, сел келиши каби) рўй бериб, аҳолининг уй-жойига, ижтимоий объектларга, экин майдонларига қаттиқ зарар етказди. Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятига бориб аҳоли билан гаплашди, уларнинг бошига тушган офат оқибатларини бартараф этиш буйича мутасаддиларга топширик берди.

киши. Тавба, шу қадар ҳам нуқсон бўладими одам болса, биров бир бурда нонга зор бўлиб турсан, бошқа биров (аслида унинг қорни тўқ) унинг ризикини «туя» қилса. Қандай бедодлик бу?! Халқимиз, миллатимиз доимо муҳтожларга ёрдам бериб келган-ку. Саховатпешалиги билан оламга танилган-ку. Бировнинг ҳақидан кўркмайдиган бундай кимсалар қаёқдан пайдо бўлди?..

Булар давлат сиёсатига, демок, мустақилликка, эл-юрт тақдирига, келажакка қарши ишлар. Ахир муайян лавозимда ўтириш ёки маълум бир ишга мутасадди бўлиш халқ мулкини талон-тароҷ қилавериш мумкин дегани эмас-ку. Мустақил давлат фуқаролари – қайси касб ва лавозимда бўлишдан, ёшино миллатидан қатъий назар – ҳамжиҳат бўлиб, шу Ватан, шу халқ тақдирини, келажак учин фидойилик, садоқат билан меҳнат қилмоғи лозим ва шарт. Унинг ҳар қарч ерини, керак бўлса ҳар бир гиёҳини кўз қорачиғидай асраб-авайламоғи зарур. Буюк мақсадлар йўлида учрайдиган катта-кичик муаммолару қийинчиликлар олдида довдирмай, тушқунликка, талвасга тушмай, мардона туриб, дадил, шиддат билан олға бормоғи керак.

Ҳа, улуг ниятларга, эмин-эркин фаровон ҳаётга эришиш ҳеч қачон осон бўлмаган. Бунга чидам, собитқадамлик, энг муҳими, давлат раҳбари атрофида бирлашиб, ҳамжиҳатлик ва ҳамфикрлик, сабр-бардош билан эришилган. Буни ҳеч биримиз унутмаслигимиз даркор.

Мустақил Ўзбекистоннинг, янги Ўзбекистоннинг шиддатли одимлари халқимизни мамнун этиб, кўплаб хоржий давлатларни ҳайратга солмоқда. Бундан фахрланмоғимиз, шу билан бирга, бу одимлар янада кенг, янада шиддатли бўлишига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз керак.

Шаҳду шиддатинга, қудрату салоҳиятинга, ҳусну жамолинга кўз тегмасин, жонажон Ватаним – гўзал Ўзбекистоним!

УМИДЛИ ДУНЁ



«Инсон тадбир қилади, Оллоҳ эса тақдир» деган ҳикмати шу кунларда кўп бор эслашга тўғри келмоқда. Э-ҳе, 2020 йилга не-не умидлар, орзу-режалар билан қадам кўйган эдик. Айниқса, 2019 йил сўнгги ойлари давлатимиз раҳбарининг қатор чиқишлари, жумладан 21 октябрь кuni «Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилинганининг 30 йиллиги, декабрь бошларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 йиллиги муносабати билан бўлган йиғилишлардаги нутқлари, жорий йил 24 январдаги Олий Мажлиса Мурожаатномаси халқимизни ва халқро доирадаги дўст-биродарларимизни завқлантирган, илҳомлантирган ва янги-янги жабҳаларга чорлаган эди. Катта-ю кичик, ҳаммамиз эртанги кунга умид ва ишонч билан не бир тараддуд-ла сафларга шайлангандик. Зеро, сўнгги йилларда бошланган янги Ўзбекистонни барпо этиш ташаббуси барчамизнинг қалбимизга ҳаётбахш уруғ қадади. Ва биз ҳар биримиз бу уруғни ўз касб-коримиз, интилишимиз ва ҳаракатимиз мазмунига жо этиб, парварিশлашга тушдик. Уруғлар ниш уриб, энди-энди ниҳолга айлана бошлаганда коронавирус балоси ёпирилиб, пандемия бутун дунёни эгаллаб олди. Жумлаи жаҳон лолу ҳайрон, Оллоҳ юборган синов экан, дея мувофиқ ташвиш-тадорик ила андармон. Шукурки, тақдир қилган Оллоҳ омилкор раҳнамони ҳам берган экан. Саросима, қарахтлик, ноқорлик чоҳига тушмадик, тушмай келямиз ҳам. Қалбимизга нурли ва фаровон келажак уруғини қадаган инсон бу ўта оғир, мураккаб синовда ҳам яловбардор бўлиб, бизни миллат сифатида бирликка, ҳамжихатликка бошлаб, раван йўлга олиб чиқмоқда. Ҳаёт одамларни нечоғли қалтис, кутилмаган вазиятларга солмасин, юрт раҳбарининг «Ўзбекистонда демократик ислохотлар муқаррар тус олди ва ҳеч ким, ҳеч қандай куч бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтара олмайди», деган сўзлари қатъий сиёсий иродага айланди. Бу мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларнинг – хоҳ у сиёсат, хоҳ иқтисодийёт, хоҳ маънавий ҳаётда бўлсин – барида бе-

истисно амал қилаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Лоақал биргина маънавий-маърифий соҳанинг сўнгги уч-тўрт йиллик манзарасини кўз ўнгимизда гавдалантирсак, ақл шошар даражада кўп ва хўп ишлар қилингани ва бу жараён сира тўхтамай, давом этаётганига гувоҳ бўламиз.

Сўзимиз исботи учун бир кичик курс қилиб, дастлаб дин ва диний тарбия борасидаги ишларни кўздан кечирайлик. Мамлакатимизнинг қайси манзилида бу борада ўзгариш, ҳаракат йўқ, деб сўраш осонроқ бугун. Халқро Ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий номидаги Ҳадис илми мактаби, Имом Термизий илмий маркази, Тошкент Ислом институти, Мир Араб олий мадрасаси, диний таълим ва илми халқро талаб ва меъёрлар йўсинида ташкил этиш учун кечаётган жараёнлар юртимизни яна Ислом оламининг энг жозибадор ва нуфузли марказларидан бирига айлантирмоқда.

Илм-фан таълим соҳаларидаги илохотларчи?! Дунёвий илмларда ҳам асрлар давомида пешқадам бўлган юртимиз не-не буюк алломаларни тарихда ҳам, яқин ўтмишда – Шўро даврида ҳам етиштирган. Афсуски, охириги 30-40 йилларда шаштимиз сўниб бораётган эди. Мавжуд илмий мактаблар йўқолиб бориши соҳанинг узлуқсиз ривожига омил ҳисобланувчи ёш истеъдодларнинг парокандаликка учраши оқибатидир. Математика, химия, физика, геология, биология... соҳаларидаги мактабларни янгидан жонлантириш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги, Математика институтининг энг янги замонавий бинолари, Ал Хоразмий номидаги Халқро физика ва математика, Мирзо Улуғбек номидаги астрономия, физика, математика ва информатика мактаб-интернатлари, Президент итисослик мактаблари, Европа ва Осиё, АҚШ ва Россиянинг ўнлаб энг нуфузли дорилфунунлари бўлималарининг Тошкентдан Хоразмнинг Ҳазораспигача бўлган белоён худудлари узра қад кўтариши том маънодаги янги Уйғониш

ҳодисаси бўляптики, буни нафақат ўзимиз сезаётимиз, балки бутун дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда.

Мавзу адабиёт, санъат масаласига кўчаркан, бу соҳадаги янгиланишлар ой эмас, ҳафта сайин ҳаётимиз, кундалик турмушимизда намоён бўлиб турибди. Китобхонликнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бани башар яратган буюк маърифат ва нафосат воситасининг тирилиши даражасидаги ҳодиса бўлганини тан олиш жоиз. Чунки, китоб деган сўз луғавий бойлигимизда сийқа тортиб, ўспирин авлод наздида фақат дарслик сифатида қабул қилиниш кўникмаси ҳосил бўлгани ҳам сир эмас. Яқин 30-40 йил аввал юз минглаб ададда нашр этилиб, яшин тезлигида ўқувчилар орасида тарқалган китоблар, маънавий истеъмолдан чиқиб, қоғоз уюмига айланиб бораётган эди. Эркин Воҳидовдек беназир шоиримизнинг минг нусхада зўр-базўр нашр этилган гўзал шеърий тўпламини сотиб бериш учун муаллифнинг ўзига мурожаат этганларини минг бир таассуф билан ёдга олиш ўринли. Буларнинг бари жамиятда китоб ва ижод асарлари яратувчилари беқадр бўлганидан, демократик маънавий таназзул бўйи кўрсатаётганидан нишона эди.

Саксон йил жамиятни шўролаштириш ва бошқа турли бемаъни мафкуралар манфаатига бўйсундиришга уринилган даврнинг Ёзувчилар уюшмаси йиллар давоми у бинодан бу бинога кўчиб, сизинди бўлиб, қўним топмаган беватан ташкилот эди. Шаҳримиз ўртасида, шовқин-сурондан холи бир гўшада Адиблар йўбони ташкил этилиб, мажмуа худудида дастлаб Ёзувчилар уюшмасининг мўъжаз биноси қад кўтарди. Орадан бир-икки сана ўтиб, бино атрофи Алишер Навоий бобомиз ҳайкалига қадар сўлим боғ тусини олиб, унда бири биридан муҳобатли ва кўркам йигирмадан зиёд мумтоз адибларимиз ҳайкаллари қад тиклади. Ҳазрат бобомиз пойида Ватанжудо Бобурдан тортиб, истиқлол кўйчиси Муҳаммад Ўсуфғача олти асрлик буюк адабиётимизнинг етук намоёндаларига

бахшида ёдгорлик мажмуи боққа келган ҳар бир мухлисни адабиёт гурунгига чорлайди.

Жонажон диёримизда ижодкор сифатида шаклланиб, ягона Ўзбекистон адабиёти хазинасига дурдона асарлар қўшгани учун мазкур хиёбонда нашъу намо толган бадирий сўз заҳматкашлари собиқ тузум даврида таназулга, истибоддога учраган халқнинг маънавий жиҳатдан сира гариб бўлмаган, усти юпун бўлса-да, тирикчилиги фаровон кечмаса-да, қалб хазинаси бутун ҳолда дунёларга кўз-кўз қилгулик улугвор битиклар қолдирганига шаҳодат бўлиб турибди бу сўлим маскан. Шоён, яна бир қимматли жиҳати, ушбу табаррук дилтортар хиёбон коронавирус пандемияси айна забтига олган май ойининг йигирманчи куни Президентимиз томонидан расман очилди. Дўсту душман орзу остида биз нафақат моддий, жисмоний, айна пайтда руҳий қудратимиз, миллий гуруримизни ҳам намойиш қила олдики, бу янги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи саҳифаларини безайдиган воқеадир.

Шу ўринда хиёбонда кўр тўкиб турган жадид боболаримиз Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон каби миллати учун молини ҳам, жонини ҳам тиккан улугларимизга айрича бир эътибор кўрсатилаётганини таъкидламоқ зарур. Қирқ йилдан бери фақат орзу бўлиб, аввал оғизда, сўнг турли қорғоларда қолиб келган Абдулла Қодирий адабий музейи, мемориал бог-музейи ҳамда «Турон» кутубхонаси, Абдулла Қодирий ижод мактабини ёдга олайлик. Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги маҳаллий аҳолини илм-маърифатли қилайлик, дея ўтган асрнинг 10-йилларида жадид боболарнинг шахсий китобларидан жамланган «Турон» кутубхона-қироатхонаси фақат фидойилар ҳисобига қарийб бир аср халққа хизмат қилиб, пировардида биноси эски шаҳарни реконструкция қилиш баҳонасида бузиб ташланди. Китобдан, маърифатдан узилган халқнинг номи чиқиб, маданияти юксалармиди?! Зиёларимиз учун Қодирийонлик байрамига айланган 2019 йилнинг декабрь ойи ниҳоясида очилган эски шаҳарга кираверишдаги адабиёт, санъат ва маърифат мажмуи остонасида қўлларига китоб тутганча қад ростлаган Қодирий бобо шахсан ўзи кутиб олаётгандек, «келинг, келинги!» деб тургандек таассурот бахш этди барчамизга.

Президентимиз Олий Мажлисга мурожаатномасида 2020 йилда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллигини нишонлаймиш деб, яна бир қарра жонқуяр аждодларимизни ёдга олди ва шундай хулосани илгари сурди: «Жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганганимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу баҳо бойлиқни қанча фаол тарғиб этсак, халқи-

миз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади...» Демак жадидчиликни ўрганишда янги давр бошланди, янги изланишлар, янги илмий-назарий ва амалий ёндашувлар юзага чиқади.

Бехбудий, аввало, Туркистон халқи ҳаёти ва ижтимоий жараёнларни моҳият-эътибори билан теран англаб, миллат учун, Ватан учун биринчи навбатда қандай ўзгариш ва ислохотлар заруригини, бу жараённи ривожлантира бориб, босқич-ма-босқич қандай миллий манфаат ва мақсадларга эришиш мумкинлигини мутафаккирна кўрсатиб берган, ўз қарашларини амалий ҳаракатда юзага чиқариш учун бутун вужуди билан интилган сиёсий раҳнамо эди. У журналлар ташкил қилди, замонавий театрлар керак деб, ўзи пьесалар ёзди.

Абдулла Авлоний матбуот, Оврупа-ча замонавий театр ташкил этиш, ижтимоий-сиёсий жараёнда фаол қатнашиш, хайрия ишларини амалга ошириш, янги давр ўзбек дипломатиясига тамал тоши қўйиш борасида анча-мунча саъй-ҳаракат кўрсатгани билан беҳад қадрланади. Барибир, бу маърифатчи бобомиз номи миллат тарихи саҳифаларидан, аввало, XX аср янги ўзбек педагогикаси асосчиси сифатида ўрин олди. Бехбудий бобомизни ҳам, Абдулла Авлонийни ҳам ўзбек драматургиясида илк тажрибаларини, ижтимоий фуқаролик ва бопалар шەриятининг долзарб дидактик намуналарини яратган ижодкорлар сифатида биламиз. Уларни давр учун энг илғор мавзуларда юзлаб публицистик мақолалар эълон қилган, дин ва дунёвий билимлардан таълим олиш учун махсус рисолалар битган фидойилар, деб англаймиз.

Давлатимиз раҳбари жадидчилик ҳаракати вакиллари меросини ўрганиш бўйича Мурожаатномада расман фикр билдирди. Энди навбат давр билгичлари – мутахассисларга кўчиб, беш-олти ном атрофида юравермай, зикр этилган аждодларимиз қаторида Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Башруллохўжа Асадуллахўжаев, Абдурауф Фитрат, Абдувоҳид Бурҳонов, Муса Саиджонов, Садриддин Айнӣ, Нусратилла Қудратилла, Ҳожи Муин, Абдуқодир Шақурий, Сайидахмад Сиддиқий – Ажзий, Сайидахмад Васлий, Саидризо Ализода, Обиджон Маҳмудов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Муҳаммад Шариф Сўфизода, Ашуралӣ Зоҳирий, Лутфулла Олимий, Тўлаган Хўжамёров – Тавалло, Қаримбек Камий, Сидқий Хондайлиқий, Абдулло Бадрий, Шамсиддин Шарафидинов – Хуршид, Машриқ Юнусов – Элбек, Аваз Ўтар, Бобоохун Салимов, Саидносир Миржалилов, Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермуҳамедовлар, Шоқир ва Собир Раҳимийлар, Низомиддин Хўжаев, Ғози Юнус, Зиё Саид, Мўминжон Муҳаммаджонов –

Тошқин, Маннон Уйғур, Ғулом Зафарий каби жадидчилик ҳаракати доирасида ва унга ёндош, хайрихоҳ бўлган ўнлаб, балки юзлаб жонфидо аждодларимиз ҳаёти, фаолияти ва меросини ҳам юзага чиқармоқ фурсати етди. Бунданда нари ўтиб, ягона Туркистон учун курашган Мустафо Чўқчаев, Муҳаммаджон Тинишбоев, Мағжон Жумабоев каби қардош қозоқ, қирғиз, туркман, тоjik жадид намоёндалари, татар, озарбойжон, турк тараққийпарварлари ҳаракатчилиги ва тақдир ёзувларини ўрганиш ҳам давр тақозоси. Демак, бутун бир нодавлат, нотижорат муассаса – Жадидчилик ҳаракатини илмий, маърифий ўрганиш Халқаро маркази барпо этиш орзусини ҳам илгари суриш мумкин.

Албатта, орзуга айб йўқ. Зеро, янги Ўзбекистон қайғусида қалбларга ташланган уруғ ҳар жиҳатдан бароқатли ҳосил берса, дея умид қиларкан одам. Қолаверса, эрта бир кун вақти соати етиб, Абдулла Қодирий ижод мактабида, у ёғи Хоразмнинг Оғахий, Наманганнинг Исоҳқон Иброт, Бухоронинг Абдурауф Фитрат, Самарқанднинг Маҳмудхўжа Бехбудий, Жиззахнинг Ҳамид Олимжон Зулфия, Қорақалпоғистоннинг Ибройим Юсулов, Фарғонанинг Эркин Воҳидов, Қашқадарёнинг Абдулла Орипов, Сирдарёнинг Ҳалима Худойбердиева, Андижоннинг Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида камол топаётган авлодларнинг, ундан-да ўтиб яна бари ўзбек ёш зиёлиларининг шаклланиши ва маънавий баркамоллигига хизмат қиладиган табаррук бир даргоҳ бўларми эди бу илмий, маърифий марказ.

Хуллас, айтаверса сўз, санайверса санок адоғи қиринмайдиган ишлар, ташаббуслар, интилишлар, бунёдкорликлар...

Дарвоқе, яқинда, айна яна шу пандемия забти зўрайган палла – 26 майда иккита муҳим ҳужжат қабул қилинди. Ҳар иккиси ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти имзоси билан: «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ва қарор. Мазкур ҳужжатлар янгилаётган жонажон Ватанимизнинг янги маданият сиёсатини белгиловчи олий йўриқлар. Маданият сиёсати дегани – ўттиз тўрт миллионлик халқнинг руҳий-маънавий ҳаётини озиқлантириш, ички дунёсини тарбия этиш демакдир. Маданият соҳасидаги барча моддий ва номоддий мерос, воситалар айна мақсадга йўналтирилади. Руҳи соғлом одамнинг жисми ҳам тетик бўлиши табиий. Дунёни коронавирус пандемияси титратиб турган замонда руҳ озуқи ва тетиклиги ҳақида ўйлаётган эканмиз, демак, орзулар армонга айланмайди, улугвор режалар ҳаётга дунди. Бор бўлсин, сўнмасин умид!..

МАҚСАДИМИЗ – ЧУҚУР БИЛИМЛИ, САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Ҳар бир давлатнинг келажаги билимли, салоҳиятли ёшлар, уларнинг иқтидорини ривожлантириш ва юзага чиқариш каби масалалар билан қамбарчас боғлиқ. Мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар замирида ҳам ана шундай эзгу вазифа турибди. Ёшларнинг олий таълим билан қамраб олинишини янада кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар бунга яққол мисолдир.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иномжон МАЖИДОВ билан суҳбатимиз шулар ҳақида бўлди.

– Иномжон Уришевич, сўнги йилларда бошқа соҳалар қатори олий ва ўрта махсус таълим тизимида ҳам кенг қамровли ислохотлар ўтказилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги бир неча фармон ва қарорлари қабул қилинди. 2019 йил 8 октябрда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Унда тизимда амалга оширилиши зарур бўлган қатор вазифалар, жумладан, мамлакатимиздаги камида ўрта олий ўқув юртини халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи мингта ўриндаги рўйхатига киритиш ҳақида сўз борди. Мазкур вазифалар ижроси бугун қайси босқичда?

– Дарҳақиқат, соҳада ўзгаришлар кўп. Сиз эслатган Концепцияда олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Асосий эътибор олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қаратилмоқда. Бунинг учун, аввало, соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, соғлом рақобат муҳитини яратишдан иборат муҳим вазифани белгилаб олганмиз. Масалан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантириш устида иш олиб борилмоқда.

Мамлакатимиздаги камида ўрта олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 ўриндаги муассасалар рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 ўриндаги муассасалар рўйхатига киритиш борасида дастлабки натижалар кўлга киритилди. Илк бор QS (Quacquarelli Symonds World University Rankings) халқаро

рейтингда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (бир неча кўрсаткичлар бўйича диапазон ҳисобга олинганда) 301–350-ўринни, THE (Times Higher Education) халқаро Импакт-рейтинг рўйхатида Ўзбекистон Миллий университети 601 ва шу рейтингнинг соҳа йўналиши бўйича Тошкент тиббиёт академияси 301–400, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 201-ўринни эгаллади.

Айни вақтда олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модул тизимига ўтказишга қаратилган ишлар бошлаб юборилди. 2020-2021 ўқув йилидан 33 ОТМ ушбу тизимга ўтказилди. Албатта, бу профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун янги тизим. Ушбу тизим талаблари билан ўқитувчи таълим жараёнини бошқаришга, талаба таълим олишга ўрганиши керак. Томонларнинг ҳамкорликдаги фаолияти натижаси ўзлаштиришни объектив баҳолаш тизими ҳамда талабалар томонидан реал ўқиш жараёнида кўлга киритилган кенг ва чуқур билимлар асосида баҳоланади.

Профессор-ўқитувчиларимиз, илмий изланувчилар, докторантлар, бакалаврият ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек, илмий журналларимизнинг халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилишини таъминлашга эришимиз лозим.

– Бу йилги қабул жараёнлари ва ундаги ўзгаришлар, янгиликлар, имтиёзлар барчага қизик...

– 2020-2021 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга қабул қилишда абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш жорий йилнинг 20 июнидан 20 июлига қадар (20 июль куни ҳам) бўлган муддатда амалга оширилди. Кириш тест синовлари абитуриент танлаган бакалаврият таълим йўналишига мос иккита фандан ўтказила-

ди. Абитуриентларга тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси ҳамда фанлар кетма-кетлиги бир хил бўлган бештагача бакалаврият таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Жорий ўқув йили қабулидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оила қўллаб қувватлаш вазирлиги томонидан бериладиган тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар учун бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча белгиланди. Яъни, тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари билан 940 жой ажратилди.

Талабалар ва бошқа қизиқувчилар учун қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти (www.edu.uz) базасида қуйидаги тўртта интерактив онлайн хизматлар ишга туширилди. Булар – «magistr.edu.uz» (<http://magistr.edu.uz>) – давлат олий таълим муассасалари магистратурасига ўқишга кириш учун ҳужжатларни топшириш ва рўйхатдан ўтиш;

«kasb.edu.uz» (<http://kasb.edu.uz>) – касб-хунар мактабларига ўқишга кириш учун онлайн рўйхатдан ўтиш;

«transfer.edu.uz» (<http://transfer.edu.uz>) – давлат олий таълим муассасалари талабаларнинг ўқишини кўчириш ёки тиклаш бўйича аризаларини топшириш;

«diplom.edu.uz» (<http://diplom.edu.uz>) – давлат олий таълим муассасаларини тамомлаган битирувчиларнинг дипломлари электрон нусхасини олиш учун мурожаат қилишга мўлжалланган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчиман, пандемия туфайли жорий йилги тест синовлари стадионларда 2 сменада ўтказилди. Абитуриентлар махсус дезинфекцион йўлақдан ўтади ва бошқа зарур чоралар қўрилади. Кириш имтиҳонлари стадионларда бўлишини ҳисобга олиб, абитуриентларга оқ бош кийим (кепка) тарқатилади.

– Тўлов-контракт асосида ўқиш қийматини белгилаш борасида қандай ўзгаришлар бор?

– Бу борадаги энг муҳим янгилик – ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ўшбу тизимга ўтган 10 ОТМ раҳбарлари иштирокида Президентимизнинг жорий йил 12 июнидаги «2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул



қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳофиза қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарориди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларида фақат давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларини белгилаш, тўлов-контракт асосидаги қабул кўрсаткичларини олий таълим муассасалари томонидан мустакил белгилаш топшириги берилган. Бунда тўлов-контракт асосидаги қабул кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган миқдордан кам бўлмашлиги лозим. Шунингдек, 2021-2022 ўқув йилида иқтидорли талабаларни нодавлат олий таълим ташкилотларида ҳам давлат гранти асосида ўқитиш, алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим соҳаларининг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш учун касбий (ижодий) имтиҳонлар билан бирга мажбурий ўрта – она тили (ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили), математика ва ўзбекистон тарихи фанлари бўйича тест синовлари топшириш тартибини жорий қилиш бўйича ушбу муддат ичида ҳуқуқматга асосланган таълим қўлланмалари киритилди.

Бундан ташқари, жорий йилдан бошлаб спорт соҳасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш жараёнини оптимallasштириш мақсадида «Спорт фаолияти (фаолият турларига кўра)» бакалаврият таълим йўналиши бўйича ўқиш муддати 3 йил этиб белгиланди.

Яна бир имконият – 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб «130 000 – математика» таълим соҳаси бўйича магистратура мутахассисликлари учун давлат буюртмаси параметрлари тўлиқ давлат гранти асосида шакллантирилади. Жорий ўқув йилида давлат гранти асосида бакалаврият ва магистратурага ўқишга қабул қилинган шахсларни ўқитиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бу йилдан кадрлар буюртмачиларнинг эҳтиёжлари тўлиқ автоматлаштирилган тарзда «quota.minesonotomuz.uz» ахборот тизими орқали шакллантирилади.

– Тизимдаги ислохотлар олимлар, илмий салоҳиятга эга кадрлар учун кенг

имконият бераётди. Инновацион фаолиятни амалга ошириш борасида қандай янгиликлар бор?

– Сўнги уч йил ичида таълим ва фанни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Олий таълимда илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг икки босқичли тизимига ўтишди, докторантлар стипендияси учун баравар ошди. Докторантурага қабул квоталари ҳам деярли уч бараварга оширилди. 2017 йилда олий таълим тизимида докторантурага қабул квотаси 467 ўринни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 1311 тага етди. Ёш тадқиқотчилар учун ижтимоий имтиёزلар жорий этилди, докторантлар 2-ўқув йилидан бошлаб имтиёзли уй сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти сезиларли даражада ўсди. Сўнги уч йилда республика олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти 37,15 фоизгача ошди.

Халқаро миқёсда тан олинган илмий журналларда олимларимиз томонидан чоп этилган илмий ишлар сони ҳам кескин ўсди. 2018 йилда нуфузли илмий журналларда атиги 276 мақола нашр этилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 3,3 бараварга ошган, яъни 965 мақола, 2020 йилнинг 6 ойида 1760 дан ортиқ мақола чоп этилди.

Олимларимиз, тадқиқотчиларимизнинг инновацион фаолиятини амалга ошириш учун яратилган шарт-шароитлар бўйича мисоллар келтирадиган бўлсам, аввало, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 апрелдаги «Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Нанотехнологияларни ривожлантириш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган марказда 10 штат бирлиги белгиланиб, 1 илмий-тадқиқот лабораторияси ва 3 бўлим фаолияти йўлга қўйилди. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти, Биокимё ва биофизика илмий-тадқиқот институтининг ташкилий тузилмасида саккизта илмий-тадқиқот лаборатория ташкил этилди. Илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш учун амалий кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳузуридаги технопарк, Навоий давлат кончилик институти қошидаги технопарк, Урганч давлат университети ҳузурида «Хоразм технопарки» ташкил этилди. Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган Академик инновациялар фонди маблағлари ҳисобига 27 олий таълим муассасасида 32 лойиҳа доирасида еттита ўқув-илмий марказ ва лаборатория иш бошлади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий университетиди «3D геомоделлаштириш» компьютер моделлаштириш

маркази, Гулистон давлат университетиди «Экспериментал биология» лабораторияси, Тошкент тиббиёт академиясида «Симуляцион ўқитиш маркази», Тошкент давлат педагогика университетида «Психология маркази», Тошкент давлат аграр университетиди балиқчилик соҳаси учун сувни тозалаш ва балиқ суяги уни олиш қурилмаси, Тошкент давлат техника университетиди иссиқ сув таъминоти тизими учун энергия тежовчи қурилма ва ички ёнув двигателининг лойиҳа-конструкторлик ишлари ва моделлаштириш форсайт маркази, Андижон давлат университетиди ярим ўтказгичли пластиналарда заряд ташувчиларнинг ҳаёт вақтини ўлчовчи жиҳоз ўрнатилди.

– Иномжон Уришевич, таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш ва очиқликни таъминлаш учун қандай амалий чоралар кўрилмоқда?

– Бундан уч йил олдин қабул квоталари ҳозирги кундагига қараганда, уч баравар кам эди. Ҳозирги кунда абитуриент бир вақтнинг ўзида бешта олий таълим муассасасига ариза топшира олади. Демак, ўқишга кириш эҳтимоли ҳам беш баравар ошяпти. Бу жуда катта имконият. Лекин шунга қарамасдан, ота-оналар томонидан фибрирларнинг гапларига ишонши ҳолатлари учраб турибди. Фурсатдан фойдаланиб, ота-оналарга мурожаат қилмоқчиман, бундай одамларга ишонманг! Тест синовлари катта майдонларда ўтказилади, жараён видеокузатув орқали назорат қилинади. Ушбу синов жараёнлари телевидение ҳамда ижтимоий тармоқларда жонли эфирга узатилмоқда.

Президентимиз томонидан тасдиқланган режага мувофиқ, қабул кўрсаткичлари 2020-2021 ўқув йилида ўтган ўқув йилига нисбатан бакалаврият бўйича 36 фоизга, магистратура бўйича 35 фоизга оширилди. Ушбу режадан ташқари олий таълим муассасаларига 30 000 абитуриент оширилган контракт асосида қабул қилинадиган бўлса, тахминан 180 000 абитуриентда талаба бўлиш имкони борлиги маълум бўлади. Хорижий олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентларни ҳам инобатга олсак, ўртача ҳисобда 190 000 йигит-қиз ўқишга қабул қилинади. Айни пайтда оширилган контракт бўйича ҳеч қандай чеклов йўқ. Демак, имконият жуда катта, яъни юқориди рақамлар ўзгариши мумкин.

Тан олиш керак, соҳамизда қинғир йўллар билан бойлик орттириш мақсадида адашиб келиб қолган кимсалар ҳам учраб туради. Бундай кимсаларга қарши курашиш, олий ва ўрта махсус таълим тизимида том маънодаги очиқлик ва ошкораликни таъминлашда ота-оналар бизга ёрдам берсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунда ҳақиқий адолат қарор топади, эл-юртимиз учун чуқур билимли, салоҳиятли кадрлар етказиб беришдек эзгу ният ва мақсадимиз тўла амалга ошади.

Холида ФАЙЗИЕВА сўхбатлашди.



БАРЧА ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ОДАМЛАР РОЗИЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН

**Тошкент вилояти ҳоқими Рустам ХОЛМАТОВ
билан суҳбат**

– Рустам Қурбонназарович, вилоят маъмурий маркази Нурафшон шахрига кўчиб ўтганининг аҳоли турмуш тарзига таъсири қандай бўлди, одамларга қулайлик яратилдими ёки қийинчиликлар туғдирилди?

– Раҳбарлар, мутасаддилар халққа қанчалик яқин бўлса, муаммо ва муурожаатларни ҳал қилиш шунчалик осон кечади. Одамлар орасида бўлиш давлат сийбати даражасига кўтарилгани бежиз эмас.

Илгари вилоят маркази пойтахтимизда жойлашган бўлиб, фуқаролар аризмаган юмуш билан 100-150 қақирим йўл босиб Тошкентга боришга мажбур эди. Энди масофа анча қискарди.

Бугун Нурафшон шахрида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатимиздаги илк «Smart City» («Ақлли шаҳар») қурилиши учун 213 объект бузилиб, эгаларига маҳаллий бюджет ҳисобидан 24,5 миллиард сўм товон пуллари ажратилди. Ҳозирги кунда шаҳарнинг марказий кўчасида 172 бино ва иншоот барпо этилиши режалаштирилган бўлиб, айни пайтда уларнинг 36 тасида қурилиш ишлари олиб бориляпти.

Шаҳарда канализация тизими, ичимлик сув, газ ва электр энергияси таъминоти бутунлай янгидан йўлга қўйилади. Биргина канализация ва ичимлик сув қувурлари учун ҳукуматимиз томонидан 141 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари, 4 минг куб метр суви тозалайдиган иншоот барпо этилмоқда. Шу кунгача 9 тижорат банкининг бинолари бунёд этилди. Бир-икки йил мобайнида 96 ана шундай иншоотлар қад ростлайди. Ҳозиргача 14 етти қаватли турар-жой биноси қуриб битказилди. Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бўлими, адлия, молия ва фавуқлода вазиятлар бошқармаларининг маъмурий бинолари, автосалон қурилиб, фойдаланишга топширилди. Умуман, шаҳарда умумий қиймати 782 миллиард 500 миллион сўмдан иборат 41 инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.

Нурафшон мамлакатимиздаги биринчи «ақлли шаҳар»га айлантириш тўғрисидаги концепцияга мувофиқ, бу ерда маъмурий бинолар, замонавий турар-жойлар, бизнес марказлари, меҳмонхоналар, спорт жамуалари, Ёшлар ижодий марказлари, кутубхоналар, мактаблар, кўп тармоқли шифохоналар бунёд этилади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, истироҳат боғлари, яшил майдонлар, педдалар ва велосипедчилар учун хиёбонлар, йўллар қурилади. Жамоат транспорти ҳаракати ҳам йўлга қўйилади. Умумий майдони 217 гектар гектар бўлган собиқ Тўйтепа шаҳарчаси ўрнида вужудга келган Нурафшон шахрининг жами майдони бугунги кунда қарийб 16 баравар кенгайди. Мавжуд 22 маҳалла фуқаролар йиғинида 48,5 минг аҳоли истиқомат қилади.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар гал вилоятга ташриф буюриганда худуднинг ўзига хос имкониятлари хусусида гапирар экан, вилоятда тўпланган тажрибани оммалаштиришни алоҳида таъкидлайди. Хусусан, ўтган йил 2 июндаги ташрифи чоғида ҳам бир неча вазифаларни белгилаб берди. Ушбу вазифалар ижроси қандай амалга оширилди?

– Давлатимиз раҳбари вилоятимизга ҳар бир ташрифи чоғида худуднинг ўзига хос табиий шариоти, имкониятлари хусусида сўз очиб, тўпланган тажрибани оммалаштириш хусусида алоҳида тўхталиб ўтади. Вилоятимизнинг инвестиция ва экспорт имкониятлари беқиёс. Тупрогининг унумдорлиги, бетакор табиати билан қадр топан замин. Унинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлиб, бунинг учун меҳнат, интилиш ва тинимсиз изланиш талаб этилади.

Президентимиз белгилаб берган вазифалар ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2019-2022 йилларда умумий қиймати 103,8 триллион сўм миқдордаги жами 909 лойиҳа амалга оширилиши, улар асосида 45 минг 569 иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Дастур доирасида 2019-2020 йиллар мобайнида умумий қиймати

5,7 триллион сўм бўлган 428 лойиҳа фойдаланишга топширилди, 11 681 янги иш ўрни яратилди.

Зангиота туманидаги «Нурли Дийр Агро» МЧЖ томонидан «Гўшт ва сўт маҳсулотларини қайта ишлаш» лойиҳаси ишга туширилди. Натижада йилга 550 тонна гўшт ва сўт маҳсулотларини қайта ишлаш қувватига эга бўлган корхона фаолият бошлади. 250 янги иш ўрни очилди.

Ангрен шахрида «Great Wall Ceramic Industries» МЧЖ қўшма корхонаси томонидан «Санитар буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш (2-босқич)» лойиҳаси ишга туширилиши натижасида 200 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Умумий қиймати 2,8 триллион сўмга тенг 91 лойиҳа муддатда амалга оширилмоқда ва 4 565 янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Тошкент туманида «SUN FLOWER SEEDS» МЧЖ томонидан «Кунгабоқар уруғидан ёғ ва омухта ем ишлаб чиқариш» лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Лойиҳанинг аҳамиятли жиҳати шундаки, корхона ишга туширилган, истеъмол бозорига йилга 3000 тонна сифатли кунгабоқар ёғи етказиб бериш билан бирга, чорва моллари учун омухта ем ҳам тайёрланади.

Паркент туманида «Паркент бройлер» МЧЖ парранда гўшти ва тухум етиштиришга ихтисослашган лойиҳа қурилган, йилга 10000 тонна парҳез гўшти ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Пировардида 400 янги иш ўрни яратилади.

– Аҳолининг камбағаллик даражасини ўрганиш, моддий ёрдамга муҳтож оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Узоқ йиллар давомида аҳолининг камбағал қатлами ҳақида гапирилмади. Бу вазифа бугун устувор ҳисобланади. Шу боис мазкур масалага алоқадор ташкилотлар томонидан камбағалликни қисқартириш бўйича барча чора-тадбирлар қўриляпти. Худудларда эҳтиёжманд оилалар, ишсизлар «Saxovat.Argos.Uz» ахборот тизимининг янгиланган шаклига киритилиб, ёрдам кўрсатилляпти. Бугунги кун ҳолатига 34 минг 116 ёрдамга муҳтож оила аниқлиниб, уларга ёрдам кўрсатилляпти.

– Жорий йил бутун дунё, хусусан, мамлакатимиз учун ҳам оғир ва синовли келди. Иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни сақлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун вилоятда қандай имкониятлар мавжуд ва улар қандай самара бермоқда?

– Биз мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллигига улкан ютуқлар билан чиқишни режа қилган эдик. Пандемия сабаб бир мунча соҳалардаги кўзда тутилган ишлар бажарилмай қолди, ортга сурилди. Лекин ҳар бир имкониятни ишга солиб, мамлакатимиз тараққиётига вилоят мисолида ҳисса қўшиш учун ишлар олиб бормоқдамиз.

Бугунги кунда вилоятда жами 41 минг 251 ҳўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатиб, шундан 35 минг 367 таси кичик бизнес субъектидир. Улар сони ўтган йилга нисбатан 7 минг 410 тага кўлайди. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида жами 3 минг 953 янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Коронавирус пандемияси шароитида мавжуд 34 минг 808 тадбиркорлик субъектидан дастлаб 13 576 фаолиятини вақтинча тўхтатган бўлса, бугунги кунда карантин қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда 12 минг 406 субъект ишини қайта тиклади.

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мол-мулк, ер ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларини тўлашни 6 ойга кечиктириш юзасидан 419 корхона муурожаат қилган.

Пандемиянинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирининг олдини олиш, саноат барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида банклар томонидан 7 142 юридик шахснинг 1 089,5 миллион сўм ҳамда 142 150 фуқаронинг 1 498,7 миллион сўм миқдордаги кредитлари тўлаш муддати узайтирилди.

Бундан ташқари, Давлат активлари бошқарши агентлигининг вилоят бошқармаси томонидан 719 нафар тadbиркорнинг 2 328,9 миллион сўмлик ижара тўловлари тўхтатилди. 33 «нол» ва «бир сўм» қийматда берилган объектлар бўйича 3 153 миллион сўмлик инвестиция мажбуриятлари мuddати узайтириб берилди.

– **«Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида иштирок этаётган тadbиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзлар бериш ҳамда муаммоларини ҳал этиш борасидаги қўрилаган чоралар тўғрисида ҳам маълумот берсангиз.**

– **Б**ундай савобли ишларга ўз ҳиссасини қўшаётган, ҳомийлик маблағлари кўрсатаётган тadbиркорлар доимо эътиборимизда. Бугунги кунда 9 162 нафар тadbиркорга муҳтож оилалар бириктирилган. Ҳомийлар томонидан «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатига келиб тушган маблағлар 10 миллиард сўмдан зиёдни ташкил қилади.

– **Ёшлар – бизнинг келагимиз. Уларга етарлича шарт-шароит яратиш, айниқса, ҳозирги пандемия туфайли вақтинчалик ишсиз бўлган йигит-қизларнинг бандлиги таъминлаш борасида қўрилаган чора-тadbирларга ҳам тўхталсангиз.**

– **Б**угунги кунда вилоятимизда 30 ёшгача бўлганлар бир ярим миллионга етди. Шундан 14-30 ёшгача бўлгани 765 мингдан зиёд. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида Ёшлар ишлари агентлигининг жойлардаги бўлимларига 751 муржоат тушган бўлиб, уларнинг аксарияти тadbиркорлик ва имтиёзли кредитлар олиш, ёшлар бандлиги, ёшлар кафилиги, ижтимоий ҳимоя ҳамда бошқа масалалардан иборат.

Йигит-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, таклиф ва муаммоларини ҳал этиш бўйича жорий йилнинг ўтган даврида туман (шаҳар)ларда 180 мартаба «Ҳоким ва ёшлар» (шундан 22 онлайн) учрашуви ўтказилди. Тadbирларда 27 минг 423 йигит-қиз иштирок этиб, 1802 муаммо ва таклифлардан 1105 таси жойида ҳал этилган бўлиб, 678 тасининг ҳал этиш чоралари белгиланди.

Ёшлар тadbиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази вилоят бўлими Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, Марказий банк вилоят бош бошқармаси, Давлат солиқ ҳамда Бандлик бошқармалари билан ҳамкорликда ишсиз ёшлар ва тadbиркорликка қизиққан битирувчилар иштирокида «Мен тadbиркор бўлмоқчиман» лойиҳаси, 60 марта ўқув-семинарлар, Германия Федерацияси Жамгарма кассалари фонди томонидан махсус тайёрланган мултипликатор тренерами иштирокида «Жамгарма касса» ҳамда «Бизнес сайёҳат» машғулоти мунтазам равишда ташкил этиляпти.

«Ёшлар – келагимиз» жамгармаси томонидан бу йил 212 лойиҳа бўйича 26 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилиши туфайли 1111 янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Шу кунгача 65 лойиҳага 17 минг 886 миллион сўм кредит маблағи йўналтирилди. Жорий йилда шаҳар-созлик талаблари асосида 72 «Ёшлар меҳнат гузари» ва 6 коворкинг марказлари қуриб фойдаланишга топширилиши ҳам режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача ана шундай биноларнинг 5 таси қад ростлади.

Вилоятда 21 минг 298 банд бўлмаган ёшлар бўлиб, «Манзилли режа» лойиҳаси доирасида уларнинг 14 минг 537 нафарининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Шу кунгача вилоят бўйича 16 минг 185 ишсиз йигит-қизларнинг бандлиги таъминланди. Қурилиш, тadbиркорлик соҳасида 5 мингга яқин, «Ҳар бир ёшга – бир гектар» лойиҳаси доирасида 2880 ишсиз ёшлар ишли бўлди. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида 5493, «Ёшлар – келагимиз», «Ҳар бир оила – тadbиркор» давлат дастурлар доирасида бир ярим минг, меҳнат ярмаркалари ҳамда соҳаларда уч мингдан зиёд ёшлар иш билан таъминланди.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилган 17 кооперация ташкил этилиб, 1782,54 гектар майдон 1674 ишсиз йигит-қизларга узоқ мuddатга берилди. Кам таъминланган мингдан ортққ ёшларга 1 миллиард 427 миллион 200 минг сўм миқдоридоги субсидиялар тақдим этилди.

Мақтабларда 2 минг 97 мусиқа ва ижодий тўғарак мавжуд бўлиб, уларга 52 минг 406 нафар ўқувчи қатнади. Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш мақсидида ҳудудимиздаги 4 олий таълим муассасасида «Ёшлар театр студиялари» ҳамда «Ҳаваскорлик жамоалари» фаолияти йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 71 маданият марказларининг 45 таси таъмирланди, 36 тасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Оққўрғон ва Бука туманларида янги маданият ва истироҳат боглари барпо этилди.

Вилоятда ахборот-кутубхона марказлари 854 тадан иборат бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида 24 янги ахборот-кутубхона марказлари

бунёд этилди. Ўнта ахборот-кутубхона марказида таъмирлаш ишлари, Юқори Чирчиқ, Тошкент, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон туманларида ахборот-кутубхона маркази қурилди. Зангиота, Қибрай, Паркент, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ туманларида замонавий «Китоб олами» мажмуалари ташкил этилди. 234 номдаги 100 мингга яқин бадиий адабиётлар мактабларга, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарга топширилди. Ёшлар ишлари агентлиги томонидан «Китоб карвони» акцияси доирасида 48 номдаги жами 47 мингдан ортққ бадиий адабиётлар 967 таълим муассасаларида тақдим этилди. Умуман китоб дўконлари сони 102 тага, кутубхоналар сони 1 118 тага етди. Улардаги китоб фонди эса 2 миллион 8 мингдан ортққ.

– **Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган тadbирлар хусусида ҳам сўзлаб берсангиз?**

– **Х**отин-қизларни тadbиркорликка, ҳунармандликка жалб этиш мақсидида жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида шаҳар ва туманлардаги Бандлик марказларига иш сўраб муржоат қилган 27 минг 551 хотин-қизлардан 24 минг 184 нафарининг бандлиги таъминланди. Бугунги кунда 15 минг 601 аёл доимий, 8 минг 583 нафари вақтинчалик меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда.

«Ўстоз-шогирд» тизими бўйича тикувчилик ва тўқимачилик йўналишидаги ўқув курсларида 1832 хотин-қизларнинг ўқиши йўлга қўйилди. Жами 376 бизнес кўникмаларига эга хотин-қизлар қайта ўқитилди. 440 нафар ногирон аёллар касаначилик асосида, 480 нафарининг эса «Ўстоз-шогирд» тизими асосида бандлиги таъминланди. Ёш оилалар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш йўналишида «Мустаҳкам ва соғлом оила барпо этамиз» шиори остида «Мен муваффақиятли аёлман» лойиҳаси, «Аёлларда янги кўникмалар, касблар ва тadbиркорлик саводхонлигини ошириш» каби 90 мартадан ортққ тарғибот лойиҳалари амалга оширилди. Тadbирларда 400 дан зиёд ёш оилалар ва 5 000 нафардан ортққ ёш хотин-қизлар қамраб олинди.

Ўй-жойга муҳтож, ногиронлиги бўлган, оғир ижтимоий шароитда яшаётган, боқувчисини йўқотган, нотураб бино ва ижарада яшовчи 288 нафар хотин-қизлардан 24 нафарига амалий ёрдам бериш чоралари кўрилди. Оғир ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардаги аёлларнинг бандлигини таъминлаш мақсидида 260 нафар аёлга вилоят касаба ташкилотлари уюшмаси томонидан жами 374 миллион сўм қийматидаги тикув машинаси тарқатилди.

Шу билан бирга, вилоят касаба ташкилотлари уюшмаси томонидан 22 туман-шаҳарнинг ҳар бирига 70 миллион сўм миқдоридога ажратилган маблағ эҳтиёжманд хотин-қизларнинг хонадонларини таъмирлаш, коммунал тўловларини тўлашга йўналтирилди.

– **Вилоятда туризмни ривожлантириш имконияти қанча. Қолаверса, мавжуд тарихий обидалар, қадимий ёдгорликлар, иклими ҳам экотуризм учун жуда қулай. Бу борада амалга оширилаётган ишларга тўхталсангиз.**

– **М**азкур йўналишда салмоқли ишлар қилиняпти. Буни рақамлар мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, яққол кўзга қўринади. Масалан, ўтган йилги маълумотларга қўра, вилоятда 98 меҳмонхона, 516 оилавий меҳмон уйи, 16 дам олиш маскани ҳамда 28 санаторий мавжуд. Бундан ташқари, 3 701 дала ҳовли ҳам бор. Улар бир кунда жами 27 941, бир ойда 838,2 минг сайёҳни қабул қилиш имконига эга.

Вилоятда 6 музей бўлиб, улар Ангрен, Олмалик ва Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Оққўрғон, Янгийўл ва Чиноз туманларида жойлашган. Давлатимиз раҳбарининг фармонида асосан Паркент туманидаги Қумушкон қишлоғида юртимизда биринчи бўлиб «Туризм қишлоғи» лойиҳаси бошланди.

Бундан ташқари, туризм соҳасида тadbиркорлиқни ривожлантиришда қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, жорий йилда қиймати 695 миллиард сўмлик 44 лойиҳани амалга ошириш ва 2373 янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Инвестиция лойиҳаларининг 7 таси (3 замонавий меҳмонхона, 4 дам олиш ва профилактика санаторийси) биринчи ярим йилликда фойдаланишга топширилади ва натижада 300 янги иш ўрни яратилди. Келгуси йилда қиймати 1,9 триллион сўм бўлган 32 лойиҳа фойдаланишга топшириш, натижада 1 598 янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

– **Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Келажақдаги ишларингизга омад тилаймиз.**

**«Гулистон» мухбири
Манзура ШАМСИЕВА суҳбатлашди.**



Сендан сенга қараб кетаётирман!

ВАТАН БАЙРОҒИ

Полвонлар беллашиб баҳс майдонида,
Шоҳсупада мағрур қад керган чоғи –
Ватан мадҳи янграб ғолиб шаънига,
Бош узра юксалар шу юрт байроғи.

Эл-юрт тақдирига дохил арбоблар
Бир фикрга келгач, анжуман қуриб,
Қўл бериб аҳд этар мудом ҳар бобда,
Ватан байроғининг ёнида туриб.

Байроғига қараб танир юртини,
Элини танигай сўзига қараб.
Тилию байроғин муқаддас билган
Миллатни тоабат тарк этмас шараф.

Онадан дунёга келиб, оқибат
Ватан тупроғига кетар ҳар башар.
Ватан байроғи-ю, она рўмоли
Бош узра ҳилпираб турса ярашар.

Шундай бир одат бор: отланар экан
Ватанини ҳимоя этмоққа агар,
Ота-ю онасин дуосидан сўнг
Юрт байроғин ўпар аскар йигитлар.

Қалам ҳам эл тинчи ҳимоясида
Аскар қуролдан, асло, эмас кам.
Шу боис тиз чўкиб, чин ихлос ила
Юртим байроғини ўпаман мен ҳам.

Заранг оғочидан унинг дастаси,
Матоси ўзбегим оридани бунёд.
О, юртим байроғи, кўнглим нашъаси,
Ҳилпираб порлайвер тургунча дунё!

ИККИ ШЕЪР

1. О, БУЮК ШЕЪРИЯТ

*Ажаб ҳикмат, одам ўларкан,
Узилганда... ердан оёғи.
А. Орипов.*

Чўпон суқиб кетса ерга таёгин,
Ҳатто, қуруқ оғоч кияр яшил тўн.
Ердан уза билса рақиб оёгин,
Полвон зафар кучар шундай оддий, жўн.

Кимки, одамайлик касбидан нари,
Таъмағир, такаббур, қони бузилган, –
Юрган йўллариди йўқдир излари,
Чунки оёқлари элдан узилган.

О, буюк шеърият! Пок тупроғингда,
Мен ҳам кўчат каби экдим қаламим.
Ҳар сўзим чечакдек унсин боғингда,
Сендан узилмасин асло қадамим!

2. КЕТАЁТИРМАН

*Яхши қол, эй дилбарим, дилда кадар
кетмакдаман.
А.Орипов.*

О, бу қандай шараф, кетаётирман,
Сендан сенга қараб кетаётирман.

Кўнглимни тоблади кундуз ва кеча,
Ой каби ярқираб кетаётирман.

Шарқираб сой каби оққаним ростдир,
Булоқдай шилдираб кетаётирман.

Билмайман, гуноҳим қанча, бир тараф,
Савобим бир тараф, кетаётирман.

Сен келсанг... йўлларим тезлашармиди,
Илинжим, йўл қараб кетаётирман.

Тилимда айланар бир сенинг номинг,
Боламдай эркалаб, кетаётирман.

Умр шомида тонг отмоқда, ажаб,
Вожаб, вожаб, кетаётирман.

Кўзим булогининг очилди кўзи,
Ой нури жилдираб, кетаётирман.

Сўз дехқони эдим, бир сўз айтгали,
Сўзбондан сўз сўраб, кетаётирман.

Келмоқ суруридан сўзламам энди,
О, бу қандай шараф, кетаётирман.

Отам ҳам, онам ҳам ўзинг, Ватаним,
Сендан сенга қараб кетаётирман!

НАВОИЙ ВА КОНФУЦИЙ

Доноларнинг дил изҳори хос келур,
Айтганлари бир-бирига мос келур.

Конфуций – бу ўша Конг Чю, Конг Фу Зи,
Навоийдек элга манзур ҳар сўзи.

Конфуций дер: «Неки маҳбуб, эр киши,
Бошқага ҳам раво кўрай, дер киши».

Ўзгарса ҳам давру даврон ҳавоси,
Боқий эрур Навоийнинг навоси:

«Халойиққа кўрма қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмагани раво».

Буюк Ипак йўли ўтган ҳар макон
Буюк Ҳикмат йўли бўлиб кучди шон.

Шу йўлдадир мангу йўлчи - қуёш, ой,
Зиёсидан қалблар чаман, эллар бой.

Мамлакатлар бир-бирига бермиш қўл:
Битта осмон, бир макону битта йўл!

ҲОФИЗ

Дўстлар, сизга айтсам, мен бир шўх бола,
Ўзим машоқ, ўзим ҳофиз бўлганман.
Қуёшни қиздириб ой шуъласида
Сўнг доира қилиб чалганман.

Мени ром этса-да, қушлар хониши,
Рухимга ёт эди тамоми қониқиш.
Юксакларни кўзлаб яшар эр киши,
Ҳаётни мен шундай билганман.

Доирам садоси аршгача етган,
Ёмғир шовуридек оламини тутган.
Қўлимдан сирғалиб, думалаб кетган,
Ичим қуйиб, доғда қолганман.

Не бир ҳофизлар бор, донғи қанотли,
Баридан номдори – бу Шамол отли,
Дарёча наво-ю ёмғир баётли,
Улардан кўп сабоқ олганман.

Ёмғир қуйлайверар, қуйлайверар қор:
«Ватан дийдоридек йўқ азиз дийдор».
Ҳатто губорнинг ҳам кўнар жойи бор,
Мен юрт меҳрин куйга солганман.

Ғофил тушунмағай ошиқ тилига,
Мен кўнгли берганман гуллар гулига,
Бир жоним юз попук юз кокилига,
Бир жоним юз дорга илганман.

Билинги, ўшадир ҳофизнинг зўри,
Қалбида сўнмаса муҳаббат қўри.
Ошиқлар уйдир жаннатнинг тўри,
Мен ишқни қуйлашга келганман!

ҚИБЛАҒОҲ

Мухташам Тошкентнинг қадим даҳаси –
Бешёғоч донғини билар одамлар.
Аста совиқ экан ёз алангаси,
Миллий боғ сайрига келар одамлар.

Кезаман «Адиблар хиёбони»ни,
Рухимни чулғағай мангу ифтихор.
Юртим, ташна диллар биёбонини
Чаманзор этгувчи богбонларинг бор.

Юксакда Навоий бобом ҳайкали,
Қад ростлаб турибди қиблага қараб.
Англайман, қошига келган маҳали,
Бошим товонига етмас, вожаб.

Кўп ҳолат асрори назардан ниҳон,
Бу бир маъжоз дея тушунгум, рости.
Бошга тож лаъл каби сўз ганжига кон –
Буюк қалам аҳли оёғин ости.

Кўёш теграсида сайёралардай,
Миллат осмонида ҳар бири зийнат –
Машрабу Оғахий, Бобуру Бердақ,
Беҳбудий, Қодирий... покиза тийнат.

Кўнглимини яшнатар бу бог, бу чаман,
Бир ҳикмат сиридан бўламан огоҳ:
Адиблар юзланмиш Навоий томон,
Дегандик, «Биз учун сиздир қиблагоҳ!».

ИЗИМДАГИ ИЗ

Аё, яхшироқ йўқ ўзингдан ўзга,
Кўнгилга чироқ йўқ кўзингдан ўзга.

Сендан юз бурганнинг юзи тескари,
Юз кўрмоқ юзсизлик юзингдан ўзга.

Ким ашъор, ким лашкар тузиб юрт тузди,
Туз тузуқ тотмади тузингдан ўзга.

Озига кўнмаган озди ҳақ йўлдан,
Асло буюрмади озингдан ўзга.

Дил розин сочганлар зор бўлди охир,
Зори дил қолмади розингдан ўзга.

Маккора кўрмади одам зурёди
Дунё деган танноз қизингдан ўзга.

Бўзлаб қолаверди кимса ортида,
Бир вафо қилмади бўзингдан ўзга.

Тилга келган ҳар сўз тушмади тилга,
Сўзга жон бермади сўзингдан ўзга.

Ҳар сўзинг қалбимга из солиб ўтди,
Изимда из қолмас изингдан ўзга!

ОППОҚ ТОНГЛАР

Кун чарчамас тунни супуриб,
Ўчган чироқ қайтадан ёнар.
Эшитилар отлар дупури,
Мудраб ётган йўллар уйғонар.
Оппоқ тонглар отаверади,
Умр эса ўтаверади.

Ўзни солиб ой кўзгусига,
Гилос тақар исирга ёқут.
Учар юлдуз – тун ёноғидан
Томчи ёшдай тушади оқиб.
Оппоқ тонглар отаверади,
Умр эса ўтаверади.

Сен борлигим, боғим, баҳорим,
Бор ҳаётим, юртим, сен учун.
Билақларим икки дарёдай
Ҳеч толмасин бўйнингдан кучиб.
Оппоқ тонглар отаверади,
Умр эса ўтаверади.

Эй гул, яшнаб яшашни ўргат,
Ўргат ёниб куйлашни, булбул.
Булбул, нуноқ тилимини тебрат,
Жой бер жаннат соянгдан, эй гул.
Оппоқ тонглар отаверади,
Умр эса ўтаверади!

МАЙ БОМДОДИ

Панжа уриб тут шохларига,
Адо этгач таямму шартин,
Яшил барғни билиб жойнамоз,
Ҳамд айтулар қушлар саф тортиб.

Имом булбул бошлар қироат,
Тушар етти фалакка ларза.
Қушлар шодон қоқарлар қанот,
Такбир айтиб мусулмонлардай.

Ошиқ булбул, масту мард булбул,
Қон юрагин уфққа отар...
Оппоқ тутлар – ситилган тасбеҳ
Доналари, сочилиб ётар!

ОНА ХАЛҚИМ


Эл дардича ўзга ғам
эр йигитга ғам эмас,
Эл дардини ёзмаган
қалам ҳам қалам эмас.

Одам бўлиб одамга
қилча нафи тегмаса,
Одам одам бўлдим,
ул одам одам эмас.

Эзгу дамдир ушбу дам,
ўзга дамни дам дема,
Ишққа ҳамдам бўлмаса
дам зое, дам дам эмас.

Эй она халқим, ўзинг
меҳрибоним, мунисим,
Сўзки, сендан сўз демас,
кўнгилма маҳрам эмас.

Не жавонмардлар ҳали
улағур бешигинга,
Чорласанг Алломиш деб,
Ҳақимбеклар кам эмас!



ФИДОЙИЛИК ЁЛҚИНИ

Ўзбекистон Қаҳрамони
Муса Ернийзов хотирасига

Тилдан тилга меҳмондир
Эзгу ният талқини,
Асрларга тафти берар
Фидойилик ёлқини.
Ялов тутиб яшаган,
Тўғри йўлга бошлаган,
Ўз Мусоси бор эди
Қорақалпоқ халқининг!

ОРОЛ ДАРДИ

Орол менинг кўксимда ётар,
Тўлғанаман, тўлгим келади.
Тушларимда соғинч уйғотар,
Қорақалпоқ бўлгим келади.

Мўйноқ ёқда қора уй қуриб,
Яшаш қандай – билгим келади.
Қорақалпоқ ёнида туриб,
Қорақалпоқ бўлгим келади.

АБДУВАЛИ

У эди шеър ушқуқ рамзу мажоз қутбидин,
Шамси – иймон-эътиқод, юрар йўли, қутби – дин.
Шарикатда Қутбиддин эшон бобо авлоди,
Шеърятда нисбаси – Абдували Қутбиддин.

ШОИРГА

Белни маҳкам боғла, боғлама тилни
Ва лекин унутма бир таомилни.
Оғзингдан киргани ўзингни боқар,
Оғзингдан чиққани боқадди элни.

КЎППАК

Ўйим эди фермер даласин кўрмак,
Аҳдлашиб, бог сари қўйгандим қадам,
Туйқусдан ташланиб қолди бир кўппак...
Кўппак кўппак экан Англияда ҳам.

ДЎСТ

Дўстга дўстнинг дўст сўзи дўст,
Дўстга дўстнинг дўст кўзи дўст.
Дўстга дўстдай дўст борми дўст,
Дўстга бўлса дўст Ўзи дўст.

ҚИЁС

Қудуқ – ер қаърида кўз очган булоқ,
Меним бу қиёсдан мақсадим бўлаб:
Бўш челақ йиқилар қудуқ тубига,
Юксакка йўл олар сув тўла челақ!

ҚАЛАМ

Қалам буюк зотлар сингари
Фидойилик йўлини тутар:
Яъни, ўзи тугаган сари,
Тулиб борар маънога дафтар!

БАЛИҚ

Ногоҳ айтиб қўйсак ноҳўя бир гап,
«Тилингни тий!» дея беришар адаб.
Бу-ку майли, лекин тилсиз балиқ ҳам
Қармоққа оғзидан илинар, ажаб!

ТОЛ ЁГОЧ

Ҳар тонг яхши ният ила кўзинг оч,
Ҳар ишинг пок бўлсин,
Ҳар сўзинг – расо.
Не истасак, шундоқ бўлди тол ёғоч –
Болтага даста-ю, кексага асо.

КЕНГАШЛИ ИШ ХАЙРЛИ БЎЛАДИ

Самарқанд вилояти Жомбой тумани ҳоқими Қаюм СОБИРОВ билан суҳбат

– Қаюм Ҳамроевич, суҳбатимизни кўпам қўлиларга солмасак. Эркин ва очикча фикр-қарашларингизни баён қилсангиз.

– Тақлифингизни самимий қабул қилман, бемалол.

– Бу тақлифни бир оғиз изоҳлаб ўтсам. Чунки ҳокимларнинг самимий қиёфасини кўпам кўравермаймиз. Ваҳоланки, кўпгина давлатларда губернатор деймизми, мэр деймизми, фуқаро билан ошхонада навбатда туриши одатий ҳол. Мана, яқинда Байрут губернатори шаҳардаги вайронгарчиликни изоҳлай олмади, микрофон қаршисида йиғлаб юборди. Ўша губернаторни ҳеч ким иродасизликда, сиёсий имижизгада айбламади.

– Фикрингизга қўшилиман, ҳокимлар ҳам йиғилади. Ҳазрат Румийда машур байт бор: «Ё аслинг каби кўрин, ё кўринганинг каби бўл». Бу фикр аслида нафақат мансаб эгасига, балки ҳар бир инсонга бирдек тегишли. Қанийди, амалдор юқорига қараб ҳам, пастга қараб ҳам бирдек гапирса. Боринги, қабулига келган фуқарони шунчаки тезроқ жўнатиб юборишни ўйламасдан, ўзи яқинининг муаммосини ҳал қилаётгандек мурожаатга ёндаша. Одамнинг ичи ҳам, ташқариси ҳам бирлиги шу.

Сиёсий имиж ҳақида гапирдингиз. Очиғини айтиш керак, биз ҳозирча сиёсий имиж ҳақида ўйлаб кўрётганимиз йўқ. Жуда кўп ишларимиз таъбир жоиз бўлса, ҳали «қўлда бажариляпти». Деярли барча соҳаларида қилинадиган ишлар бор. Ҳозирча чекка қишлоқдаги фермернинг олдига бориб ҳар доим ҳам сиёсий имиж доирасида суҳбатлаша олмайсиз. Қўғоздаги, назарий гаплар тўғри келмайди. Ёки ҳамма ўқитувчиларимиз билан ҳам замонавий педагогик технологиялар, амалий психология, бола руҳияти билан ишлаш тажрибаси тўғрисида савол-жавоб қилиб бўлмайди. Демак, нафақат иқтисодий, балки ижтимоий соҳаларда ҳам кўпгина ишларимиз ҳали олдинда.

– Барча соҳаларда илгарилашимиз кераклиги ҳақида гапиряпсиз. Очиғини айтиш керак, баъзан дўппини ёнга олиб ўйласак, барча тизимда иллат топилади. Ҳамма нарса йиғилиб қолгандек таассурот уюлган. Масалан, сиз қайси соҳа ўнганса, барча тизимлар кўнгилдагидек ишлаб кетади, деб ўйлайсиз?

– Бу ҳақда рости, кўп ўйлаганман. Барча соҳалар бир-бирига узвий боғланиб кетган. Шундай бўлса-да айтаман, мавжуд дунё тажрибаси ва соғлом ақл билан ўйлаб

кўрилганда ҳам энг катта тизим бу таълим йўналиши. Ёши катталарни ўзгартириш осон эмас, аммо боғча ва мактаб боласига нимадир бериш имконияти кўпроқ. Айтилик, корруция ва маҳаллийчилик ёмон эканлигини ўн йил кадастр, банк ёки тиббиёт соҳасида ишлаб, озми-кўпми қинғир йўлнинг «об-ҳаво»сини олган одамга ўқитолмайсиз. Чунки бу иллат одатга айланиши учун у кадрнинг ишлаган сўнгги ўн йилини, ундан ҳам ўтмишроқда бўлган ўрта ва олий таълимдаги тарбиясини тузатиш лозим.

Одамни қувонтирадиган ҳолат бор. Биз ўша жараёнга, таълимнинг ислоҳига ўта бошладик. Бутун бир туманда 10-15 фойза бола мактабга таълимга қамраб олинарди. Сўнгги икки-уч йил ичида минглаб хусусий ва давлат билан шериклида боғчалар қурилди, давлатники ҳам замонавий қилиб тизмирланяпти. Ўқитувчилар мажбурий меҳнатга жалб қилинмапти, ойлик маошлари сезиларли кўтарилди. Мана, пандемия шароитида уларга қўшимча масъулият юкланди. Ўз устида янада кўпроқ ишлаш имконияти пайдо бўлди.

Бундай олиб қараганда, шунинг ўзи ҳам катта силжиш. Янги Ўзбекистон ҳақида гапиряпсиз. Бу Ўзбекистоннинг асл қурувчилари ўқитувчилар, олий ўқув юрларидаги олимлар бўлади. Сабаби, мана яқин тўрт-беш йилда олий таълимни, яна бироз ўртиб тўлиқ ўрта таълимни олган ёшларимиз сафимизга қўшилади. Демакчизманки, барча тизимларнинг бирдек ишлаб кетиши учун биргина хоҳишдан ташқари ислоҳот натижасини кутиш, яъни вақт лозим. Энг муҳими, яхши таълим олиб келган ёшларга бағрикенглик қилиш ва уларни тўғри йўлга бошлаш керак.

– Ҳозир пандемия даврида барча қатлам бирдек синовдан ўтляпти. Тўғри, сиз вилоят даражасидаги ташкилотларда раҳбар бўлиб ишладингиз. Аммо Жомбой туманига ҳоким этиб тайинланишингиз мана шундай синовлар даврига тўғри келди. Бу шароитда инсон иродаси, тажрибасини кўрсатиши ҳам осон эмас, албатта. Содда қилиб айтганда, қилинган меҳнат, ҳаракат осонликча кўринмайди. Одамларнинг муаммолари, ташвишлари аввалгидан бир неча баробар ортган, моддий-маънавий қийинчилик кучайган.

– Ҳақиқатан ҳам дунё бўйлаб касаллик тарқалиши бизни барча йўналишлар бўйича синовдан ўтказяпти. Юқорида сиёсий имиж ҳақида гапирдик. Энди ҳоким шунчаки туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтиришдан ташқари уни хорижа олиб чиқиш йўллари ҳам излаши керак. Бунинг

учун ҳоким иқтисодни яхши тушунишдан ташқари, сиёсатчи бўлиши ҳам лозим. Яқин кўшнилари, ҳамкор давлатлар билан боғланган алоқалардан самарали фойдаланиши шарт. Биз шу пайтгача катта бир бозор бўлганмиз, энди ўзимиз бозор топишимиз керак. Яъни, етиштирилаётган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни олиб чиқиш йўллари топиш олдимизда турган муҳим вазифа ҳисобланади. Дунё бозорлари, эшиклари чекланган бу шароитда ишлаш ҳам осон бўлмайди, албатта.

Давлатимиз раҳбари бир гапни кўп такрорлайди: «Биз пандемия шароитида яшаш ва ишлашни ўрганишимиз, бу вазиятдан бақувват бўлиб чиқишимиз керак».

Дарҳақиқат, пандемия қанча муддатга чўзилиши ҳақида ҳеч ким билмайди. «Шундай шароитда мен раҳбар бўлиб қолдим, амал-тақал қилиб турсам бўлди-да» деган гап кетмайди. Ҳалқимизнинг яхшироқ яшashi, ишлаши учун шароит қилиб бериш вазифаси турибди олдимизда.

Жомбой туманида 2170 «Темир дафтар»га киритилган камбағал оила бор. «Темир дафтар» ҳақида қисқача тўхталсам. Бугун бу дафтар қанчалик тўғри ва ўз вақтида ташкил қилинганлигини вазият бутун бўй-басти билан кўрсатиб берди. Тасаввур қилинг, агар шу дафтар бўлмаганида биз маҳаллаларимиздаги оилаларни, улардаги мавжуд ижтимоий ҳолатларни яхши билмасдик. Берилаётган моддий ёрдамни тарқатишда ҳам катта муаммолар ва норозиликлар келиб чиқиши мумкин эди. Энг муҳими, шу оилалардаги меҳнатга лаёқатли кишиларнинг аниқ сонни қўлимизда бор. Улар билан манзилли ишларни амалга оширишимиз учун бу дафтар қўл келмоқда. Алоҳида таъкидлашим керак, мазкур дафтарга фуқароларимизни киритишда ҳам айрим ҳудудлардаги мутассадилар томонидан ноҳилликча йўл қўйилганлиги бугунги кунда маҳалла ва оила тизимида ҳам ислохотлар ўтказиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Президентимиз йил бошида камбағал оилаларни қаматириш, уларни иш билан банд қилиш орқали турмушини яхшилаш ҳақида гапирди ва буни олдимизга вазифа қилиб қўйди. Одамларимизнинг турмушини яхшилаш, камбағалликдан чиқариш бугунги кунда биргина ҳокимнинг эмас, тўртта секторнинг ҳам қундалик иш мазмуни ҳисобланади. Шу ўринда камбағалликдан чиқаришдаги муҳим бир жиҳатга тўхталмоқчиман. Туманимиз аҳолиси ихтиёрида 6,5 минг гектарга яқин экин майдони, яъни томорқа мавжуд. Шундай унумдор ер ва сув, ишлашга имконият бўла туриб, камбағал бўлиш мумкин эмас. Ҳудудларни ўрганиш жараёнида кўпчилик фуқароларимизда 10-15, ҳатто 30-40 сотихлаб



томорқалари қаровсиз ёки номигагина озуқа экинлари экиш билан чегараланиб қолинаётганига гувоҳ бўляпмиз. Эндиги вазифамиз одамларимизни мавжуд томорқаларидан самарали фойдаланиб, юқори даромад олишга ўргатишдир.

Пандемия даврида ҳам, шукурки, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳаси тўхтаб қолгани йўқ. Ишлайман ёки кимнидир ишли қиламан, деган одамга имкон даражасида шариот қилиб беришга интиляпмиз. Биринчи навбатда камбағал оилалар рўйхатида турганларнинг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилатири. Айримларига меҳнат қилиши учун ер, моддий аҳолини яхшилаб олиши учун имтиёзли кредит маблағлари ажратилапти. Жойларда бўш турган бинолар тadbиркорлик қилиш истигадига фуқароларга берилиб, ўз бизнесларини йўлга қўйишларига кўмак бериляпти. Шундай ўзига хос меҳнат гузарлари туманимизнинг Ҳолвойи ва Шеркўрган маҳаллаларида ташкил этилди. Бу ишлар тизими ва ҳисоб-китоб билан қилиняпти. Насиб этса йил охиригача камбағал оилалар сони сезиларли камайишига эришамиз.

– **Ҳокимларни қийнайдиган масалалардан бири ер билан боғлиқ. Ер кимга бериляпти: деҳқонга, ишбилармонга. Тан олиш керак, қишлоқ хўжалиги соҳасида анча оркудамиз. Ҳар йили далаларимизда янгидан-янги тижираниб қилиняпти. Очиғи, қишлоқ хўжалигидан бошқа йўналишларда замонавий тadbиркорлар пайдо бўляпти ва улар давлатдан олинган ердан самарали фойдаланяпти. Ўзига, бошқаларгаям ёрдами тегяпти. Аммо деҳқон-фермерларимиз фаолиятида қатор камчиликлар бор. Кўпчилик аниқ ҳисоб-китоб билан ишлашни билмайди.**

– **И**лгари ҳокимлар фаолиятига ўша худудда солиқ тушуми ва қишлоқ хўжалиги соҳасига қараб баҳо бериб келинган. Энди ҳокимлар нафақат экспорт билан шуғулланяпти, балки одамларнинг розилигига эришиш учун барча йўналишларда ишлашга тўғри келяпти. Ҳамма нарсани – йўл, мактаб, боғча, шифохона таъмирини вилоят ёки республикадан келадиган ёрдам билан амалга ошириб бўлмайди. Туманинг толгани ўзига қоляпти. Бу ҳам бир рўзгордек гап. Қанча маблағ орттира олса, тумандаги кўпроқ муаммоларни ҳал қила олади.

Энди фермерлар масаласига келсак. Аввало шуни айтишим керакки, ҳар бир иш биринчидан илм билан, иккинчидан, аниқ ҳи-

соб-китоб билан амалга оширилиши лозим. Ишлаб чиқаришнинг бирор йўналиши билан шуғулланадиган, айтилик, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тadbиркорда аниқ ҳисоб-китоб бор. Бу борада фикрингизга қўшилиман, албатта. Афсуски, кўплаб фермерларимизда ҳисоб-китоб тизими яхши йўлга қўйилмаган.

Хитойга хизмат сафари чоғида делегациямиз билан фермер даласида бўлдик. Чиройли машина ёнимизга келди, ундан костюм кийган, буйинбоғ таққан киши тушди. Даланинг бошидаги контейнерга кириб, кийимини алмаштириб кетмончасини кўтариб чиқди. Қаршимизда деҳқон турарди. Унинг шийпончасида ювиниш, тамадди қилиш, дам олиш ва мутулаа учун барча шариот мавжуд.

Нима демокчман, дунёнинг ривожланган давлатларида ер ҳақиқий ишбилармоннинг қўлида. Алоҳида ҳисобчиси, режаси ва мақсади бор. Нима қади, қачон йиғиб олади, кимга сотади – ҳаммаси аниқ.

Таққос учун айтаман, бизда ҳозирча ўнлаб, йигирмалаб фермернинг ҳисобчиси бир киши. Ўша ҳисобчи ҳам солиқ, банк ёки бошқа ташкилот идорасининг бир ишчиси ёки қишлоқ хўжалиги бўлимининг қайсидир ходими...

Президентимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишга катта эътибор беряпти. Пахта ва ғалла этиштиришда давлат буюртмасидан босқичма-босқич воз кечиб режалаштириляпти. Кластерларга имконият бериляпти. Яъни, барча йўналишларда хомашбдан тортиб, қайта ишлаш ва савдога чиқаришгача бир қўлдан ўтадиган тизимга қараб боряпмиз. Бу тез орада ижобий натижасини беради.

Туманимизнинг имконияти жуда юқори. Ери зўр, унумдор, суви бор вилоят марказига яқин, темир йўл кесиб ўтган. Бу шариот билан биз тўғри ва ҳалол ишласак, одамларимиз ҳеч қаерга кетмайди. Ўзимизда ҳам яхши даромад қиладди, фаровон яшай бошлайди.

– **Тўғри ишлаш ва ҳалоллик ҳақида гапирдингиз. Бу хислатларни янада мустаҳкамлаш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?**

– **М**ен ўз фаолиятим давомида бир нарсасига амин бўлиб келяпманки, одам аввало ислоҳот – талабчанликни ўзидан бошлаши ва раҳбар бўла туриб, ўзи талаб қиладиганларига, аввало, ўзи амал қилиши керак. Абдулқодир Жийлоний ҳазратларининг «Инсонларнинг ташқи ҳаракатларини шариат, ички дунёсини маърифат тартибга солади. Агар иккиси бир-бирини тўлдирмаса, ҳеч қачон ҳақиқат тугал бўлмайди» деган гапини кўп эслаб тураман. Бу фикр бугунги кунимиз учун ниҳоятда муҳим. Фаолиятимиздаги тўғрилик, ҳалоллик, омонатга хиёнат қилмаслик, бировнинг ҳақи, тўғрисузлик каби фазилатлар муқаддас динимиз аҳкомларини билиш билан, маърифат эса китоб ўқиш, олимлар суҳбатига бўлиш билан шаклланади. Буни биз юқорида айтганимиздек, боғча ва мактаблардан ёш авлод онига сингдиришни бошласак, кейинчалик улар оила қуриб, ўз фарзандларига шу зайлда таълим-тарбия бера бошла-

салар шунда соғлом фикрлайдиган авлод ва соғлом жамият вужудга кела бошлайди. Коррупция деб аталадиган иллатнинг вужудга келиш шарт-шароитлари секин-аста йўқолиб, ҳолат яхши томонга ўзгара бошлайди.

– **Жомбой тумани ҳокими сифатида тўрт ойдан буён ишляясиз. Фуқаролар билан ўтаётган учрашувлар ва ҳокимликдаги йиғилишларда тумандаги маданий объектлар, муҳим қадамжоларга эътибор қаратиш ҳақида гапирясиз. Бу борадаги режаларингизни ҳам маълум қилсангиз.**

– **Ю**ртимизда улуғлар абадий кўним топан жойлар кўп, жумладан, Жомбойда ҳам. Масалан, тасаввуф олими Шайх Худойдоди Вали қадамжоси одамларимиз тез-тез зиёрат қиладиган обод масканга айланган.

Бундан ташқари, Жомбойнинг Пайариқ тумани билан чегара худудида халқ тилида «Яканчик» деб аталган маскан бор. Бу жой ўзининг кабопазлари билан машхур, сўлим худуд, бозорчаси ҳам мавжуд.

Қизиғи, тadbиркорчи-олимлар бу мавзенинг нега «Яканчик» деб аталиши, тарихи ҳақида изланишлар олиб боришгани ҳақида ўқиб қолдик. Маълум бўлишича, «Ногаҳон» маҳалласидаги мақбара теурийлар ҳукмронлигининг сўнгги йилларида ашаб ўтган тасаввуф алломаси Камолиддин Оқоний-Алиободийга тегишли экан. Манбаларга қўра, улуғ шайх XIV аср бошларида Чимкентнинг Оқон қишлоғида туғилган. Урф-одатимизга қўра, улуғ алломанинг исми шайх Камолиддин Оқоний деб эмас, балки, оддийгина «шайх Оқоний» деб юритилган. Вақт ўтиши билан «шайх Оқоний» сўзи талаффузда «Оқон шайх», «Якон шайх», «Якум шайх», совет даврида эса «Яканчик», «Яконшик» тарзида қўлланиб кетган.

Ўша қаровсиз мақбарани обод қилиш, худудда ўзига хос лойиҳани амалга оширишни режалаштиряпмиз. Санитария талабларига жавоб берадиган бозорча, савдо ва маиший хизмат кўрсатувчи дўконлар, ошхоналар қурилади.

Ҳолвойи маҳалласидаги Имом Шамсуллаима қадамжоси, машхур жадид, маърифатпарвар Сиддиқий Ажзий ташкил қилган илк мактабга ҳам етарлича эътибор қаратилмаган. Хуллас, маданий-маърифий объектларни обод қилиш масаласини туман кенгаши депутатлари ва фаоллар иштирокида сессияда муҳокама қилдик. Режаларимиз кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

Умуман, мақсад ва эътибор бир тумонлама бўлмаслиги керак. Иқтисод, озиқ-овқат хавфсизлиги, одамларимизнинг маиший ва кундалик муаммоларидан ташқари, ёшларимизнинг эртаси, уларга яратилажак шариот ҳам муҳим. Учрашувларимизда ёшларнинг таклифи ва режалари ҳақида сўряпмиз. Ўз соҳасида намуна кўрсатиб, бугун пенсияга чиққан нуруойилларнинг маслаҳати, тажрибасидан фойдаланяпмиз. Зеро, илмли, маърифатли одамлар билан кенгашиб қилинган иш хайрли бўлади.

Исомиддин ПЎЛАТОВ суҳбатлашди.

Оққан дарё оқаверади

Ўзбек гиламчилик мактаби қайта тикланмоқда

Буюк ипак йўлида жойлашган юртимиз азалдан хорижлик савдогарларни қизиқтириб келган. Улар икки дарё оралигидаги дидордан кулолчилик буюмлари, ипак матолар, гиламлар олиб кетиб, Яқин Шарқ, Европа давлатлари бозорларида сотишган. Кейинчалик вазият ўзгарган эса-да, вақт ҳамма нарсани ўз ўрнига қўяди. Дарё ўзанига қайтгани каби юртимиз яна дунё савдогарларини ўзига чорлай бошлади.

Икки ой бурун йўлим Марғилонга тушди. Шаҳар янада чирой очиб, жуда обод бўлибди. Муҳташам бинолар қад ростлабди, мактаб, боғча, турли маданий-маиший объектлар қурилибди. Одамларнинг кайфияти кўтаринки, руҳи баянда. Шаҳарда яқинда очилган Хунармандлар марказига бориб, иккинчи қаватга кўтарилганимда, тўғриси, киноларда кўрганам – XX аср бошларидаги ҳаёт кўз олдимда гавдаланди. Саксон-юз чоғли қиз ўрмақда гилам тўқияпти.

Гиламдўзлик халқимиз учун янгилик эмас. Ўзбек гиламлари минг йиллар бурун ҳам дунё бозорининг харидоригар моли ҳисобланган. Бизни қувонтиргани, ўша анъаналар тикланибди. Айтишларича, марказда 50 турдан зиёд гилам юз фозиз тоза ипақдан қўлда тўқилади. Шунинг учун бу гиламлар харидори кун сайин кўпаймоқда.

Марказ моҳир уста, Олий Мажлис Сенати аъзоси Иброҳимжон Султонов ташаббуси билан қурилган.

— Тўқувчи фарзандиман, болалигим тўқув дастоғи ёнида ўтган, — дейди Иброҳимжон ака. — Кейинчалик ўзим ҳам кўп йиллар тўқувчилик билан шуғулландим. Ҳозир ҳам бўш вақт топдим, дегунча, ўрмакка ўтириб, гилам тўқиб бошлайман. Бу иш менга завқ-шавқ беради, болалигимни эсга солади.

Иброҳимжон Султоновнинг айтишича, ҳозир дунёда табиий молларга, экологик тоза озиқ-овқат, буюмларга талаб юқори. Марказда атлас, адрес ҳам тўқилади. Бу матоларнинг ҳам харидори кўпаймоқда. Корхонадаги 11 та цехда 600 нафар хотин-қиз ишлайди, яна 1300 аёл касаначилик асосида меҳнат қилади.

Гилам тўқийётган қизларни кузатиб, маҳоратига қойил қолмай иложингиз йўқ. Ҳеч ким бир зум тиним билмайди. Қўлда ипак ип, қўзлар ёндаги суратда. Қизлар ажиб бир ҳаракат билан тасвирни гиламга қўчиради. Суратдаги энг майда детал ҳам гиламда акс этиши керак. Шу боис, кичик гиламни тўқиш учун баъзан ойлар, йиллар керак бўлади. Баҳоси ҳам шунга яраша.

Иброҳимжон аканинг айтишича, ўтган йили битта 3,5x4,5 метр ўлчамли гиламни 61 минг, 3x4 метр ўлчамли гиламни 59 минг долларга сотган. Майда гиламнинг ҳам ха-

ридори етарли, чунки Марғилон водийнинг сайёҳлик манзилларидан бири.

Корхона ўтган йили 1,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилган. Бу йил пандемия туфайли мижозлари бироз камайган бўлса-да, жамоа йил охиригача ўтган йилги маррага етишни режалаштириб турибди.

Президентимиз жорий йилнинг 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Хунармандлар марказида бўлиб, амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Тўқувчи аёллар маҳоратига юксак баҳо берди.

— Давлатимиз раҳбари корхонамизга келганда ҳар бир оиланинг нури бўлган оналарни, хотин-қизларни рози қилишимиз, уларнинг меҳнатини қадрлашимиз лозимлигини алоҳида таъкидлади, — дейди Иброҳимжон ака. — Вилоятнинг бир неча аҳоли пунктида филиалларимиз бор. Корхонада ишлайдиган аёлларнинг фарзандлари учун очилган махсус боғчаларда тўқувчиларимиз болалари бепул тарбияланади.

Бундай гамхўрлик ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ошиб, харидорлар кўпайиб бориши бир-бири билан чамбарчас боғлиқ жараён.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида қадим Хивада ҳам бурунги анъаналар тикланиб, гилам ишлаб чиқариш саноат даражасига кўтарилди. Афсуски, маълум бир муддат қўхна шаҳардаги комбинат замонавий технология ривожини босқинчидан орта қолди.

Президентимиз шу йил март ойида Хоразмга ташрифи чоғида бу ҳақда гапириб, «Хива нафақат етти иқлимдан келадиган сайёҳлар учун мўъжизавий шаҳар бўлиши, балки ўз гиламлари билан ҳам дунё аҳлини ҳайратга солиши керак!», — деди.

Хива шаҳрида «SAM ANTEP GILAM» МЧЖ қўшма корхонаси ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш ўтган йил охирида бошланган. Давлатимиз раҳбари бу лойиҳани тезлаштириш лозимлигини таъкидлади.

Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати - 21,7 миллион евродан 10,2 миллион еврога банк кредити, қолгани корхона ҳисобидан қопланади. Айни пайтгача 12,2 гектар жойни эгаллаган корхонанинг барча муҳандислик иншоотлари ва бинолари тайёр ҳолга келтирилди. Жумладан, хомашё ва тайёр маҳсулотлар сақлашга мўлжалланган бешта омборхона, 300 ўринли ошхона, 600 ўринли аёллар ва эркаклар кийиниш хонаси замонавий талаблар бўйича қурилди.

«Хоразм гиламлари» ускуналари модернизация қилинади, Туркия, Германия, Англия ва Франция давлатларидан замонавий дастоғ ва ускуналар ҳам келтирилади.

Ушбу комбинат тўла қувват билан ишга тушгач, йилига 2,5 миллион квадрат/метр

гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлайди. Дунё талабига жавоб берадиган бу гиламларнинг бир квадрат/метри ўртача 5-10 доллар туради. Комбинат маҳсулотлари нафақат МДҲ давлатлари, балки Хитой ва АҚШга ҳам экспорт қилинади. Келажакда фабрикада 1250 киши ишли бўлади.

Барча соҳаларда, жумладан, ипакчиликда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли сурхондарёлик пиллакорларнинг пешонасига ҳам офтоб теғди. Уч йилдирки, вилоят пиллакорлари етиштирган ҳосил Термиш шаҳридаги корхоналарда қайта ишланмоқда. Бошқача айтганда, вилоят пиллакорлари ипақдан калава ип ва ипак момиги тайёрлаб, хорижга сотмоқда. Тайёр маҳсулотдан олинаётган даромад ҳам шунга яраша — хом ашёга нисбатан икки баравар.

Вилоят марказидаги «Сурхон ипаги» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари тайёр ипак калава ипнинг бир қисмидан ипак буюмлар тайёрлашни йўлга қўйди. Ипак калавалар халқимизнинг қадимий усуллари қўлланган ҳолда, миз, анор, ёнғоқ пўстлогидан тайёрланаётган табиий рангли билан бўяляпти. Бундай гиламнинг ранги сувга теғса ҳам мутлақо ўчмайди. Гилам цехида 30x60, 50x100 сантиметр ва 4x3 метрлик гиламлар тайёрланиб, хорижий сайёҳларга ҳам сотилапти.

— Яқинда пиллачилик Сурхондарё вилояти иқтисодига салмоқли даромад келтирадиган соҳага айланади, — дейди «Сурхон ипаги» МЧЖ бош директори Акмал Абдуллаев. — Термиш шаҳрида «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси кўмағида ипак маҳсулот ишлаб чиқариш корхонаси барпо этиляпти. «SILK ROAD TEX» МЧЖ таъсисчилигида 5 миллион доллар, банклардан ажратиладиган шунча миқдордаги кредит ва яна 5 миллион доллар миқдордаги инвестиция ҳисобига умумий қиймати 15 миллион долларлик корхонада йилига 150 минг погон метр ипак мато, 75 минг дона ипак кийим-кечак ҳамда 120 дона ипак гилам тайёрланади. Тайёр маҳсулотнинг асосий қисми экспортга чиқарилади. Корхонада 1138 киши доимий иш билан таъминланади.

Айни кунларда корхонанинг гилам тўқиш цехида Эрондан таклиф қилинган мутахассис Фаррух Манал 60 нафар ўшга ипак ва қўй жунидан ҳар хил нақшли ҳамда дизайнли гилам тўқиш сирларини ўргатмоқда.

Биз юқорида гиламчилик бўйича учта шаҳарда олиб борилаётган ишлар ҳақида қисқача маълумот бердик. Бундай мактаблар мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида халқимизнинг қадимий анъаналари асосида қайта тикланмоқда.

Б. УММАТОВ



«Илҳом» – ижодкорларга мададкор



Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фонди директори Жамшид РИЗАЕВ билан фондининг вазифалари, уларнинг ижроси ҳақида суҳбатлашдик.

– Жамшид ака, «Илҳом» жамоат фонди ташкил этилганига уч йил бўлди. Фонд ўзининг асосий мақсад вазифаларини қандай бажармоқда?

– Ёдингизда бўлса, 2017 йил 3 август куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашув ўтказди. Учрашувда миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари, бу борада ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида атрофлича фикр алмашилди. Фонд ташкил этилишига ўшанда тамал тоши қўйилган эди. Мулоқотда ижодкорлар, зиёлилар фикри тингланди. Самиий суҳбат руҳида ташкил этилган бу учрашувдан кейин маданият, адабиёт ва санъат соҳаларида қўллаб-ўзғаришлар юз берди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги «Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида фондини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан 20 миллиард сўм маблағ ажратилди. Тузилма 2022 йилга қадар барча солиқ ва мажбурий тўловлардан озод қилинди. Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, мазкур ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш, уюшмалар аъзолари ва соҳани ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган фахрийларга аниқ йўналтирилган моддий ёрдам кўрсатиш сингари масалаларда муайян муаммолар мавжуд эди. Фонд ташкил этилиши айна муаммолар барҳам топишига хизмат қилди.

«Илҳом» жамоат фонди бир қатор ижодий ташкилотлар учун истиқбол йўлларини очмоқда, ижодкорларга янги асарлар яратишда моддий кўмақдош бўлмоқда. Моддий қўллаб-қувватланмаса ижодкор янги асар яратмайдими, деб сўрашингиз мумкин. Тўғри, асарлар яратилади, ижодкор доимо изланишда бўлади, лекин асарнинг иккинчи умри – ёзувчининг китобини чоп этиш, рассом асарларини юртимиздаги ва халқаро кўргазмаларга олиб чиқиш, театрлар учун гастроллар ташкил этиш, бастакорларнинг сара асарларини жаҳон саҳналарига олиб чиқиш каби масалалар ҳақида долзарб. Утган уч йил мобайнида тегишли ташкилот, муассасалар билан ҳамкорликда шу масалаларга ечим топдик.

Фонд маблағлари ҳисобидан бир қатор китоблар чоп

этилди. Юртдошларимизнинг турли халқаро фестиваллардаги иштироки қўллаб-қувватланди.

Кўрсатилаётган юккак эътибор туфайли ижодий уюшмалар фаолияти янги босқичга кўтарилди.

– 2020 йилнинг ўтган даврида пандемия сабаб жуда кўп режа ва мақсадларни амалга ошириш имкони бўлмади. Бу даврда фонд қандай ишлади, ижодкорлар қай тарзда қўллаб-қувватланди?

– Карантин даврида жуда кўп ижодкорларга манзилли ёрдам кўрсатдик. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Театр арбоблари уюшмаси фахрий аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсуповага оғир касаллиги, даволаниш ва дори-дармон харид қилишга моддий имконияти йўқлиги сабабли фонд томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистон Бадий академияси Рассомлар ижодий бирлашмасининг ёрдамга муҳтож ва фахрий ижодкорлари ҳолидан хабар олиш мақсадида

23 нафар ёлғиз кекса, ёрдамга муҳтож ва ногирон ижодкорга 15 миллион сўм моддий ёрдам ажратилди.

Бунда ҳар бир яққа-ёлғиз яшаётган кекса ижодкор хонадонига бориб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди, яъни маълум миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари, коронавирусга қарши шхсий гигиена ва химоя воситалари етказиб берилди.

Мамлакатимизда коронавирус пандемиясига қарши кураш доирасида амалга оширилган чора-тадбирларни кенг ва фаол ёритиб келаётган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 50 нафар аъзосига Фонд томонидан 144 миллион сўмлик қимматбаҳо совғалар тақдим қилинди.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган бир қанча ходимлар Фонд томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Фонд томонидан кўрсатилган бундай эътибор жамиятимизда демократик кадрлятиларни қарор топтириш, фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш, дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний маълумот етказишда матбуот аҳлини фидокорона меҳнат қилишга ундайди.

Бир сўз билан айтганда, «Илҳом» фонди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмаси фаолиятини ривожлантириш, ушбу соҳалар вакилларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга муносиб иш ва дам олиш шароитлари яратиб беришни таъминлаш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда.

М. ШАМСИЕВА суҳбатлашди.



МАҚОМ – МУМТОЗ МУСИҚАМИЗНИНГ ЕТАКЧИ ЖАНРИ

**Ўзбек миллий мақом санъати маркази бош директори,
профессор Соибжон БЕГМАТОВ билан суҳбат**

– Соибжон ака, аввало миллий мақом санъати ривож, такомили хусусида сўзлаб берсангиз.

– Миллий мақом санъати жуда қадимий ва фалсафий маънода назарий ва амалий жиҳатдан мукаммал шакл, асос ва анъанага эгаллиги билан ажралиб туради. Бу жуда узоқ синовли ва ижодий мuddатдир. Халқимизнинг миллий маънавий негизи, қадриятлари шаклланиши, ривожланиши жараёнида бетакорор ва ўзига хос анъаналар даврлар оша мукаммаллашиб, гўзаллашиб камол топган. Ана шу қадриятлар билан сугорилган анъаналар оҳангиде инъикос топган мусиқий намуналар мақом шаклида халқимизнинг оҳанглардаги мусиқий қомуси сифатида қадрлини, ривожланиб келган. Муайян даврларда уларнинг амалиётдаги ижро муносабатларида узилишлар бўлган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мақом санъати халқимизга қайта инъом этилиши, тўғрироғи, қайта жонлантирилиши, мақом санъатининг қайта туғилишига сабаб бўлди. Бу, дарҳақиқат, оламшумул воқеа.

Асл санъатнинг кучи улкан, маънавияти юксак, намуналари азиз ва ҳар бир намоёнаси бетакорор бўлади. Шунинг учун бу санъат ҳар томонлама мукаммал, назарий ва амалий жиҳатдан мураккабдир. Ёшларимиз барча соҳада, қисқа мuddатда жаҳон ареналарига чиқишга улғурди. Улар мушкулликдан қўрқмай, аксинча, мураккабликда мукаммаллик уйғунлашган фалсафани англашга уринади. Бунга эришиш қизиқарли ва завқлидир. Мақом санъати ҳам бошқа соҳалар каби уч йилда кескин такомиллаштирининг асосий сабабларидан бири шунда. Зеро, мақом бу фалсафа, илм, образ, шакл, овоз ҳосил бўладиган мукаммал мусиқий асар. Мақом ўзбек мумтоз мусиқа меросининг етакчи жанри. Энг муҳими миллатимизнинг оҳангларда акс этган мусиқий қомусидир. Шу боис дунёни илм ва маърифат билан эгаллайман, деган ҳар бир ёш уни ўзлаштиришга, билишга, идроклашга интилиши лозим.

– 2018 йил сентябрь ойида Шахрисабз шаҳрида илк Мақом санъати анжумани кўтаринки руҳда ўтказилди. Тадбир доирасида конференциялар, бошқа тадбирлар бўлиб ўтди. Анжуманинг ўзбек мақом санъати ривожига тугатган ўрни ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Одатда асл нарсига қўл урилса унинг асл ҳолати намоён бўлади. Илк бор жаҳон миқёсидеги умумбашарилай мумтоз мусиқа намоёндалари жалб этилган ҳолда Мақом санъати анжумани ўтказилди. Унинг шуқуқи бутун оламга тараннум этилди. 2018 йилнинг 6–10 сентябрь кунлари Шахрисабз ҳақиқий байрамона руҳ билан мақом санъатини дунёга таратди.

Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Бундай халқро анжуман илк бор Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан таъсис этилди ва халқро миқёсда ўтказилди. Анжуман доирасида мақомот санъати бўйича Халқро танлов ва илмий-амалий конференция бўлди. Анжуманга 74 давлатдан 300 дан ортққ олим, созанда ва хонандалар, турли даражадаги меҳмонлар таширф буюрди. Шарқ ва Ғарб мамлакатларидан келган дунёга таниқли мақомот ижрочилари Шахрисабзда халқ мусиқасининг энг мукаммал жанри бўлган мақомот ижрочилиги бўйича Халқро танловда иштирок этди. Шахрисабзда ҳиндлар рагаси, эронликлар дастгоҳи, покистонликлар қавваллиси, турклар мақами, араблар мақам ва нубаси, озарбайжон муғоми, уйғурлар муқоми, ўзбек ва тюрклар мақоми янради. Қатнашчилар ўз санъатини намоиш этиб, шажрона маданият ила миллий мусиқа меросидан намуналар ижро этиб, саҳнада беллашди. Бутун дунёдан йиғилган нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчилар ижроси муносиб баҳоланди.

Анжуман доирасида ўтказилган тадбирнинг иккинчи асосий йўналиши мақомлар илмий асосини ўрганишга бағишланган илмий-амалий конференция бўлди. Бу тадбирда бутун ер юзидан йигирмадан ортққ мақомот билимдонни, мусиқашунос олимлар иштирок этди. Пировадиде мақомларнинг тараннум жараёнидаги парда тизимига тегишли

муаммолар мақомот йўналишининг долзарб масаласи экани эътироф этилди. Шахрисабз илмий-амалий анжуманининг эътиборга молик жиҳати ана шунда бўлди. Конференциянинг якуний қарори сифатида, келгуси илмий-амалий конференцияларда ушбу муаммога бағишланган илмий тадқиқотлар олиб бориш ва илмий муҳокамалар ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

– Президентимиз қарори билан Юнус Ражабий номидеги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилди. Институти фаолияти йўналишларига тўхталиб ўтсангиз. Институтига талабалар қандай мезонлар асосида қабул қилинади?

– Давлатимиз раҳбарининг 2017 йилда қабул қилинган мақом санъатини қайта тиклаш бўйича қарори асосида қисқа мuddатда Республикаимизнинг барча вилоятларда мақом жамоалари ташкил этилди. Ушбу жамоаларда устозлар раҳнамолигида ёш созанда ва хонандалар фаолият олиб боради. Мақом санъатининг назарий ва амалий жараёнини пухта эгалламасдан мукаммал ижрога эришиш қийин. Шу жараёнларни инобатга олган ҳолда давлатимиз раҳбарининг мақом санъатини ривожлантириш борасидаги ғояси навбатдаги босқичи Юнус Ражабий номли Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилиши бўлди.

Мазкур олий таълим муассасаси ёш ижрочилар мақом санъати илми ва ижрочилигини назарий ҳамда амалий ўзлаштиришига, ёшларимизни бу соҳада муносиб тарбиялашга хизмат қилади.

Институти Ўзбекистон давлат консерваторияси мақом санъати факультети негизиде ташкил этилди ва мақом хонандалиги, мақом созандалиги, мақом тарихи ва назариясига асосланган мусиқашунослик таълими йўналишларида фаолият олиб боради.

– Давлатимиз раҳбари Наманган вилоятига ташрифи чоғида ёшларнинг мусиқий қолғу ижрочилигига доир билими ва салоҳиятини янада юксалтиришга доир тақлиф билдирди...

– Мусиқа инсоният учун берилган илоҳий неъмат. Инсон мусиқа орқали тарбияланади, мусиқадан руҳий озуқа олади. Оҳанглар таъсирида ўзини кўради, оламни тасаввур этади, тарбияланади, сабоқ беради, бошқаради, даво топади. Инсон мусиқани тинглаши керак, яхши мусиқа фақат яхшиликка етаклайди. Агар росмана мусиқа шайдоси бўлиб тингласа, идрокласа, мусиқа – тарих, анъана, қадрият, маънавият, маърифат, тарбия, орзу, муҳаббат, ҳамроҳ, малҳам. Бу сифатларни яна давом эттириш мумкин. Яъни, куй ким нимани хоҳласа истаганини топадиган сирли мўъжиза дунёси эканлигини эътироф этиш мумкин. Фақат унга шайдо бўлиш керак, у билан бирга доимо яшаш керак. Шундагина инсон мусиқанинг сирли дунёсини идроклай бошлайди, сеҳрли ва мўъжизавий таъсирини англайди, ўзини ҳар доим руҳан тетик, забардаст ҳис этади.

Президентимизнинг ёшларнинг мусиқий қолғу ижрочилигига доир билими ва салоҳиятини янада юксалтиришга доир тақлифлари замирида ана шундай фалсафа мавжуд. Давлатимиз раҳбари келажак авлод вакиллари росмана ҳар томонлама забардаст бўлиши, руҳан кудратли, ақлан бутун ва теран фикрлай олишга қодир шахслар бўлиб тарбияланишига ишора қилди. Дарҳақиқат, мусиқий қолғуларимизнинг қай бирини олманг, мוזийдан садо келаетгандек, таратаётган садосида бир ҳикмат мужассамдек. Гўёки, бу фалсафий оҳанглар кишини ўз оғушига олади. Халқимиз қолғу, соза бой. Уларнинг ҳар бири мукамал. Энг муҳими бу қолғуларда ҳар қандай жаҳон классик асарларини, мақомот намуналарини мукаммал ижро этиб, тингловчини хушнуд этиш мумкин. Дутор, танбур, сато, уд, гижжак, чанг, қонун, рубоб, най, қўшнай, сурнай, доира ва ногорнинг ҳар бири бир дунё. Бу қолғуларнинг гўзал садоларидан баҳраманд бўлиш бир бахтдир. Ҳеч биримизни ана шу бахтдан бенасиб қилмасин.

Манзура ТИНИБЕКОВА суҳбатлашди.

Булбул тан берган

Эссе

Хотирам панд бермаса, Маҳмуджон Тожибоев ҳақида бундан ўттиз беш йиллар олдин ёзган мақоламга шундай сарлавҳа кўйган эдим. Унда бир ривоят келтирилган эди: Қадимда машҳур бир хонанда ва созанда ўтган экан. У куйни шундай чалар, ашулани шундай куйларканки, ҳеч қандай тингловчи кўз ёшини тиёлмас экан. Бир кун уша хонанда сел бўлиб қандайдир мумтоз куйни чалиб, оҳангига ўзи ҳам маст бўлиб, йиглаб ўтирган экан, иттифоқо дутори бошига булбул келиб кўнибди. Созанда дуторни майин тебратиб, чалишда давом этаверибди. То куй тугагунча, булбул ҳам кетмабди. Чалиб бўлгач, созанда яна бир дам дуторни шу ҳолда ушлаб турибди. Булбул созандага бироз термулибди-да, сўнгра секин учиб кетибди. Ушанда созанда биринчи марта булбулнинг кўзини кўрган экан. Шундан кейин эл уша хонанда ва созандани «Булбул тан берган хонанда» дейдиган бўлишди. Мақолада Маҳмуджон Тожибоев ўша созанда ва хонандага мензалган эди.

Бугун ўйлаб кўрсам, ўшанда Маҳмуджон ёш, эндигина ўттизга бориб-бормаган хонанда бўлишига қарамой аллақачон эл озгига тушиб улгурган, устозлари Орифхон Хотамов, Очилох Отахонов, Фаттоҳхон Мамадалиев унга ўз тендоши каби муомала қилишарди. Шунинг узвиёқ Маҳмуджон ёш бўлса-да ўша машҳур ҳофиз-созандалар сафига кўшила олгандани дарак беради.

Ўшандан бошлаб Маҳмуджон билан қадрдонлашиб кетдик. Гарчи, тез-тез учрашмасак-да, кўнглимизда бир-биримизга ҳурмат барқарор эди, қачон, қаерда, қай ҳолатда кўришмайлик бир-биримизга кучоқ очиб келардик. У ниҳоятда камтар, бола каби бегубор, том маънода самимий, устозлари, оиласи, дўстлари, шогирдлари сadoқатли, оқибатли инсон эди. Доимо кулиб турарди, кулганда қийқ кўзлари юмилиб кетар ва бу ўзига жуда ярашарди.

Маҳмуджон Тожибоев билан танишганимиздан буён ўтган йиллар давомида унинг ҳам, менинг ҳам ҳаётимизда, ижодимизда кўп ўзгариш бўлди. Бу, табиийки, мамлакатимизда, халқимиз турмушида рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ. Маҳмуджон мумтоз кўшиқчиллигимиз, хусусан, мақом санъатининг етуқ, билимдон ижрочиси, ҳимоячиси, жонкуяри, тарғиботчиси бўлиб етишди. Ҳа, мен бу сўзларни атайлаб ишлатялман: у мақомнинг барча нозик жиҳатларини, ижро этилаётган ғазал сўзлари маъносини тушуниб куйларди, шунга қараб парда босарди. Шу бўлса, у мақом бўзиб айтилганини эшитса чидабелмасди, ижрочига одоб билан танбеҳ берад, қандай куйлаш лозимлигини, қандай талаффуз қилиш зарурлигини эринмай кўрсатиб беради. Бу билан мақомни ҳимоя қилар, айна ни чоғда бу бебаҳо маънавий хазинамизни тарғиб қиларди. Маҳмуджон мақом санъатини асл ҳолича ижро этиш, асл ҳолида келгуси авлодларга етказиш, бирон-бир жиҳатини ўзгартирмаслик тарафдори эди. У мақомни қадимий шаҳарларимизда асрлар давомида қад ростилаб турган меъморий обидаларга ўхшатарди. Бу обидаларни реконструкция қилиш, яъни, замонавий кўринишга келтириш мумкин эмас, уларни ўз ҳолича сақлаш керак. Улар шу жиҳати билан қадрли, шуниси билан гўзал. Сайёҳларни, айниска, ҳоржиқларни жалб этишига асосий сабаб ҳам шу, дерди. Худди шундай, мақом ашулаларини замонавий куйга солиш боқий меросимизнинг асслигига путур етказиши, дея жон кўйдирарди. Бу фикрларини телевидение орқали, турли анжуманларда, ўзаро суҳбатларда кўп айтган. Консерватория профессори сифатида талабаларга ана шу руҳда сабоқ берад эди. Маҳмуджон Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан ниҳоятда мамнун бўлди. Шу қарор билан ташкил этилган Ўзбек миллий мақом санъати маркази аъзоси сифатида вилоятларда юриб, бу мумтоз санъатимизга қизиқадиغان ёшларни излаш, мақом ансамбллари тузишда фаол катнашди, 2018 йил сентябр ойида Шаҳрисабзда ўтган биринчи Халқаро мақом санъати анжуманида иштирок этган, ушбу воқеа таассуротларини ҳаяжон билан ҳикоя қилиб турар эди. Анжуман ҳар икки йилда ўтказилиши белгилаб қўйилганидан таяж хурсанд бўлиб, давлатимиз раҳбарининг бу ташаббуси, бу қарори тарихий эканини қайта-қайта таъкидлар, ёшларга, шогирдларига ушбу ғамқўрлик ва эътиборнинг қадрига етиш, имкониятлардан умимли фойдаланишни уқтирар эди.

Журналимизда М.Тожибоев билан суҳбат уюштириш режалаштирил-

гани айтилганда, у созини кўтариб, тахририятга келди. Узоқ суҳбатлашдик. Мақом санъати тарихи, шўъбалари, қайси мақом қандай бошланиши, ижро услублари ҳақида батафсил гапириб берди. «Товушнинг паст-баландлиги пардалар билан ўлчанади. Пардани тўғри келган жойдан бошлаш мумкин эмас, муайян пардалар бор. Масалан, «Бузrug» мақоми «реждан бошланади. Агар бошқа пардадан бошланса «Бузrug» қикмайди. Мақом мукамал тартибга асосланган санъат, мусиқани тушунмайдиган одамга ҳам исталган жойдан бошлаб чалиб беринг, камчилигини сезади» деди. Бу фикрларни билдириш жараёнида созини чалиб, пардаларни кўрсатиб, эринмай тушунтирди, мақомдан намуналар ижро этди. Биз, тахририят ходимлари, гарчи ҳофизнинг профессионал гаплари магзини тўла қақолмаган бўлсак-да, ижро этган куй ва ашулаларидан баҳраманд бўлдик, завқ, маънавий озуқа олдик. (Ҳофиз билан суҳбатга тушдик).

Суҳбат журналимизнинг жорий йил биринчи сонига эълон қилинди. Журнал чиққанини эшитган Маҳмуджон яна тахририятга келди. Ваҳоланки, бирор шогирдини юбориши ҳам мумкин эди. Журнални бир бошидан варақлаб, ҳар бир материалга, суратга эътибор бериб, фикрини айтди. Шу баҳона санъат, адабиёт, айниска, мумтоз адабиёт ва санъатимиз, ўтган устозлар ҳақида анча гурунлашдик. Столда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам билан камина бирга тушган сурат турган эди. Маҳмуджоннинг кўзи шу суратга тушди-ю, гапидан тўхтаб менга юзланди. «Мана шу киши олдида жуда хижолатдаманд-да, — деди. — Бир тадбирга таклиф қилган эди, ҳозир сабаби аниқ эсимда йўқ, боролмай қолганман. Шундан буён у кишининг кўзига қарашга ботинолмайман.»

Мен бу гапни кейин Эркинга айтдим. У кулди-да, «Ҳалиям эсида эканми? Менинг ёдимдан аллақачон кўтарилиб кетган... Тўғри, туғилган кунимди, нимадир тадбирга қақирган эдим, келолмади. Маҳмуджоннинг бунақа одати йўқ эди-ку, бирор узрли сабаб қикиб қолгандир-да, деб кўя қолдим. Шундан кейин уч-тўрт марта кўришдик, менга кўзи тушиши билан юзини қўли билан бекитиб, хижолатомуз кўлар эди», деди.

У ана шундай андишали инсон эди.

Суҳбатимиз сўнггида Маҳмуджон менга қараб турди-да, сизга бир илтимосим бор, деди. Бажони-дидим. Кунлар сал исгандан кейин (суҳбатимиз март ойи бошларида кечган эди) шу кишини олсангиз, яна ким, у бироз ўйланиб турди-да, Усмон Азим билан қандайсиз, деди. Жуда қадрдоним, дедим. Унда жуда яхши, Усмон ақани ҳам олиб, уйимга борасизлар. Шаҳардан ташқарида ҳовли-жой қилганман, ҳали тўла битмаган бўлса-да, суҳбат қилиб ўтирсак бўлади, улфати чор бўлиб бир хумордан чиқамиз, деди. Назм ва наво кечаси бўлар экан-да, дедим кулиб. Бу гапдан Маҳмуджон ҳам мириқиб кулди. Сўнг бизнинг қулбада бўладиган назм ва наво кечасида учрашгунча, деб хайрлашди...

Афсус, минг афсус, бу ният амалга ошмай қолди. Суҳбатимиздан ўн-ўн беш кун ўтиб коронавирус пандемияси тўфайли мамлакатимизда карантин бошланди... 11 июль кунги эса ижтимоий тармоқларда совуқ хабар пайдо бўлди: «Ўзбекистон халқ ҳофизи, «Меҳнат шўҳрати» ордени соҳибни, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Маҳмуджон Тожибоев тўсатдан вафот этди.» Во дариг! Бу не кўргилик! Эндигина 63 ёшга тўлган эди-я! Қанча-қанча оруз ниятлари бор эди-я! Бу йил сентябрда Иккинчи Халқаро мақом санъати анжумани бўлишини (Маҳмуджон билан охириги суҳбатимиз пайти ҳали юртимизда карантин бошланмаган эди), бу катта анжуманга пухта тайёргарлик кетаётганини, унда вилоятларда кашф этилган ёш мақом ижрочилари ҳам иштирок этишини, миллий мақом санъатимиз юксак чўқиларга кўтарилишини ҳаяжон билан қувониб гапирган эди. Бу анжуманини интиқиб кутаётган эди. Афсус, минг афсус! Оллоҳнинг иродаси, ўлим ҳақ. Яратгандан имон-этиқодли, Ҳақни таниган биродаримиз Маҳмуджон Тожибоевнинг охиратини обод қилишни, қабрини Қуръон нурулари билан мунаввар этишини, билиб-билмай қилган гуноҳларини махфират айлаб, Узининг фирдавс жаннатларига кирадиган бандалари қатарига қўришини сўраб дуо қиламиз. Ўзбек халқи, унинг боқий мероси бўлган мақом санъати бор экан, буюқ ҳофиз, беназир созанда Маҳмуджон Ғози ўғлининг номи ҳам яшайди, у куйлаган ашулалар, чагдан куйлар эзгу ниятли солих инсонлар дилига малҳам янглиг янрайверарди.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ



ДАВЛАТ ТИЛИ: ЮКСАЛИШ САРИ

Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қويدасига айлантиришимиз лозим.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ТИЛ ВА ЭҲТИЁЖ

Давлат тилига эътибор, унинг нуфузини янада ошириш борасидаги ишлардан гап очилса, одатда, кўча-кўй, жамоат жойлари ва оммавий ахборот воситаларидаги рекламалар матни-ю ғализ битикли пешлавҳалардан ёзғириш бошланади: ажнабий атамалар урчиб кетган, хатосиз ёзилган ўзбекча сўз анқонинг уруғи... Ёзғириш поёни ҳам кўпинча: «Оврўпа мамлакатларига борсангиз...» деган ўкинч билан тугайди.

Асрлардан буён мустақиллик нашидасини суриб яшаётган бадавлат, сермаърифат мамлакатлар аҳлига ҳавасимиз келиши, улардан улгу олишга интилишимиз табиий. Фақат қарийб 150 йил давом этган истибоддан халқимиз куни кеча халос бўлганию ҳар жабҳада қаддини дадил тиклаётганини баъзан унутиб қўётгандекмиз.

Инсон ўзи шундай – озодлик, фаровонлик, бойлик каби ҳаммага ва ҳаммави ҳам насиб этавермайдиган неъматларга тезроқ эришишни истайди. Қанча дўржи бўлса, шунча камдек туюлаверади. Эҳтиёжнинг эса ҳад-чеки йўқ.

Бу ҳам табиий.

Аммо ортимизга бирров назар ташласак, даҳшатли туш каби туюладиган аянчли манзаралар ёдимизга тушмайди. Инсоф билан айтганда, бошқа неъматларни қўя турайлик, оддий нон, шакар, туз харид қилиш илнжида пештахталари хувиллаб ётган дўконлар олдида каллаи саҳардан ярим тунгача навбатда турмаганмиди?. Истиқлолимиз берган имконият ўлароқ, фаровон юртларга илк бор қадам қўйганимизда, «ҳатто, автомобилларнинг магазинларда сотилаётганини» кўриб, оғизларимиз ланг очилиб қолмаганмиди?

Бугунги тadbirkorларнинг аксарияти ўша тақчиллик замонида — ҳам моддий, ҳам маънавий иммунитетини пасайган даврда шаклланган, «ҳовлисида эшаги билан пишғидан бошқа мулки бўлмаган», камбағал ишчи-деҳқон оиласидан чиққани билан умри бўйи фахрланиб ўтган йўқсиллар вакиллари ёки уларнинг фарзандлари эмасми. Йўқсиллик психологиясидан кутулиб, хусусий мулкчилик, тўқчилик маданияти, тафаккури ва маънавиятига эришиш осон кечадиган жараён эмаслиги аён.

Қонунларда қанчалик кенг эркинлик ва имконият назарда тутилмасин, фуқаролар улардан тўғри, самарали фойдаланишни билмаса, нафи кам. Шундай экан, жамиятда молиявий-иқтисодий шарт-шароит, имконият қатори, миллий тadbirkorлик маданияти ва тафаккури ҳам шаклланиши зарур.

Зеро, она тилини, миллий аъналаримиз ва маданиятимизни пухта билмасдан, фақат пул-маблаг билан қут-баракага эришиш душворлиги аён бўлиб қолди.

Йўқса, Парижни томоша қилиб келган тужжор аёл қишлоқдаги ҳовлисининг пахса деворига «Vêtements de mariage» деган уч қулочлик пешлавҳани илиб қўйиб, мақтаниб юрармиди?! Орзуга айб йўқ, албатта. Аммо фаранг хонимлари тубканинг тагидаги ўша қишлоққа келиб, бўйи етган қизларига келинлик либосини буюртма беришига ҳозирча ишониш қийинроқ. Келса ҳам эндиликда ёпилиб кетган ўша бичиш-тиқиш дўконини ўзбекча пешлавҳаси орқали бир амаллаб, топиб олиши мумкинми...

Қани энди, неча ўн йиллар, ҳатто, асрлар давомида йиғилиб қолган муаммоларни бир кунда, бир фармон ёки бир қонун билан ҳал этишнинг иложи бўлса. Қани энди, халқимизни, яъни сизу бизни семинар-тренингларда ўқитиш йўли билан онгу тафаккуримизни бир кунда ўзгартириб, мутараққий давлатлар фуқаролари каби юксак маърифатли, муттасил ўқиб-ўрганадиган, фаровон яшайдиган қилиб қўйишнинг чораси топилса.

Дунёқарашни ўзгартириш қонунларни ўзгартиришдан анча қийин. Буюк шоир айтганидек, «ғишт устига ғишт қўймоқ учун ҳам фурсат керак».

ЯНГИ ТАРИХ ВА ЮКСАК ЭЪТИБОР

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида биноан 21 октябрь санасининг «Ўзбек тили байрами куни» деб эълон қилиниши мамлакатимиз янги тарихи, янги тараққиёт босқичида амалга оширилаётган буюк ислохотларнинг юксак самараларидан биридир.

Ўзбек тили байрами – она тилимизни шарафлаш, унинг қаддини ва қадрини янада юксалтириш айёמידир. Бу байрам давлат тилининг Ўзбекистонда яшаётган барча миллатлар ва элатлар севимли тилига, маънавий эҳтиёжига, фахр-ифтихорига айланишида муҳим омил бўлади.

Бу борадаги ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда, дастлабки самаралар кўзга ташлана бошланди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини олайлик.

Бугун ўнга яқин миллат вакиллари меҳнат қилаётган Мар-

казий сайлов комиссияси аксарият ходимлари фақат давлат тилини эмас, хоржий тилларни ҳам пишиқ-пухта билади. Сайлов комиссиясининг мажлислари оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида давлат тилида ўтказилади. Комиссиянинг ҳужжатлари тўла давлат тилида ишлаб чиқилади, тайёрланади ва қабул қилинади. Айни пайтда ҳуқуқшунослар, тилшунослар ва адиблар билан бамаслаҳат сайловга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат тили нуктаи назаридан янада такомиллаштириш, четдан кириб келган атамаларнинг ўзбекча муқобилларини топиш, яратиш ва амалиётга жорий этиш борасидаги изланишлар изчил давом этмоқда.

КўЛАМИ КЕНГ, АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС

Мамлакатимизда давлат тилини ривожлантириш ва барча жабҳаларга кенг жорий этиш борасидаги ишларга эътибор сўнгги йилларда ғоят ошди. Бунда юқорида номи қайд этилган фармонда белгилаб берилган дастурий вазифалар муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Кўлами кенг, аҳамияти беқиёс ушбу вазифалар собитқадамлик билан амалга ошириляётир.

«Давлат тили ҳақида»ги қонун бор эди-ю, унинг ижроси учун масъул ташкилот йўқ эди. Ўттиз йил мобайнида бу борадаги муаммоларга доир ёзгиришлар қутилган самарани бермагани боиси ҳам, бир ҳисобда, шундан. Энди юқоридан қуйғача масъуллар тайин.

Бу – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибда ташкил этилган янги тузилма – Давлат тилини ривожлантириш департаменти, давлат бошқаруви органлари ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти йўлга қўйилганидир.

Ўтган қисқа вақт ичида амалга оширилган ишлар тўғрисида гап кетганда, кўпчилиكنинг эътиборини тортган муҳим бир ўзгаришни қайд этиш ўринли. Илгари давлат тилига бағишланган гап-сўзлар, тадбирлар, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар асосан, «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун – 21 октябрь олдидан кўпаяр эди-ю, кейин бу масала, деярли, унутилар эди. Энди бу борадаги ишлар тобора кенг кўлам ва мунтазамлик касб этиб бормоқда.

Буни, аввало, оммавий ахборот воситалари – теле-радиоканаллар, газета-журналлар, ижтимоий тармоқларда, жумладан, Давлат тилини ривожлантириш департаментининг расмий сайти ва унинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида давлат тилини тарғиб қилиш, муаммолар ва камчиликлар ҳақида танқидий-таҳлилий чиқишлар сезиларли даражада кўпайиб, жамоатчиликнинг эътибор ва эътирофига сазовор бўлаётганида кўриш мумкин.

Буни барча бўғиндаги маслаҳатчилар ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан биргалиқда жойларда рекламалар матнлари, пешлавҳалар, жой номларини давлат тилига ва рекламага оид қонунлар талабларига мослиги юзасидан бирма-бир хатловдан ўтказиб, тегишли чора-тадбирлар кўраётганида кўриш мумкин.

Буни давлат тилини ривожлантириш, амалиётда кўллаш, фаол ўрганиш, ўзбек тилининг илмий асосларини янада мустаҳкамлашга бағишланган турли танловлар, жумладан, илмий ишлар учун грант танловлари ўтақазилляётганида, янгидан-янги китоблар, луғатлар, кўлланмалар нашр этиляётганида, уларнинг электрон шакллари интернет тармоғига жойланиб,

минглаб-миллионлаб мухлислар томонидан фаол фойдаланила бошлаганида кўриш мумкин.

Она тилимизнинг нуфузи, жамиятдаги, халқара миқёсдаги мавқеини оширишга хизмат қилаётган ушбу жараёнда жамоатчилик томонидан кўплаб амалий таклифлар айтилмоқда. Инновацион ғоялар ва технологияларга асосланган замонавий фикрлар илгари сурилмоқда.

ДАВЛАТ ТИЛИ ВА ТАЪЛИМ

«Давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур, – деб таъкидлади Президентимиз Шавкат Мирзиёев. – Ёш авлод қалбига она тилимизни болаликдан сингдириш мақсадида таълимнинг барча босқичларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида мукамал ўргатишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Токи, болаларимиз ўзбек тилида равон ўқийдиган, равон ёзадиган ва теран фикрлайдиган инсонлар бўлиб етишсин».

Бундай улўғвор мақсадга эришиш умумтаълим жараёнида умумий саводхонликка, она тили ва адабиёт таълимига эътиборни янада кучайтиришни тақозо қилади.

Ҳаётда тез-тез учраб турадиган бир ҳолат эса тушади. Бошқаларни қўяверинг, олий маълумотли баъзи мутахассислар ҳам ўзининг она тилида, яъни ўрта мактабда ва олий таълим муассасида ўзбек тилида таълим олганига қарамай, хат-ҳужжатни давлат тилида тузукроқ ёза олмайди. Эътироз билдирсангиз, «мен тилшунос ёки журналист эмасман», дейди. Гўё, ўзбек тилини фақат ушбу касб эгалари билиши керак.

Шу жиҳатдан жамоатчилик ўртасида мактабларда ўзбек тилини ўқитишни такомиллаштириш билан боғлиқ масала кўтарилгани ва муҳокама қилинаётгани жуда хайрли иш. Айрим тилшунос-педагогларнинг фикрича, ўқувчиларнинг она тилини ўрганиши қийин кечиб, умумий саводхонлик даражаси пастлигича қаратилляётгани сабаби – дарсларда асосий ўرғу назарига қолатилляётгани билан боғлиқ. Энди мактабда замонавий услублардан фойдаланиб, амалий грамматикани, яъни сўзлашувда ва ёзишда фаол қўлланадиган тил қоидаларини ўргатишга ўтиш зарур. Бошқача айтганда, фарзандларимиз эга билан кесим, олмош билан сифатнинг қоидаси билан бирга тўғри ёзишни, тўғри гапиришни ва тўғри фикрлашни ҳам пухтароқ ўргансин.

Албатта, ҳар қандай бахс-мунозарара бўлгани каби бу ўринда ҳам фикрлар хилма хил. Аммо бир масалада кўпчилик яқдилки, ҳар қандай тилни яхши ўрганиш ва ўргатиш учун ўша тил табиатидан келиб чиқиб иш қўрилас, мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, ҳар бир миллатнинг ўзига хос турмуш тарзи, урф-одати, маданияти бор. Тил ҳам аини қадриятларнинг муҳим таркибий қисмидир.

Юксак самаранинг асосий омилли эса ҳар биримизда. Президентимиз таъкидлаганидек, «Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим».

Қулман ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий
сайлов комиссияси
Раисининг маслаҳатчиси, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист.

Қаҳратонда гул кўтариб

(«Қор босган доvon»
туркумидан)

Ҳикоя

Тасавурида у ер ҳозир антиқа бир дунё! Ҳовлимиздаги ишқом узра чодир тортилган, четлари ҳам берк – юлдуз кўрар туйнук йўқ. Осмондан лап-лап қор келади – чодир ичидаги «дунё» эса совуқ эмас: ўртада гуриллаб арча ўтин ёнмоқда, қўлида керосинлақир ва пачоқ кружка, бунақа ишларга чаптаст кўшнимиз Норбой ака гулхони айланаб юрибди; столларда оғзи энди очилган шишалар... Ташқарида лап-лап қор – совуқ, ичкарида севишиб турмуш қураётган икки ёшнинг бахтиёр кечаси – тўй. Чодир шифтида юлдузлар – чироқлар порлаб турибди. Буларни, мўйловини бураб-бураб Наби поччам ўтказган: «Божа, ҳақиқа нима берадиси?» Тўй аллақачон бошланган, Пулат чилдирманинг ўгли гижбангини келтиряпти, аккордеонда – Саттор, сурнайда ким экан?... Ким кўшиқ айтмоқчи? Ғайрат келганмикан? Келган бўлиши керак. Мактабда мен билан бир синфда ўқиган-ку. Давра тўридаги алоҳида ясалтилган столда энг яқин дўстлари ардоғида акам Рашид ва келин (эртадан бошлаб уни «янга» дейман), «қизик бўларкан-ку» деган каби иббо билан бош эгиб ўтиришибди. Келиннинг ёнида Саломат... Уларнинг дастурхонида бос-тирмамизда қишга асраб қўйилган жамики ноз-неъмат муҳайё, фақат... ярим белигача сув солинган ингичка, дароз гулдон бўш турибди! «Укаси Равшанжон Тошкентдан гул олиб келяпти». Ҳовлига кираман-да, «ажажон» дея истиқболимга юрган сингилларимга қўлимдаги портфелни тутқазиб, ҳаммани ҳайратга солганча давранинг ўртасидан келин-куёв ўтириган томон юраман. Йўл-йўлакай целофан ғилофидан суғурган гулдастани авайлаб ғарибона хувиллаб турган гулдонга соламан. Ён-веримда пичир-пичир: «Укаси. Ҳозир келди. Тошкентдан». «Тошкентдан? Шу совуқда-я?... Гул бўларканми у ёқда?» «Бўлмасаям топан-да. Жигар дейдилар-ку...» Мен бу гапларни эшитмагандек, акам ва келин... ойимни енгил таъзим билан муборакбод қиламан-да, йўл бўйи ўйлаб, калламда пишитиб келган оташин табрик сўзимни адабиётчи оғайнимнинг тавсияси билан ёдлаган таъсирли шеърдан бошлаб, «Буларга мана шу ёғаётган оппоқ қордек мусаффо, беғубор бахт, мана шу гуриллаб турган гулхандек қайноқ ҳаёт орзу қиламан!» дея яқунлайман. Қўлогимни қоматга келтирган қарсақлар остида «айбдорлар»га яна бир қарра таъзим бажо этиб, кимдир тутқазган қадаҳни бир кўтаришда ичиб юбораман-да, ҳам ички фахр, ҳам меҳр билан менга тикилиб турган Саломатга қарайман. Шунда дунё кўшиққа айланаб кетади...

Поездда йўл бўйи ана шу хаёл, ана шу манзара нашъасида маст бўлиб келдим. Ана шу мақсадда «Тошкент – Душанбе» поездидан Ажрим аталмиш бу дардисар бекатга тушиб қолдим. Поезд мени беланчак тебратгудек дайди изгирин эсиб турган бўм-бўш перронга ташлаб, ўзи Душанбе томон елиб жўнади. Бўм-бўш перронда, бир қўлимда совға-салом солинган қолдек портфель, бир қўлимда целофанга ўралган оппоқ хризантемалар гулдастаси (ичида тўрт дона қизили ҳам бор; бешта эмас, тўртта – жуфт бўлиши керак!), ёлғиз қаққайиб қоларканман, кўз олдимни вагонлар тизмаси тўсди – изимиздан юк поезди келаётган экан. Тахтаю кўмир ортган вагонлар, «Москвич»у «Жигули» кўтарган вагонлар... «Булар ҳали-вери тугамайди-ёв» деган хаёлда бошим айланаб кетаёзди: тарақа-турук, тарақа-турук...

Вагонлар сафи бирдан узилдию қаршимда кўкимтир губорга бурканган темирйўл бекатининг одатдаги манзараси намоён бўлди.

Темир излар орасида оппоқ пояндозлар, икки тарафга қўзилиб, кулранг губорга сингишиб кетган. Хув анови йўлда қурум босган қизғиш юк вагонлари, белига бўр билан турли рақамлар ёзилган. Бекатнинг нариги бетида тахта девор ўраган қатор омборлар. Теварак-атрофдаги совхозларга қарашли. Бирининг дарвозаси тагида, яқинда туширилган шеклили, кесиги чилдирмадай-чилдирмадай келадиган йўғон харилар думалаб ётибди. Бошқа дарвоза остида эса, юзасини қор қоплаган кўмир уюми. Ташиб кетишга улгуришмабди, жарима тўлашади энди...

Темирйўлни кесиб ўтиб, яланглик чеккасидаги томини бир қарич қор босган узун вагонга яқинлашдим. Ичкаридан бўғиқ гала-говур эшитиларди. Қизиксиниб, очик эшикдан бош сўқдим. Қўлоқчин кийган найновроқ бир йигит деворга суняганча чекиб турарди.


Укам Воҳиджон, шу ҳикоянинг туғилиши-га асли сен сабабчи бўлгансан. Бугун, ордан неча ўн йиллар ўтиб матбуот юзини кўраркан, уни сенинг унутилмас хотирангга бағишламоққа жазм қилдим.

Муаллиф

ЁЗУВЧИ ЭРКИН АЪЗАМ 70 ЁШДА

Кечаги «чилла» кунлари уйда ўтириб эски қоғозларимни саранжомларканман, биттадан турли йилларда ёзилган, аммо турли сабабларга кўра матбуот юзини кўрмай қолиб кетган бир талай ҳикоя чиқди. Бунга қарангки, деярли бир маззун, бир номда учта машқим бор экан. Шулардан биттагинаси эълон қилинган – «Қор босган доvon». Яна бирини радиода ишлаб юрган кезларим (1976 йил бошида) ёзганим, ёзибқўнунулмас дўстим, шоир Муҳаммад Раҳмонга ўқиб бериб маслаҳат сўраганларим ёдимда. Энди ўйласам, худди ўша кунлар «Гулистон» журналига ўшаматга ўтган эканман...

Ёш қаламга хос айрим адабий таъсирлар уйқашликлардан холи бўлмаган, лекин биографик жиҳати билан ўзимга азиз ушбу эсдалик асарни бугун қадрдон «Гулистон» саҳифаларида кўргим келди.



Муаллиф

– Ҳей оғайни, нима бўляпти бу ерда? – деб сўрадим.
Найнов мени кўриб бир лаҳза анқайиб турди, сўнг яқин келиб папирос қолдигини бармоғида ташқарига чертиб юборди-да, оғзидан бугун пуркаб жавоб қилди:

– Кино. Зур кино! Кўрасанми, кир.
Мен эшикка суяниб елкалар, қулоқчинлар оша олдинга қарардим. Эқранда машхур Шукшиннинг ҳорин чехраси намоён эди.

– Кўрадиган кино экан-у, шошиб турибман-да, – дедим астойдил ачиниб.

– Фарғонадан келяпсанми?
– Нега энди Фарғонадан?..
– Қўлинда гул..
– Тошкентдан, – дедим қулиб. – Богболога боришим керак.
– Богболога? – Йигит ҳамон гулдастандан кўз узмасди. – У ёққа машина бўлиши гумон-ов энди, кеч бўлқолди, ҳам совуқ. Яхшиси, бу кеча бизниққа тунайқол, эртага кетарсан.

– Раҳмат. – «Яхши йигит экан. Киномеханик, кўп фильм кўрган, олижанобликни ўшалардан ўрганган» – Бугун етиб боришим керак-да, акамнинг тўйи...

– Ҳа-а... Чекасанми? – У чўнтагидан сигарет чиқариб менга тутди, ўзи ҳам биттасини лабига қистирди-ю, бир лаҳза ўйланиб яна қўлига олди. – Биласанми, унда нима қил. Ҳов анови ерда Богболонинг қоровули бор, – дея у мени ташқарига бошлаб чиқиб, дарвозаси тағида кесиги чилдирмадай-чилдирмадай харилар думалаб ётган омборни кўрсатди. – Алиқул бобо. Танисанг ҳам керак. Бугун машина бўладими-йўқми, ўша одам билади. Мабодо бўлмай қолса, мен шу ерданман, яна бир сеансимиз бор – қайтиб келасан, хўпми? Лекин кўрмай кетяпсан-да, оғайни, мировой кино эди...

Йигитта миннатдорлик билдириб, омборхона томон борарканман, нима хаёлдадир бўрилиб орқама қарардим. Боя эътибор бермаган эканман: вагон пештоқига бир қулоқлик эълон осилган, унда кўк ва қизил қаламда йўгон ҳарфлар билан «Улар Ватан учун жанг қилдилар» деган ёзув бор эди.

Темир дарвоза ёнидаги тахта ҳужранинг китоб юзидеккина ойна ўтказилган туйнукчасидан мўраладим. Гира-шира ҳужрада чопонга ўранган кўйи бурчакдаги каравотга ёнбошлаб ётган гавда, каттакан салла ва бир тутам соқол аранг кўзга чалинардик. Секингина ойнани чертдим.

– Ҳў-ўв? – Қора ўрнидан қимирлади, туйнукча шартта очилди. Бариб унинг юзини кўролмадим.

– Бобо, мен Богболодаги уста Жалилнинг ўғли бўламан.
– Нима дейсан?
– Тошкентдан келяпман, акамнинг тўйига.
– Нима қилай шунга?
– Ҳеч нима қилманг. Богболо томонга машина бўладими?
– Туш кўрапсанми?
– Йўқ.
– Довонни қара, жон керак. Мошин эртага бўлади! – Бир учи туйнукчага боғланган чилвир чирт тортилди, туйнукча ширт этиб беркилди.

Алиқул бобога амал теккан, у – қоровул, богбололиклар бор мол-мулкни унга топшириб қўйган! Мана шу тахтасаройнинг ичи тўла дуру гавҳар, ёқуту зар, Алиқул бобо эса – хазиначи. Ана, дарвозаси тағида йўгон-йўгон харилар думалаб ётдики, кесиги чилдирмадай-чилдирмадай. (Эртага кўр бўлиб богбололиклар бунга жарима тўлайди.) Лекин яқинлашиб кўргин-чи, қўл тегизиб кўргин-чи, Алиқул бобо нима қилар экан! Унинг милтиғи бор! Лекин ўзи камтарин – кичкина қоронги ҳужрада туради, оддий каравотда ётади. Ҳужранинг китоб юзидеккина ойна ўтказилган туйнукчаси ҳам бор, чол қўлидаги чилвирнинг бир учи ана шунга уланган; хуши келса, саволларинг жавоб беради, хуши келмаса – йўқ, чилвирини бир силтаб қўйса кифоя – туйнукча шартта беркилади-қўяди. Ана кейин додингни худого ай! Богбололик тугул авлиё бўлсанг ҳам, Тошкентларда ўқисанг ҳам Алиқул бобога бир пул! Уста Жалилу унинг

қишда Тошкентдан акасининг тўйига гул кўтариб келаётган олифта ўғли ким бўпти!

Алиқул бобо ана шундай катта одам! Истаса, анови думалаб ётган харилардан ярмини кўз юмиб пуллаб юбораверади: «Ўзи кам келиб эди, биродар». Қолганини эса ўзи билан гўрга олиб кетади. Қоп-қоронги ҳужрачасини ҳам, туйнукчасини ҳам, чилвирни ҳам – нариги дунёда керак бўлар, эҳтимол, у ёқда ҳам қоровуллик тегиб қолар...

«Одамларга кўрс муомалада бўлиш... Шундай модда ҳам керак шеклилли... Э, бу чирик чолнинг гўри жавобгарликка тортилармиди? Анови хариларни енг учидан пуллаётганида қўлга туширилса бошқа гап... Йўқ, бефойда, бу сават саллаю бир тутам соқол барибир тутқич бермайди».

Бобони сўка-сўка, бекат биноси томон юрдим.

Мен негадир шу бинони доим ҳаммаёғи цементдан, нафақат ташқи кўриниши, балки ичидаги жамкии ашёси қизғиш тусда бўлса керак, деб ўйлайман. Тепасида ҳам қизилга бўялган тунукага «Ст. АЖРИМ» деб ёзилган – орқага қийшайиб қолган «АЖ» ҳарфларини ҳозир қор қоплаб, «Ст. РИМ» бўлиб турарди.

«Ст. РИМ»га қираман-да, бир амаллаб амакимга кўнғироқ қиламан. Амаким Богболода гараж мудири, қўлида ўттиз-қирқ машина бор. Бирор-тасига бир оғиз айтса, фир этиб келиб мени олиб кетади. Ун беш қақиримлик йўл, ҳеч гап эмас. Илгарилари ҳам баъзан дар қолсам шундай қилардим.

«– Амаки, мен келдим. Ажримдаман.
– Э, шунақами? Баракалла, жиян. Бирпасгина кутиб тур, зув этиб машина боради».

Тепаси ишқом қилиб қўйилган энли йўлақдан юриб бекат биносига кирдим. Узун ўтиригичлар бўм-бўш, бунақа изгирида поезд кутадиган аҳмоқ борми! Сиртига қора чарм қолланган биқиндаги эшикни тортидим.

Пиянинога ўхшаш, турли-туман чирқочаю мурватчага тўла иш столи қошидаги айланма курсида оқ-сарқандан келган чиройли бир аёл ўтирарди. Сарғиш тивит румолини бели арапаш нимчаси устидан ўраган, қўлида узун-узун иккита жуволдиз, пайпоқ тўқияпти. Панжарали дераза олдида чўнтак атрофи ялтираган калта пустинли, бошида темирйўлчилар фуражаси, ҳабашбашара бир одам қўрум босган катта чойдишдан кумга тикиб олингандек ичи хира торган қиррали стаканга чой қуймоқда. Дераза тағидаги курсида ўтирган қоп-қора болақай стаканини икки қўллаб чангаллаганча хўр-хўр чой ичади.

Мени кўриб аёл ишини тиззасига ташладию қўлимдаги гулдастага тикилиб қолди; бола келган кишидан кўз узмай хўриллатиб чойини ичаверди. Пустинли стаканини дераза тоқчасига қўйиб менга юзланди:

– Хўш?
– Саломалейкум, – дедим муомалага йўл очиш мақсадида эҳтиром билан.

– Эшикдаги ёзувни ўқидингни?
– Ўқидим. («Чет киши кириши мумкин эмас!» экан. Негаки, бу ер ўта махфий жой. Бу ерга манови қоп-қора одамун кун буйи курсида айланиб пайпоқ тўқиб ўтирадиган хушрўй аёлгина кириши мумкин. Дарвоқе, хўриллатиб чой ичаётган бола ҳам... чой ичиш учун. У ҳам шу ерда ишлайди. Бу ер ўта махфий жой, чет киши кириши мумкин эмас!)

– Тошкентдан тушдингми?
– Келяпман, – деб уни тузатдим.
– Тошкент поездидан тушдинг-да?
– Ҳа.
– Йўл бўлсин?
– Богболога.
– Богболони қор босган. – Менинг анграйиб қолганимни кўриб, у дераза оша оппоқ губорга чўмиб ётган чўққилар тарафга ишора қилди:
– Ҳў-ўв, кўрапсанми, довонни... Рўзибой шопир зовга учган довонни... Қара, қори қандай!..

(Давоми 22-23-бетларда)

Қажратонда гул кўтариб

(Бошланиши 20-21-бетларда)

— Акмининг тўйига бораётган эдим, — дедим умидсизгина.

У чойдан бир ҳўплаб, стакани яна тоқчага қўйди. Бола, афтидан унинг ўғли, ҳамон чойини ҳўрплатиб, сурбетларча катталарнинг галига қулоқ тутиб ўтирибди. Аёл машгулотига шўнғиган, ўқтин-ўқтин менга, қўлимдаги гулдастага назар ташлаб қўяди.

— Акмининг тўйи эди-да, бўлмасам-ку... — деб қўйдим яна.

— Тўй деганлари ёзда бўлгич эди, кузда бўлгич эди. Боғбололиклар ўзи азалдан қурумсоқ; одам камроқ келсин, деган-да.

Худди шу гапни мен уч кун бурун телефонда отамга айтган эдим. Отам — завқи баян, таваккалчи одам — қулиб: «Қайтага зўр бўлади, — деди. — Тўй ҳозир бўлсин-да. Эски вақтларда тўй қишда бўларкан асли. Ҳозир ёшу қари қишлоқда, ҳамма келади; кўрсан, қайтага қизикроқ ўтади. Ҳовлига чодир тортиқ. Ҳар эҳтимолга қарши-да. Кўрсанг озинг очилади. Совуқ бўлса, ўртага гулхан ёқамиз, арчани ғамлаб қўйганмиз. Хайрли ишнинг эртарафи яхши, улим. Бошлаганимизнинг сабабики, қуда томон шошириб турибди, баҳорда ўғлини уйлантирмоқчи экан. Кейин масаланинг бошқа жиҳатлари ҳам бор, ўзинг билсан керак. Хуллас, тезроқ етиб кел. Агар иложи бўлса, аканг сўраётувди, биттагина гулдаста олиб келсан. Шаҳарда топилар...»

Мана, ўша гулдаста. Тошкентдай жойдан кўтариб келяпман. Учраган одам қизиқиб қарайди, менга эмас, шунга: «Қаердан олиб келяпти? Қаерга олиб кетаяпти? Нега? Қанақа гул экан? Бир донаси неча пул турсаки?..»

Пайпоқ тўкиб ўтирган аёл ҳам гулдастага суқлана-суқлана ўрнидан туриб, эшикка чиқиб кетди.

Тоқчага суяниб бамайлихотир чойини ҳўплаётган пўстинли тагин ваҳима қила бошлади:

— Девона бўлсан, укам. Қорни қара — тизза бўйи. Довон-чи, довон!..

Ундан юрадиган шопирнинг юрага бир газ бўлиши керак. Бу қордан довондан ўтиш қилқўриқдан ўтиш деган гап. Икки кундан бери мошин қатнамайди. Эртага борасан-да энди.

— Тўй бугун-да. Бугун етиб боришим керак.

— Эртага борасан, эртага.

«Эртага борасан». Худди «ма, чой ич» дегандай қилиб гапирди-я! Башарасидан бирон маъно уқолмайсан. Тўнка. «Мушкул вазиятда қолган кишига ёрдам қилини чўзмаслик... Бунинг устига майна қилиш...»

— Тўйга келадиган одам эрталоқ тарадуддини кўрмайдими, эрталоқ жўнамайдими! — У энди панд-насихат билан энсамни қотира бошлади. — Самолёт-памолётда келиш керак энди.

Кафтларини бир-бирига ишқаганча куҳ-куҳлаб аёл кирди.

— Бир сову-уқ, бир сову-уқ, яна қор уряпти, — деди у жойига ўрнашаркан.

— Самолётда келмоқчи эдим ўзи, билет ҳам олгандим, ҳаво булут бўлиб қолди, учолмадим. Кейин ноилж...

— Қўлингдаги нима?

— Гул. — «Нима эканини кўриб турибди-ку! Умида гул кўрмаган шекилли. Тўпори».

— Гул нима керак экан?

«Гулистон» журнали 1967 йил қайта нашр этила бошланганда дарҳол тилга тушди, қўлма-қўл бўлиб кетди. Биринчи сони 50 минг нусхада чоп этилган бўлса, иккинчи сони бирданига 150 мингга чиқди. Бу журнал ўша даврнинг энг долзарб масалаларини кўтариб чиқа бошлагандан, қизикли материаллар эълон қилинганидан, одамлар ўқишли нашрга чанқоқлигидан далолат эди. Журнал таҳририятда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим раҳбарлигида Султон Акбарий, Ҳамид Нурий, Рустам Раҳмонов, Шукр Холмирзаев, Саъдулла Сиёев, Сайёр, Азиз Абдураззоқ, Мурод Хидир каби таниқли ижодкорлар ишлар эди. Ўша йиллари Соҳибқироннинг «Темур тузуқлари», Расул Ҳамзатовнинг «Догистоним» асарлари (иккаласи ҳам охиригача босилмади) «Гулистон»да эълон қилинди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор 1969 йил бош муҳаррир этиб тайинланган, «Гулистон»га бир гуруҳ ёш ижодкорлар ишга келди. Булар — Маҳмуд Саъдий, Тоҳир Малик, Сулаймон Раҳмон, Аҳмад Аъзам (уларни

— Хризантемами? — деб сўради аёл гапга араллашиб. — Ах, как молодец! Акасининг тўйига шунча жойдан гул кўтариб келяпти. Ах, как молодец! Настоящий интеллигент!

Шу ерга етганда «интеллигент»нинг сабри тугади, эрмак қилинаётгандай туюлди-ю, бор «интеллигент»лигини йиғштириб қўйиб, қора одамга зарда билан боқди:

— Худо хайрингизни берсин, мен бу ерга Боғболо билан гаплашиш учун кирган эдим, ярим соатдан бери тەرлаганингиз тەرлаган...

— Бу телефондан мумкин эмас! — деди пўстинли, дод дедиргудек хотиржам бир товушда. — Бу фақат темирйўл станциялари билан боғланишга мўлжалланган.

Демак, айтишиб ўтириш бефойда. Станциялари билан гаплашса гаплашаверсин. Олдин ўзи гаплашсин, кейин манови аёл, кейин анови чойхўр ўғли — навбатма-навбат гаплашишаверсин. Бошқа қиладиган ишлари йўқ, кўриниб турибди. Бунақа тўнкаларни жавобгарликча тортадиган модда ҳамон ўйлаб топилмаганича қуяман. Алиқул бободан нима фарқи бор бунинг? Иккаласиям қоровул: Алиқул бобо омборини кўриқлайди, буниси — телефонни. Беғона одам яқинлашмасин учун, беғона одам гаплашмасин учун! Бугун билдим, дунёда қоровуллардан кўра бемазароқ одам йўқ экан.

— Мумкинликка мумкин-ю, — дедим ўзимни аранг тийиб, — фақат истамаямиз. Олдинроқ айтмайсизми шун!

— Олдинроқ сўраганингиз йўқ-ку, жиян!

— Э, қанақа одамсизлар ўзи? Инсоф деганидан борми сизларда?!

— Бор. — деди пўстинли оддийгина. Сўнг аёлга ишора қилди: — Соёя...

Буларга ҳар куни менга ўхшаган битта-яримта эрмак керак экан, бўл-маса, эртадан кечгача бекор ўтириб қон бўлиб кетишади.

Аёл бирпасда мени Боғболо билан, амакимнинг ўйи билан боғлади.

— Саломалейкум, амаки! — дедим ҳажонимни яширмай.

— Ваалейкум, жиян, — дея вазим, аплане-уқ нохуш жавоб қилди амаким.

— Аҳримдаман, амаки, Аҳримдан гапиряпман.

— Хўш?

— Уйлар тинчми, амаки?

— Сен сўрагандан бери.

— Янгам яхши юрибдиларми, беллари оғримаптимми?

— Белогриги менга ўтган.

— Чатоқ бўпти-да. «Аччиқ қороз» юборувдим-ку, белингизга қўйиб кўринг.

— «Аччиқ қороз»ингни отанга бер!

Агар телефонда мен билан гаплашаётган шу одам отамнинг акаси — ўзимнинг амаким бўлса, унга бир зибн теккани аниқ, Тили андақ заҳарроқ эди-ю, аммо менга ҳеч қачон бунақа муомала қилган эмас. Трубкани ўзи олди: тўйга бормаган, уйда ўтирибди.

Умидсизликка берилмай, музокарани давом эттирдим.

— Амаки, Аҳримда эдим, ўтирибман. Довонни қор босган.

— Шунақами?

— Машина керак эди.

— Машина? «Волга»ми, «Жигули»?.. Эртага келарсиз энди, жиян.

— Тўй бугун-ку. Кечикаман-да. Кейин... бу ер совуқ экан, амаки, қотиб қоламан.

— Қотиб ҳам кўриш керак, жиян, ана шунда биласиз амакининг қадрини!

Масала равшан, гиналари бор! Отам айтган «масаланинг бошқа жиҳати» шу эмасмикан? Лекин ҳозир гинага араз билан жавоб қилиш ўзимнинг зараримга. Тагин салгина сиртимга сув юқтирмай турсам, нари-бери ярим соат ичида «Газ-69» шу ерда бўлиши мумкин. Бунақа қор-

Оллоҳ раҳмат қилсин), Абдулла Шер, Эркин Аъзам, Хайридин Султон, Саъдулла Аҳмад... Устоз Асқад Мухтор ва унинг муовини, моҳир таржимон ва талабчан муҳаррир Ваҳоб Рўзиматов раҳбарлигида журнал таҳририяти ёш қаламашларнинг ижод мактабига айланди. Ёшларнинг жонкуяр устози Асқад Мухтор бирор ёш ижодкорнинг йилт этган нарасини — хош шеър, хош ҳикоя бўлсин — журналда эълон қиларди. Ўзи эринмай ўқир, таҳрир қилар, озгина таҳрир билан ёш қаламашнинг машини ярақлатиб юборар эди. Шу боис «Гулистон» таҳририяти доимо ижодкорлар, айниқса, ёш қаламашлар билан гавжум бўларди. Зеро, ўша пайтлар «Гулистон»да шеър ёки ҳикоя чиқариш наинки ёшлар, балки таниқли ижодкорлар учун ҳам шараф эди. Шунинг учун ҳам «Гулистон»да ишлаган ижодкорларнинг ақсарияти элимизнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари бўлиб етишди. Ўша навқирон авлод вакиллари билан бири Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам бугун 70 ёшга тўлди.

Эркин Аъзам 1950 йил 10 августда Сурхондарё вилоятининг Бойсун

да довод кечадиган ягона машина!

- Гул сўлиб қолади-да, амаки.
- Қанақа гул?
- Тўйга гул олиб боряпман.
- Сўлиса сўлир, жиян. Қайтиб бориб Тошкентдан янгисини олиб келарсиз. Гулни янгилаб туриш сизларга чўтми?!
- Амаки, нега тўйга бормадигиз?
- Сиз ҳам бизнинг тўйга келмайсиз-қўясиз-да, жиян. Биру бир бўлади.
- Илтимос, амаки, бирор машина булса...
- Машиналар совхозники, жиянбой, совхознинг ишини қилиши керак. Худо кўрсатмасин, бу қорда бирор фалокат бўлса, отанг тўлайдим кейин?!
- Нафасни иссиқ қилинг, амаки. Аввало, темирни эмас, жиянингизни, ўз жиянингизни ўйласангиз-чи!
- Оббо, жияним-эй, жиянларим-эй! Юзимга тупуриб, эл олдида шармисор қилиб кўйган жиянларим-эй!.. Машинани отангиздан, Тўрамурод акангиздан сўрайсиз, хўпми! Бизда шахсий мақсадларда фойдаланадиган уллов йўқ!

Шу гап билан амаким трубкини «шақ» этиб қўйиб қўйишни кутган эдим, йўқ, негадир ундай қилмади. Афтидан, ким биландир жиқиллашиб хуморидан чиқмоқчи. Бахтига, мен ҳам бир эринмаган баңда эканман.

«Масаланинг бошқа жиҳатлари...»

Амакимга қолса, Рашид акам унинг ўша пиртиллоқ қизига уйланса! Шунда у мени ҳозир бундай қийнаб ўтирмаган, «Балли, жиян. Бирпасни-на кутиб тур, зув этиб машина боради», деган бўларди. Лекин наҳора, ҳамма нарса амакимиз ўйлагандек, амакимиз орзу қилгандек бўлавермас экан-да. Дарвоқе, бунга фақат амакимни айбдор дейиш ҳам қийин. Бундан кўп йиллар бурун, ким ҳали бешиқда эканида, тўртта кампир тўплангану бир жуфт нонни синдириб чақалоқни акам Рашидга атаб юборган экан. Ўша нонни кемшиқ кампирлар кавшаб битирганига кўп йиллар бўлди, амакижон, энди ҳеч кимнинг эсида йўқ, замона ўзгарди. Замона ўзгармаганида, бултур Рашидимиз дабдурустдан «Менга Байна-Майнаси керак эмас, ўз бахтимни ўзим томан!» дея дангал жар солармиди! Ўзи топган «бахт» ҳозир ана – сиз боланган тўйхонада келин бўлиб ёнида ўтирибди. Келинг, шуларга ажишлик тилайлик, амакижон? Йў-ўқ, тилай олмайсиз, кўнглингизда кекингиз бор. Очиғи, ўшанда «Ўз амакиннинг қизини ташлаб-а, номард!» дейдиган ҳам бўлмади-да. Уйдагилар негадир унинг раъйига қарашибди. Сизнинг гинангиз шундан. Тўйлари, биласиз, ёзда бўлиши керак эди. Аммо орада қизнинг бир қариндоши вафот этиб, келгуси баҳорга қолдирилди. Мана, бугунга насиб қилган экан... Энди маслаҳатни бориб ўша, келажакни ўйламай-нетмай таввақалига нон синдириб юбораверган кемшиқ кампирлардан сўрайсиз, амакижон!

Акамнинг иши амакимга бу қадр таъсир қилиши мумкинлигини мен – бола ҳаёлимга ҳам келтирмаган эканман. Амаким мен учун ҳозир бутунлай бегона одамга айланиб қолган эди.

- Энди мунозарамизга бирмунча сиёсат аралаштиришга қарор қилиб:
- Амаки, мен янаги йил ўқишни битираман, – дедим тағдор оҳангда.
- Олдин битиринг, жиян. Келиб машинали бўлинг-у, илоий мени машинанингизга миндирманг! – У ҳамон аввалгидек босиқ гапирарди.
- Шу қилганингиз эсингизда турса бўлгани, – дедим пўписамни ошкор этиб.

– Прокурорликка ўқиётганингизни биламиз, мақтанмай кўяқолинг. Машина юборганим учун эса келганингиздан кейин суд қиласиз, жиян, келишдикми!

«Этиб қолгунча отиб қол!»

– Келишдик! Акам тўри қилди, қизингиз ўзи аҳмоқроқ эди.

туманида туғилган. Тошкент давлат (ҳозирги ЎзМУ) университетини битирган. У Ўзбекистон радиосида, «Гулистон» ва «Ёшлик» журналларида, Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида турли лавозимларда ишлади. Олий Мажлис депутати бўлди. Эркин Аъзам «Тафаккур» журнали ташкил этилганидан буюн (1994 йил) унга бош муҳаррирлик қилиб келмоқда.

У мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида Президентимиз фармони билан «Фидокорна хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Эркин Аъзам дастлабки ҳикоя ва қиссалари биланоқ ўқувчилар, устозлар, адабиётшунослар назарига тушди. Унинг 1977 йилда нашр этилган «Чироқлар ўчмаган кеча» китобидан 2019 йилда чиққан «Шоирнинг боғи» гача – бари ўқувчиларнинг севимли китобиغا айланди. Э.Аъзам ҳикоялари, қисса ва романлари орқали ўзбек тилининг бойлиги, гўзаллиги, жозибасини намоён этиб келмоқда. Устоз Абдулла Қаҳҳор китоб шавқ билан ўқишлиши керак, деган эди. Эркин Аъзам китоблари ана шу талабга тўла

– Сиз қаердан биласиз?

– Мен билмай ким билсин, Байнангиз билан бирга ўқиганман-ку! Гаф-фор туюқашнинг оғзи очиқ ўғлига хат бериб юарди. Тўғри қилдинг, Рашид, маладес! Ҳа-а, аламини?

- Тилингни тий, ўв бона! Ҳе, итдан айнагани!..
- Итдан айнаганининг жияни десангиз тўғри бўлармиди?
- Итвачча!..

Трубка «итвачча, итвачча» деганича қолаверди... мен ўзимни Ажрим бекати биносидан юз қадамча наридаги йадоқ ялангликда кўрдим. Портфелни қачон олдим, гулдастани қачон олдим, мурувват кўрсатиб қўлимга телефон тутказганларга нима дедиму улар нима жавоб қилишди?..

Тўй ҳозир айна авжида, чодир ичидидаги «дунё» хуррам шовкин-суронга тўла. Келин-куёв олдидаги дастурхонда бостирмамизда қишга асраб қўйилган жамики ноз-неъматдан бор, фақат... ярим белигача сув тўлдирилган ингичка, дароз гулдон бўш! (Гул кўтарган биров эса бу ёқларда сарсон қор кечиб юрибди!) Келиннинг ёнида ўтирган Саломат жақдираб даврага кўз югуртиради. Мени кидиряпти, мени кутяпти. Ана, жонсарак онам, кўринганга жилмаймоқчи бўлади, аммо кўнглида гашилк: «Ўртанчамадан дарак йўғ-а? Ё бир жойларда саргардон бўлиб юрганмикан болам боёқиш?..»

Оқиш гўбор орасидан қор босган довонга гўсса билан тикилдим. «Икки кундан бери машина қатнамайди». Довон бошида аллакмининг зардали, аламнок қиёфаси намобён бўлди. Амаким! Нигоҳида қордай совуқ киноя: «Олдин ўқшин битиринг, кейин суд қиласиз!»

Қор ёғдуси кўларимни «алдади» шекилли, назаримда ҳаммаёқ зим-зиё бўлиб кетди. Мени Ажрим деган бу бадбахт бекатга келтириб, турган-битганини пасткаш, бемурувват кимсаларга рўбарў қилган бугунги кунимга лаънатлар ўқидим. Бир вақт кўнглимда уйғонган газаб, нафрат табиатимдаги асов гажирик ва гойибданими келган бир шиддатга қўшиб, шаҳд билан мени судраб жўнади. Мен аллакмининг барака топқур оёғи бир курак эни йўл очиб кетган қор сўқмоғи бўйлаб тийгана-тийгана, хатарли довод ортидаги Боғболомга, ўн беш қақиримлик манзилга пой-пиёда йўл тортган эдим.

Бир қўлимда портфель, бир қўлимда гулдаста, қор кечиб боряпман. – Хў ака!.. Хў ака!.. Хў-ў, гул кўтарган ака!..

Бу атрофда мендан бўлак гул кўтарган кимса бормикан? Гулни биладими булар?!

Тўхтаб, орқамга қарадим.

Отлик менга яқинлашиб жиловни тортиди. Ҳалиги, катталарнинг гапига сурбетларча қўлоқ соладиган чойхўр бола – темирўлчининг ўғли. Тиззасида отасининг чўнтақ атрофи ялтираб қолган калпа пўстини...

У ҳансираб эгардан тушди-да, жиловни менга тутқазди.

– Қайтишда миниб қайтасиз. Олдига бир боғ беда ташлаб қўйсангиз бўлди. Отан айтди.

Боланинг қўлидан жиловни оларканман, меҳрим товланиб, унинг совуқдан қўқарган юзини биллаб қўйдим.

– Раҳмат, оғайни. Отанга айт, мени... – дедим-у, давомига нима дейишни билмасдим.

Пўстинни пальто устидан кийиб олдим, портфелни дастасидан эгар қошига осдим-да, чап қўлимда гулдаста, узангига оёқ илганча сакраб отга миндим; «Оти ҳам ўзидай қора экан», деган фикр ўтди дилдимдан. Бош қимирлатиб бола билан хўшлашдим уловни елдириб кетдим.

Лопиллаб тушаётган қор капалаклари қўшимда бир лаҳза хаёлчаан айланиб қолар, сўнг ночоргина йўлимга тўшалар эди. Еру кўк қор, қор... Мен ҳозир гўё оппоқ қорлар бағрида думалаб оппоқ тушлар кўраётгандек эдим.

жавоб беради. Бу бежиз эмас, чунки у абитуриентлик пайтидаёқ А.Қаҳҳор суҳбатидан баҳраманд бўлган ва бу улкан ёзувчининг асарлари хусусида адабнинг ўзига мулоҳазаларини билдирган эди. Унинг исталган асарини – ҳикоя, қисса, роман ёки киноқисса бўлсин – ўқишга тутинган одам охиригача ўқимай, қўлидан қўймайди. Аслида, ёзувчининг энг катта бахти шу. Эркин Аъзам асарлари рус, украин, француз, инглиз, беларус, тожик, грузин, туркман, булғор, чех ва бошқа тилларга таржима қилинган.

Адабнинг киносценарийлари бўлибча бир нечта фильм суратга олинган. «Пиёда», «Эркак», «Дилжироқ», «Паризод», «Забаржад», «Сув ёқлаб» шулар жумласидан.

Халқимизнинг суқойли ёзувчиси, ўзбек адабиёти ва санъатининг, ўзбек тилининг жонқуяри, фойдиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамни 70 ёши билан чин дилдан кўтайимиз. Унга мустақкам соғлиқ, ҳамisha хуш кайфият тилаб, китобхонларни янги асарлар билан мамнун этишини истаимиз.

«Гулистон»чилар

Усмон умири матонатдир

Усмон Азим шеър ўқиганини эшитганмисиз? Зўр-а! Шеър ана шундай ўқилади. Зўр шеърни зўр ўқиш керак-да. Шеър ўқиш ҳам санъат. Ҳамма шоир ҳам эпплай олмайди бун.

Усмонга истеъдод ҳам, овоз ҳам, қадди қомату ақл-фаросат ҳам кўш қўллаб берилган. Шеърлари юракни зириллатади, ҳикоялари, пьесалари, киносценарийлари одамни ўйга толдиради, фикрлашга ундайди. Адабиётнинг асл вазифаси шу эмасми аслида. Ишонмасангиз, Усмон Азим шеърларини, ҳикояларини яна бир сира диққат билан ўқинг, пьесалари бўйича қўйилган спектакллар («Кундузсиз кечалар», «Бир қадам», «Бозор» ва ҳоказо)ни, сценарийлари асосидаги фильмлар («Севги», «Алломиш» каби)ни қайта кўринг, кўшиқлари («Карвон», «Бибиҳоним», «Учрашмадик», «Ёмғир ёғди...»)ни тинлаңг.

Усмон Азим 1950 йил 13 августда Бойсун туманида туғилган. 1972

йил Тошкент давлат (ҳозирги ЎзМУ) университетини тугатган, республика радиосида, газета тахририятида, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул лавозимларда ишлаб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳам ижоди, ҳам ижтимоий фаолияти билан муносиб ҳисса қўшган.

У сермахсул ижодкор. Энг муҳими, бу ижод маҳсулининг енгил-елписи, бачкиси йўқ, аксариятининг мағзи тўқ, Қўтлуғ 70 ёшини нишонлаётган шоир шу кунларда ҳам янги асарлар ёзиш билан банд.

Усмон Азим мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида Президентимиз фармонида асосан «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимни 70 ёши билан чин қалбидан кутлаймиз. Унга мустаҳкам соғлиқ, сўнмас илҳом тилаймиз.

Йўлчи

Уфқда Ер Осмонни ютган.

Ернинг ташвишлари,
Ернинг ҳасратлари,
Ернинг тошбағирлиги... –
уфқда осмонни ютгандир.

Уфқдан нарида
осмон қолмагандир эҳтимол.

Шу боис
йўл юрганим-юрган...

Йўл юрсам,
уфқдан Осмон
сирғалиб чиқаверади,
сирғалиб чиқаверади...

Тугамайди Осмон!

Осмон тугаб қолмасин деб,
йўл юрганим юрган,
йўл юрганим юрган,
йўл тугаса ҳам
юрганим юрган,
йўл ташлаб кетса ҳам
юрганим юрган –
оёғимда оёқ қолмади!

Бейўлликда саҳролардан кечдим,
тоғлардан ўтдим,
тошлар тилди тавонимни –
йиқилсам ўрмаладим,
баданим узунасига тилка-пора
бағрим тўла тикан...
Бир қадам,
бир қарич... –
Фақат уфққа қараб!
Фақат уфққа қараб!
Осмон уфқдан
Сирғалиб чиқса бўлди.
Осмон адо бўлмаса бўлди!

Мен эса уфққа интилиб,
ўлиб кетсам керак
бир кунни.

Фалакка қаран!
Тепангиздаги
бир парча осмонни
мен ҳам
ярагандирман!

Автофалокат.
Ўнг қўлим синди.
Шеър ёзишни биладиган ўнг қўлим.

Энди чалқанча ётиб,
ҳавога шеър ёзгандим.

Ҳаво тўлиб кетди
сатрларга.
Ҳаво – шеърлардан иборат.
Воҳ, қандай гўзал ҳаво!

Бу ҳаводан тўйиб нафас ол.

Шеърдай гўзал бўласан,
иншаоллоҳ!

Денгизга! Денгизга бораман ҳали,
Киссамни пул йўқлаб келган маҳали.

Куч-қувват киради синган қўлимга.
Мададкор бўлади узок йўлимга.

На бошим оғир, на ҳориб қоламан –
Жамадонни ўзим судраб оламан!

Менга тенг келолмас саёҳат иши –
Навбатлар, юк кутмок, улов ташвиши.

Тош териб уйнайман мавж билан бирга,
Соҳилда тик туриб, кўчаман шеърга.

Шовқин сукут аро юсам кўзимни.
Кўраман денгиздан тошқин ўзимни.

Мен эдимми ўша – тошқинли бола –
Дунёни кўтармоқ ишқиди вола?

Дилимда, тилимда сўнгсиз ташаккур:
– Ўзимни кўтариб юрибман, шукур!..

Кўтариб юрибман ҳатто Сўзимни –
Ўзимни, дунёдан оғир ўзимни.

Ярим тун. Чироқлар
ўчади бир-бир –
Уйку ва бедорлик мурасалари.
Хушёр чироқчи ким?
Сенмисан, тақдир,
Ё чарқок одамлар хулосалари?


Жумлаи жаҳонни
унутиб бу дам
Чўкиб ўлтираман тубсиз ботинга –
Ёдимга тушади кетган дўстларим.
Шавқу шаън давралар тушар ёдимга.

Ним шуълам милтирар туннинг қаъридан,
Ёруғим – безабон, ёруғим жимдир.
Ёлғиз ёниб қолган чироқ кабиман –
Кимдир ўчиришни унутган, кимдир...

Сен – турфа. Ўзгадир ҳар он қиёфанг.
Вужудинг – ўзгадир, рафторинг ўзга.
Фасларинг мўлдилр – бундай қарасам,
Ҳар он ўзгалиқда тушасан кўзга.

Совуғингу қоринг, ёмғиринг, жаланг –
Минг турфа феълингга минг бир чалқаш-
дим...
Эй, сен! Қаердасан? Яна ҳолим танг!
Бу тонг туманинда чексиз адашдим.

Кўриб турибман-ку сени, сеҳргар! –
Борлингг боғ ичра шундоқ намоён.



Тўзгин ҳарирликка қўл чўзсам магар
Сен йўқсан. Гар тўлган сен билан жаҳон.

Саросар чопаман. Қайдасан, ахир?
Бору йўғим билан туманга ботдим.
Овоз бер! Чорлагин! Қичкиргин! Бақир! –
Йўлимни йўқотдим. Сени йўқотдим.

Қандай жафо етди – қисматга – тенгсиз!
Бу ҳолинг висолнинг мантиги эмас –
Тўрт тараф сенсану, тўрт тараф сенсиз,
Барча йўл сен томон, сенга ҳеч етмас.

Туманда минг туман ҳайрондир ҳолим!
Қай қисмат бу тонгда менга етмоқда?
Сеҳргарим маним! Тўзгин иқболим!
Сендаману сенсиз умрим ўтмоқда.

Бу одам ҳаммага кўрсатар шафқат.
Менга ҳам беради босиқ насиҳат:
- Бошингни урмагин бунча деворга,
Девор ёрилади, ахир, девона...

Бу одам чинакам донишманд, солиҳ,
Аммо нечун бебахт яратдинг, эгам? –
Не-не азиз бошлар бир ёқда қолиб,
Деворнинг ғамини егани еган.

– Қанчада борилади Бойсунга, Усмон Азим?
– Бойсун – умрлик йўл, Абдурахмон.

– Бойсунгача қанча йўл, Усмон Азим?
– Ҳамма йўл Бойсунга боради, Абдурахмон.

– Барча йўлдан юрдим, Бойсун йўқ-ку,
Усмон Азим?
– Юрганнинг йўл эмас, Абдурахмон.

– Айт, Бойсунга қаердан борилади, Усмон Азим?
– Бойсунга шеърдан борилади, Абдурахмон.

– Бойсунни тополмадим, Усмон Азим.
– Мен олиб кетгандирман, Абдурахмон.

КУН ТАРТИБИ

Баъзан тартиб қуриб
бўламан мамнун.
Режаю тақиқда
ўлчанар тун-кун.
Тартиб нечун керак?
Аниқ биламан:
Бузиб, жону дилни
яйратмоқ учун.

Булбул сайради –
очилди гул.

Булбул сайради –
кўкарди дарахт.

Булбул сайради –
барло бўлди боғ.

Булбул сайради –
яралди кўнгил.

...Шеърлар эса ёзилаверди.
Шеърлар эса ёзилаверди.

Булбул ўқиб сайрасин, деб
Шеърлар ёзилаверди.

Бир тўда одам:
Одам Атонинг фарзандлари –
Ҳобил билан Қобил ҳам ўша ерда –

тошни тошга уришар,
тошни тошга уришар,

неча асрлардан буён
тошни тошга уришар...

Ногоҳ
хайқириқ!

Олов ёнди!
Алангалади бир хас.
Зулмат чекинди.

Бахтга тўлди дунё.

– Энди тунлар ёруғ бўлади,
– деди Ҳобил, –
Таомлар иссиқ.
Қишдан ҳам кўрқмаймиз...

Қобил ҳам хурсанд:
– Жуда қулай экан
бу олов дегани –
энди дунёни
ёқса ҳам бўлаверади...

ҒОЯ

Яралиш – олдинда. Мени имлайди,
Менинг ҳаётимдан ҳаёти қизиқ.
Ўзин қиёфасин ҳали билмайди,
Сирли бунёдликда тўзғиб тинмайди –
Қисматимдан турфа аъмоллар тузиб.

У асли умримдан кўчган, аслида
Бугунимдан қочган девона орзу –
Мастон шовуллайди эртам фаслида,
Мамнун қаноатнинг гашти қасдида,
Сўзга кўчмоқ бўлган даҳшатли ёху.

Ҳозир у губорлар ичинда элас,
Ҳозир у туманлар ичинда соя,
Ҳозир у дилимни орзиқтирган сас –
Аммо тақдир ила олганча нафас,
Бир ёниб «оҳ» урсам, топади воя.

Мен уни танийман: бу тирик ҳаво
Бу дунё ҳақида тушу ўнгимдир.
Бир боқсам: дунёдан гўзалроқ дунё,
Бир боқсам: эви йўқ дардимга маъво,
Бир боқсам: дунёдан қолган кўнглимдир.

ЭРТАК

Бу боғнинг тонглари эрта отади.
Дарахтлари бепул мева сотади.
Деворидан ошиб, сояга боқсам,
Илондай тўлғониб, бир қиз ётади.
Воҳ, қисмат!

Воҳ, қисмат! Илоннинг хуштори бўлдим,
Севгининг диласир дутори бўлдим.
Илон бир тўлғониб, мени авради,
Дуторнинг бори ул, мен тори бўлдим.
Воҳ, кўнгил!

Воҳ, кўнгил! Қувондим осмон бўлдим, деб,
Илон билан давру даврон бўлдим, деб.
Илон ҳам куйлади: – Севги сеҳрли!
Азиз ёр, сиз билан инсон бўлдим, деб.
Воҳ, сеvgи!

Воҳ, сеvgи! Кўнгилда сайрлар энди.
Илон дер: – Ўтганга хайрлар энди!
Ахир, кун кўрмадим илон бўлмасдан,
Мени илон этган ғаюрлар эди.
Воҳ, дунё!

Воҳ, дунё! Эртакми? Мўъжиза содир!
«Бор экан, йўқ экан» ҳар ишга қодир.
Яна бир сир атай: у қиз – малика,
Яна бир сир атай: мен – Кенжа ботир.
Зур дунё!..

ЮРАККА

Жон чиққанча тўлғонавер,
Кўнгил зорича тўлғониш.
Уйғонавер, уйғонавер –
Умр борича уйғониш.

Толдим, деган туйғу кўлдир,
Роҳатларга чўлғониш кўп.
Қават-қават уйқу кўлдир,
Қават-қават уйғониш кўп.

Беморликдан ҳам уйғонгин,
Бекорликдан ҳам уйғонгин.
Бедорман, деб гофил бўлма,
Бедорликдан ҳам уйғонгин.

Ҳар уйғониш янги орзу –
Ҳаётдан ўзмак, демақдир.
Ҳар уйғониш янги ёху –
Қурганни бузмак, демақдир.

Ҳар уйғониш – улуғ тилак,
Ҳар уйғониш жасоратдир.
Уйғонишдан, кўрқма, юрак,
Инсон умри матонатдир.

Тошиб тургин, сачраниб тур –
Мудроқ ичра сўниб кетма,
Ҳар он уйғон! Ҳар дам уйғон!
Тирик туриб ўлиб кетма.

Эркин Воҳидов сабоқлари

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳрида барпо этилган Адиблар хиёбонида Эркин Воҳидовнинг жозибали ҳайкалига боқсангиз беқиёс адабий, илмий, публицистик мерос қолдирган, инсонийлик бобида ибрат кўрсатган улугвор сиймо кўз ўнгингизда намона бўлади.

Давлатимиз раҳбари улуг зиялиларимиз ҳаёти ва ижод йўлини чуқурроқ тадқиқ этиш, талабаларга уларнинг тенгсиз маънавий хазинасини кўпроқ etkазиш мақсадида ҳар бир олий таълим муассасасига шоир адибларимиз ижодини батафсил таҳлил, тарғиб ва тавсиф этиш заруратини алоҳида уқтирди. Бундан муддао – буюк маърифатпарварларимиз ҳаёт ва ижод йўлини намуна сифатида талаба-ёшлар қалбига жо этиш, уларда Ватанга муҳаббат, халқимизга, миллатга садоқат туйғусини жўш урдириш, пировардида, келгусида шундай сиймоларни камолга etkазишдир.

Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўқувчилар мактабда ўрганадилар. ХХ асрнинг олтинчи йилларида ўзбек шеърияти осмониде ёрқин юлдуздек шоир Эркин Воҳидов пайдо бўлди.

Атоқли ва ардоқли шоирнинг шеърияти беқиёс маънавий воқеликка айланди. Бу шеърият ўзига хос – Тирик сайёра, дегимиз келади. Бу сайёрада маънавият дарахлари барқ уриб ўсаверади, мудом гуллайверади, мева бераверади. Эркин Воҳидов шеър чашмасидан баҳраманд бўлмаган ўзбек китобхони топилмас керак. Юртимизда унинг миллион-миллион нусхаларда чоп этилган китоблари кириб бормаган хонадон ё бирор маскан қолмагандир.

Ҳар кун, ҳар лаҳза телевизор, радио, магнитофон, видеоларда машур шоир шеърлари, ғазаллари билан айтилаётган ўлмас кўшиқлар янграйди.

«Тонг нафаси», «Кўшиқларим сизга», «Юрак ва ақл», «Менинг юлдузим», «Нидо», «Лирика», «Палаткада ёзилган дoston», «Ёшлик девони», «Чирғобон», «Дostonлар», «Ҳозирги ёшлар», «Муҳаббат», «Тирик сайёралар», «Бедорлик» каби тўпламлар, «Муҳаббатнома» ва «Садоқатнома» деб номланган сайланмалар ана шу маънавий сайёранинг тириклик дунёсини ташкил этади.

Замон билан ҳамisha ҳамнафас шоирнинг энг долзарб мавзуларда қилган суҳбатлари, адабий ўйлари, ёзган мақолалари «Шоир суеъру шуур», «Изтироб» китобларига жамланган.

«Эл ичиде яшаб, элнинг орзу-умидлари, курашлари, шодлик ва қайгуларидан четда туриш мумкин эмас», дейди шоир. Зеро, бу улугвор гоъ, устоз ўзи ифода этганидек, Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди мазмундир:

Эл устозим, мен эсам - толиб!
Суз дурларин термоқдир ишим.
Одамларнинг ўзидан олиб,
Одамларга бермоқдир ишим.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Давлат мукофоти лауреати, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Эркин Воҳидов ижоди миллионлаб кўнгилларни маънавият, шеърият нурлари ила мунаввар этиб келмоқда.

Устознинг ҳар бир шеъри ва суҳбати, публицистикаси бугунги ёшлар учун улкан маҳорат мактабидир. У 1984 йили бир суҳбатида шундай ёзган:

«1960 йил. Тошкент Давлат университетида, сўнги курсда ўқи-

ётган вақтим «Шарқ юлдузи»да «Буюк ҳаёт тонги» номли дostonим босилди. Бу ҳодиса ҳаётимда унутилмас, янги саҳифа очди. Ўша кунлари «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон озови») газета-

сида шоир Туроб Тўланнинг «Шарқ юлдузи»ни varaқлаб мақоласи босилди. Номдор шоир бир студент боланинг илк дostonига катта қалб эгасига

хос тантилик билан юксак баҳо берди.

Мана, бугун орадан кўп йиллар ўтиб, ҳаёл қилсам, «Шарқ юлдузи» — мен учун ҳам бешик, ҳам дорилфунун бўлибди. Шу азиз ва қадрдон журнал саҳифаларида Гафур Ғулломдан тортиб то Абдулла Ориповгача, Ойбекдан тортиб Ўткир Ҳошимовгача, устозларим, дўстларим ижодидан баҳраманд бўлдим, шу муборақ саҳифалар неча авлод ўзбек ижодкорлари қатори менинг тенгдошларим учун ҳам мушоира, мубоҳаса майдони бўлди...»

Атоқли шоирнинг машҳур «Дорилфунунга» шеърида шундай мисралар бор:

Яна йигирмага — йигит ёшимга,
Узоқ йиллар ўтиб, қайтган бу қушим.
Таъзим қилиб келдим сенин қошигга,
Азизим, мунисим, дорилфунуним.
Недирсан? Олисга ундаган садо,
Ё олис йиллардан чорлаган уним.
Сени соғинаман ва икки дунё,
Сенга интиламан, дорилфунуним.

Ўзи таҳсил олган ўқув даргоҳини шу қадар эъозлаган шоирни университет ҳам ардоқлайди. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон Қаҳрамонлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Озод Шарафиддинов адабий, илмий, публицистик меросини тадқиқ этиш, талабаларда улар ижодига янада кўпроқ қизиқиш ва иштиёқ уйғотиш мақсадида алоҳида экспозиция ташкил этилган. Айни шу даргоҳда таҳсил олиб, Қаҳрамон даражасига етган бу ижодкорлар то абад ёшларга ҳар томонлама ибрат мактабидир.

ЎзМУда Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодига бағишлаб 2020 йил давомида Адиблар хиёбонида ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлари режаси ишлаб чиқилган. Университет профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг Адиблар хиёбонида доимий равишда ўтказиб турадиган маънавий-маърифий тадбирлари, мушоиралар, китоб тақдимотлари, кўргазмалар, Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодига бағишланган фильмлар намойиши, таниқли ижодкорлар, адабиёт-шунослар иштирокида «маҳорат дарслари» ташкил этиш, «Китобхон талаба» танловини ўтказиш каби қатор вазифалар белгиланган.

Янги ўзв йилда университетимизда «Эркин Воҳидовнинг адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган хиссаси ва унинг миллий маданиятимиздаги аҳамияти», «Эркин Воҳидов публицистикаси ва муҳаррирлик, ноширлик маҳорати» мавзуларида илмий-амалий конференциялар ўтказиш режалаштирилган.

Шоир ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм яратилади.

Талабаларимизнинг Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалари тўплам ҳолида нашр этилади.

Тўлқин ЭШБЕК,
ЎЗМУ Журналистика факультети
кафедра мудири, филология фанлари номзоди,
доцент

ТОШКЕНТ ТАРИХИ БИЛАН ТАНИШМОҚЧИМИСИЗ? МАРҲАМАТ!



Дунёда шундай шаҳарлар борки, нафақат қадимий тарихи, шонли ривожланиш йўли, балки асрлар давомида бажариб келган ижтимоий-сиёсий, маданий вазифаси билан ҳам ўз халқи, бутун башариёт ҳаётида ҳар томонлама чуқур из қолдирган, миллий ифтихор ва тараққиёт рамзига айланган. Шундай шаҳарлар орасида азим Тошкентимиз ҳам бор.

Буюк ипак йўлини инсоният тарихида илк бор Ғарб ва Шарқ халқлари тараққиётини бирлаштирган қитъалараро олтин камарга қиёслаш мумкин. Шу маънода Тошкентда қадимдан турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилгани табиий.

Ватанимизнинг олтин остонаси бўлмиш Тошкент бугунги кунда янада ривожланиб, гўзал ва обод мегалоплисга айланиб бормоқда. Кечагина пойтахтимизда барпо этилган истироҳат боғлари, йўл, кўприклар, спорт иншоотлари ва гўзал, замонавий «Tashkent city» мажмуаси кўзимизни қувонтирган бўлса, энди Алишер Навоий номидаги боғда барпо этилган Адиблар хиббони барчани ўзига чорлаётир. Хиббон бўйлаб айланар экансиз, чинакам очиқ хайкалтарошлик музейига дуч келасиз. Давлатимиз раҳбари шу йил 11 январда пойтахтдаги бунёдкорлик ишлари билан танишув чоғида берган тавсиясига биноан, Адиблар хиббони ёнидаги бино реконструкция қилиниб, Тошкент тарихи музейи сифатида фаолият бошлади. Дунёда катта шаҳарлар ўтмишини ёритувчи музейлар кўп. 2200 йиллик тарихга эга Тошкент шаҳри бошқа пойтахтлардан фарқли ўлароқ, Буюк ипак йўлининг гавжум чорраҳаси тарихини бошидан кечиргани, асрлар давомида илм-фан, маданият ва маърифат маркази бўлиб келгани билан ҳам ажралиб туради.

Тошкент шаҳри музейи узоқ ўтмишга дахлдор ҳудуд тарихини – урф-одат ва анъаналари, илм-фани, маданияти ва санъатини ўзида акс эттиради. Илк босқичдаёқ мажмуада минга яқин экспонат тўпланган бўлиб, музей фондини янада бойитиш борасида изчил фаолият олиб берилмоқда. Биринчи қаватда «Тошкент – илм-фан маркази», «Тошкент – бағри кенглик шаҳри», «Амалий санъат. Кундалик ва маданият» номли экспозициялар ташкил этилган. Иккинчи қаватда қадимий иш қуроллари, хўжалик буюмлари, қадамжолар макетлари намойишга қўйилган. Томошабинларга қулайлик яратиш мақсадида экспонатларга ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлар билан шарҳ берилади. Монитор, инфокиос каби технологиялар ёрдамида қўшимча маълумотлар тақдим этилади. Музейда Тошкентга оид антик, бронза ва илк темир, Ўрта асрлар ва Темурийлар давридан бошлаб, бугунги кунгача бўлган тарихни ўз ичига олган қизиқарли маълумотлардан бохабар бўлиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари музейга ташриф чоғида «Бу биринчи қадам. Тошкентда илмий тадқиқотлар учун жуда катта манба бор. Лекин шу пайтгача яхлит ва тўлиқ ўрганилмаган. Энди 2200 йиллик тарихни даврма-давр ўрганиш, музейни ашъвий далиллар билан бойитиб, шаҳар цивилизациясини тўла юзага чиқариш керак» деди. Бунинг учун илмий тадқиқот институти ташкил қилиш, археологларга шароит яратиш, изланишлар натижаси бўйича китоблар чоп этиш зарурлигини таъкидлади. Ёшларни бу ерга олиб келиш, бошқа шаҳарларда ҳам шундай музейлар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Мамлакатимизда музейлар кўп. Ҳар бир музей ўз йўналиши, ташкил этилишидан кўзланган мақсадига қараб, ўз томошабинини топади. Пойтахтимиз марказида барпо этилган Тошкент музейи қадим шаҳарнинг бугунгача босиб ўтган йўлини тарихий ашёлар тилида сўзлайди.

Комил ЖОНТӨЕВ



хайдовчи ёнидаги олд ўриндиқни банд этган кўйи жағи тинмай келяпти. Унинг зўр бериб уқтиришича, Термиз яқинида қазиш ишлари олиб бораётган қадимшунослар ғоят ноёб хайкалча топиб олганмиш!

— Бу маданий ҳаётимизда улкан ҳодиса, — деди Ҳошим ўриндиққа қия ўтириб, бизларга юзланишга ҳаракат қиларкан. — От миниб турган шоҳ хайкали. Назаримда у Кушон давлатчилиги даврига тегишли. Балки ундан ҳам қадимийдир... Нима бўлган тақдирда ҳам ғоят бебаҳо топилма.

Ҳошим шу орада йўлдошларимиздан бири мудраётгани, бошқаси эса аллақач

шарпаси тошди. Ўз-ўзидан илжайиб қўйди. Вазият юмшаганиданми, ё анчадан бери сўрамоқчи бўлиб турганиданми, хайдовчи йўлдан кўз узмай, гап қотди.

— Ҳошим ака, ўша топилдиқни сотса, қанча пул бўлади?

— Нималар деясиз? Сотиш мумкин эмас, — дея тажанг бош чайқади Ҳошим.

— Масалан, дейман-да.

— **М**иллион дўллўрдан кам бўлмади-ю, лекин бу миллий бойлигимизни кўз қорачиғидай асрашимиз керак.

Ҳошим яна авжланиб, санъат, гўзаллик ҳақида узундан-узоқ жаврашга туш-

Луқмон БЎРИХОН

Даштдаги фаришта

Ҳикоя

Аёлнинг оппоқ юзида оппоқ хаёллар кезиниб юрарди. Дуррача тагидан кўпириб чиққан соч топаларидан тортиб ёнгил оёқ кийимигача алланечук бегуборлик, алланечук жозоба уфуриб турибди. Қошлари қалдирғоч қанотидек эгилган. Қўнғирга мойил йирик-йирик кўзлари андек хуркак, андек мағрур боқади. Бироз қалин, бироз бўртиқ лаблари жиддият билан қимтилган. Эғнидаги сарғиш, қизғиш кўйлагги буралиб-эшилиб ёнаётган алангадек туюлади. Олдидаги кўчма пештахта устига ҳафсала ва маҳорат билан териб кўйилган қип-қизил, сап-сарик олмалар худди Миср эҳромидек қад ростлаган.

Мен бу гўзаллик қошида бир лаҳза хайкалдек қотиб қолдим. Йўл азоби — чарчоқ, ланжлик бир зум вужудимни тарк этгандек бўлди. Рухимда алланечук жўшқинлик уйғонди. Тўғриси, олис бир дала-дашт кўйида бундай малоҳатга йўлиқаман, деб ҳеч уйламагандим. Шу сабаб аёлдан сира кўз узолмасдим. Бир пайт қоп-қора, чорпахл гавда мени ундан тўсиб қўйди. Бу — Ҳошим, менинг тўрт йўлдошимдан бири. Киракаш «Нексия»да тикилиб-букилиб жануб томон сафарга чиққанмиз. Афр-ангоридан бироз тижоратчиға, бироз амалдорга ўхшаса-да, ўзини санъатшунос олим, деб таништирган Ҳошим гирт вайсақи экан:

ёққа паришон кўз текиб, гапга кулоқ солмаётганини пайқаб қолди.

— Тарихий санъат асарларидан ҳайратланишга, уларни қадрлай билишга ўрганишимиз керак, — деди у танбеҳ оҳангида, — қачонгача фақат қорингами билан яшайсизлар?!

Хайдовчи пеш ойна орқали йўловчиларга бир-бир кўз ташлаб, мийғида илжайиб қўйди. Ҳошим тутоқиб яна анча пайт жавради. Сўнг аразлаган боладай гўдайиб, жим қолди. Сийрак қош остидаги митти кўзларини узоқ-узоқларга қадади.

Машина шитоб билан елиб борарди. Қишлоғ-у дарахтзор, катта-кичик экин далалари ойна ортидан лип-лип кўзга ташланади. Пойтахтдан чиққанмизга энди бир соат бўлганига қарамай, анча йўл босиб кўйибмиз. Олис-олисларда гўза пайкаллари ям-яшил денгиздек чайқалиб турибди. Ҳаво иссиқ. Машинанинг ярим очиқ ойнасидан ёпирилиб кираётган шамол кишига хуш ёқади.

Ҳошимнинг асабийлиги зум ўтмай, тарқаб кетди. Ҳойнаҳой, ўша тарихий топилдиқ хаёлида жонланиб турган бўлса керак, юз-кўзига яна завқ-шавк, илҳом

ди. Миллатнинг, мамлакатнинг эртаси худди шундай ноёб санъат асарларига кўп жиҳатдан боғлиқлигини ҳижжалаб тушунтирди. Бу орада машина бир томони куюк дарахтзорга, бир томони кенг даштга туташиб кетган манзилдан ўта бошлади. Ҳошимнинг жаврашидан кутулмоқчи бўлдимиз ё чиндан ҳам у кўзлаган манзил шу ерми, ҳарқалай, хайдовчи тезликни пасаптириб, гап қотди.

— Акалар, шу ерда ўн беш-ийгирма минутча дам оламиз. Анави ошхонада кўза шўрвани боплайди.

— Жуда яхши бўларди-да, — деди шу пайтгача миқ этмай, мудраб келаётган шерикларимиздан бири.

«Нексия» йўл четига чиқиб, дарахт соясида тўхтади. Бирин-кетин машинадан тушдик.

Ростдан ҳам ажойиб жой экан. Куюк дарахтлар қуршовидаги мўъжазгина ошхона. Уч-тўрт хизматчи югуриб-елиб юрибди. Ташқарида қантарилган машиналар кўплигига қараганда хўрандалар мўл. Демак, овқатни мазали пиширишади. Негадир, менинг кўнглим таом тусамасди. Чарчадимми ё эрталаб куюк овқатланиб чиққаным учунми, иштахам йўқ эди. Шу сабаб машина ёнида қолдим. Ҳошим сал наридаги сомсапаздан



бир дона сомса олиб, тик турган жойида ея бошлади. Хайдовчи ва тагин икки шеригимиз хизматчилар мулозамати қуршовида ичкарига кириб кетишди. Мен у ён-бу ён юриб, теваракни томоша қила бошладим. Машинамиз турган жойдан беш-олти қадам нарида бир тўп хотин-халаж қатор туриб олиб, савдо қилишарди. Бирининг олдида писта-ю курут, иккинчиси пештахтасига ҳар хил ширинлик, турли майда-чуйдани уйиб олган. Бошқаси эса...

Шу пайт кўзим унга тушди. У қип-қизил, сап-сарик олмалар Миср эхромидек терилган пештахта ёнида Миср маликаларидек қад кериб, мағрур турарди. Гўзал ва латофатли аёл! Назаримда у овлоқ дашт кўйнига қўқдан тушиб келган фариштанинг ўзгинаси эди. Аёлни бундан вужудидан эркалик ва яна эркалик ёғиларди. Йўқ, у шунчаки мева-чева сотиб, харидор йўлига кўз тикиб ўтирган тижоратчи эмас. У муҳаббат ва шафқатга лиммо-лим қалб эгасини интиқ-интизор кутиб турган сирли, жозибали хилқат. Унинг қора меҳнатдан андак қадоқланган қўлларидан тутиб, осмондек тиниқ ва тубсиз кўзларига термулиб, олис дашт кўйнига сингиб кетиш керак. Шаҳар шовқин-суронидан толиққан, чиқит ва қурум губоридан заҳар-зақумга тўлган бошни даштнинг тоза ва тотли эпкинига тутиб, покланиш лозим. Дашт шамоли аёлни толим-толим сочларини тўзгатиб, димоққа хуш бўй олиб келсин. Энтика-энтика, тиллар, фақат бир сўзни аранг такрорласин: «Севаман». Худди шу сўз ер-кўкни момақалдироқдек ларзага келтирсин. Бу ларзадан мудрок ва ёғ босган қалблар чўчиб уйгонсин. Уйгонсин-у, ҳаёт ва аёл учун шукрона келтирсин.

Шундай хаёллар оғушида сармаст бўлиб турган пайтимда Ҳошимнинг қоп-қора гавдаси аёлни мендан тўсиб қўйди. У қачон сомсасини еб бўлди-ю, қачон сотувчи аёллар қатори томон йўналди, билмайман. Назаримда Ҳошим дилбар ва мағрур аёлга анча пайт мендек ҳайрат, ҳаяжон билан термулиб қолган-у, сўнг дадиллик билан у томон

юрган. Олма сотиб олиш баҳонасида аёлга тикилиб-тикилиб қарашни, уни зимдан сўхбатга тортишни режалаштирган. Адашмабман, шекилли. Ҳошим чиндан ҳам пештахта ёнида анча пайт ивирсиб туриб қолди. Олма бўлагидан оғзига солиб тотинган бўлди. Ҳошимнинг елкалари оша менга аёл чехраси тўкис кўриниб турарди. Йўлдошим хуш гаплардан гапирди шекилли, у майин табассум қилди. Бу қадар гўзал, бу қадар жозибали табассумни пайқаган ҳар қандай метин юрак сел бўлиб оқарди. Ҳошим эса гоҳ қизил, гоҳ сариқ олма уюми олдида куймаланар, қўл сермаб, алланернидир гапирарди. Ниҳоят аёл кўлидаги елим идишга қизил олмалардан солиб, идишни тарозига қўйди.

Тушлик маҳали бўлиб қолгани учунми, теварак тобора гавжумлашиб борарди. Бир машина жойидан жилса, икитаси келиб тўхтарди. Йўловчилар ошхона томон синчков кўз ташлашар, тушлик қилиб чиққанлардан овқат тури-ю, маза-матраси ҳақида ими-жимиди суриштиришарди.

Ниҳоят, Ҳошим елим халтага солинган икки килоча олмани кўтариб, етиб келди.

— Қиммат, заҳардан қиммат, — дея асабий ва норизо бош чайқарди у, — ҳаммаси олиб-сотар буларнинг. Бор-будларини тортиб олиб, кўзларини мошдай очиб керак.

Ҳошим иддао билан машина эшигини очди-да, кўлидаги елим халтани ўриндиқ устига қўйди. Тўнгиллаб, ўзича аллакимларнидир сўккан бўлди.

— Қиммат бўлса, олманг эди, — дедим астойдил ранжиб. Назаримда Ҳошим қандайдир муқаддас, қандайдир қутлуғ гўшада сўкинаётгандек эди. Шу сабаб унинг қилиқлари менга тобора ёқмай борарди.

— Олмасдимку-я, — деди Ҳошим, — лекин йўл-йўлакай бир оқсоқолни кўриб ўтишим керак. У Самарқонда, катта йўлга яқин бир касалхонада даволанапти.

Кўнглим хира тортиб қолди, сабабини билолмадим. Яна аёл томон кўз ташладим. У ўша-ўша — латофат ва малоҳатга бурканиб, мағрур турарди. У қандайдир лойқа бир ариқ сатҳида қалқиб-қалқиб оқиб келаётган қизғиш-сарғиш гулдастага ўхшарди.

— Гўзал, жуда гўзал, — деб юбордим беихтиёр.

— Нима, нима гўзал?

Ҳошим гўдраниб бир менга, бир теваракка кўз ташлади. Лекин мен нимадан

ҳайратланаётганимни тушуна олмай, елка учириб қўйди.

— Келинг, машинада ўтириб кута қоламиз, — деди Ҳошим яна негадир аччиқланиб. — Ановиларнинг тушлиги ҳам чўзилгандан-чўзилди. Нима, бало, базм қилишмаяптими, ишқилиб?!

Мен индамай машинанинг орқа эшигини очдим. Бу орада Ҳошим негадир чўнтагидан бир даста пул чиқариб, санашга тушди. Сўнг чимрилиб, яна бир қарра санаб чиқди, санаган сайин авзойи бузилиб борарди. Афтидан, пул Ҳошимнинг чамасидан кам эди. У шоша-пиша ҳамма чўнтақларини кўриб чиқди.

— Ярамас, — дея ингранди у, ниҳоят, умиди узилгач. — Хаёл билан анави олмафурушга икки ҳисса пул бериб юборибман.

— Йўғ-е.

— Ҳа. Мана пулим кам чиқаяпти.

— Бирор ерга тушириб қўйгандирсиз, балки.

— Йўқ. Энди аниқ эсимга тушяпти, ўша аёлга икки ҳисса узатган эканман. Айёрлигини қаранг, уям айтмасдан чўнтагига солган.

Хошим шоша-пиша машинадан тушди. Қаҳр-ғазаб билан аёл томонга кўз ташлаб қўйди. Кўнглим ғашлиги баттар ортди. Биаламан, Ҳошим ҳозир ўша аёл билан жанжаллашади, пулини талаб қилади. Бу нарса менга сира-сира ёқмасди. Мен айни чоғ аёлни қанчалик ҳақ-ноҳақлиги ҳақида ўйламасдим, унинг гўзаллик ва латофат балққан қиёфаси ўзгаришидан қўрқардим. Муҳаббат ва шафқат излаётган қароқлари нафрат ва ҳақоратга йўлиқишини истамасдим.

— Ҳошим ака, — деб юбордим беихтиёр.

Ҳошим эгилиб мен томонга савол назари билан қаради.

— Ҳа.

— Тўғриси, пулингиз машина салонига тушиб қолган экан. Мен толиб олган эдим.

Ҳошим таажжуб билан бир менга, бир машинанинг салонига кўз ташлади.

— Ростданинг?

— Мен чўнтагимдан аллақачон чиқариб, кўлимга ғижимлаган пулни узатдим.

— Кечирасиз, сизники эканини билмай қолибман.

Ҳошим иккилана-иккилана пулни олди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди у анча пайт ўйлиниб тургач. — Сафарда ҳар нарса бўлиши мумкин.

Негадир, бундан олам яна кўзимга қарогон кўриниб кетди.

АДИБ ВА МУРАББИЙ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи Эркин Малик ҳар бир асаридида халқимизнинг миллий қадриятлари, ахлоқий-диний қарашлари, инсонийлик ва бағрикенглик каби фазилатларини улуғлайди. Уларни турли-туман услубларга хос ранг-баранг лавҳалар ва мактублар, ҳикоя ва эсселарда жозибали ва таъсирчан, ишонарли тасвирлайди.

Ҳар бир ижодкор камолотида у кўз очиб кўрган дунё – оила, маҳалла ва одамлар ўчмас из қолдиради. Вақти келиб ўша воқеалар унинг хотирасида жонланади, ёзилажак асарлари мавзусига айланади, тафаккур тарзига ва яратаётган образларига ўзига хос ранг ва жило бахш этади. Адибнинг турли йилларда чоп этилган «Улар менинг дўстларим», «Қирқ икки оғайни», «Ўқилмаган саҳифалар», «Она шахрим – Тошкентим», «Субҳидам ҳикоялари», «Йигитки, шундай бўлса», «Бир куни Зулфия опа...», «Хотира уйғонса гўзал», «Болалик ва ўсмирлик кўчалари», «Яхши одамлар кўп», «Набираларимга мактублар» каби китобларининг асосий мавзуси ватанпарварлик ва комил инсон тарбиясида ватанга садоқат, инсоф ва адолат, поклик ва ҳалоллик, диёнат ва эътиқод жуда муҳим тамойиллар ҳисобланади.

Эркин Маликнинг суҳбат асосида ёзилган асарларида оддий кундалик воқеалардан олинган ҳаётий лавҳалар муҳим маънавий-тарбиявий ижтимоий кучга айланади. Унинг «Набирамга мактублар» китоби бобо ва набиранинг ҳаётий суҳбатлари асосига қурилган. Уларда таниш шахслар, муаллиф бошидан кечирган реал воқеалар тасвирланганлиги учун ҳам ўзгача завқ-шавқ ва иштиёқ билан ўқилади. Адиб ҳаётий воқеалар орқали ўзбек халқининг миллий қиёфаси, маънавий дунёси, аҳвол-руҳиятини, бола тарбиясига оид анъаналари ва урф-одатларини атрофлича ўрганади ва ҳикматлар шодасига тизади. Бу ўринда афсона, ривоят, нақллардан усталик билан фойдаланади. Шахсий кечинмалар, учрашув ва тадбирлардаги мушоҳадалар, майда тафсилотларни ҳам четлаб ўтмайди. Баалоғат оstonасидаги набираси билан суҳбатларда халқимизга хос оқ кўнгиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик каби фазилатларни, катта самимият ва дардни кичик ҳикматлар замирига сингдиради. Улар чин ўзбекиона инсоний фазилатлар билан зийнатланган. «Тик қараш» сарлавҳали мўъжазгина лавҳада бир қараганда оддий, аслида комил инсон тарбияси учун жуда муҳим бўлган катта муаммо кўтарилган: «Одамлар орасида шундайлар борки, жудаям кўзи қаттиқ. Бировга қараса тешворай дейди. Ундайлардан дарровда одам ўзини олиб қочади. Билсанг, бу иллат ҳам болалиқдан шаклланади, чирогим», дейди адиб ва бир воқеани айтиб беради. Бир йигит шаҳарга тушганда кекса отахон билан танишади. Отахон йигитнинг одоби ёқади ва

унинг қайси қишлоқданлигини, кимнинг фарзанди эканлигини суриштиради. Йигитдан отасининг исмини эшитган оқсоқол, «Эслагандекман, отангизнинг пешонаси кенг, қошлари ўсиқ, кўзлари катта-катта, шундайми?» деганда, йигит билмаслигини айтади. Ҳамсухбатининг ҳайрон бўлганлигини кўриб, «Уэр, отахон, мен отамга ҳечам тик қарамаганман», деган экан. Набирасига воқеани сўзлаб бериш жараёнида адиб қиссадан шундай ҳисса чиқаради: «Ҳар қандай ҳолатда ҳам устозлар, ота-оналар, умуман каттаю кичикка тик қарамаслик керак. Айниқса, катталар тартибга қақчириб, қаттиқ гапирганларида. Бир марта, икки марта тик қарадингми, бўлди, кўзинг қотиб қолади. Кейин уни ҳеч қачон юшата олмайсан. Қаттиқлик қорачиққа ўрнашиб қолади-да. Мен сенинг кўзларингдан хотир-жамман, болам.»

Эркин Малик халқ орзумидларини ҳам, атрофимиздаги одамларнинг катта-кичик ташвишларини, жамиятдаги муаммоларни ҳам табиий ва ишонарли ифодалайди. Тўқима қаҳрамонлар изламайди, ҳаётни безаб кўрсатмайди. Таъсирчан ҳикоя ва лавҳаларида шарқона дидактика, диний-маърифий ва замонавий тарбия усуллари уйғунлашади. Адибнинг «Ақл ҳақида»ги лавҳаси шундай бошланади: «Ақл ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисан, э, менинг ақли набирам? Ўҳ-ў-ў...» Донишманд бобонинг ҳаяжони навқирон қалбга ҳам кўчади. Набира бобонинг ҳурмат тўла

сўзларини иштиёқ ва ҳайрат билан тинглайди: «Ақл болалиқда қанча яхши озиқланса, шаффофлашса, улғайганда шунчалик самара беради. Ибн Сино бобомиз ун саккиз ёшигача ўша давр тиббиётига оид барча китобларни ўқиб, ўрганиб бўлганлар. Абу Райҳон бобомиз ўсмир ёшидаёқ инсонлар учун фойдали ёки зарарли бўлган гиёҳларни ўрганиб, фанга олиб кирган. Дунёда илк бор самовий ёриткичлар ҳаракатини кашф қилиб, юлдузлар харитасини яратган Мирзо Улуғбекнинг ҳам бу илмга қизиқиши болалиқдан бошланган.» Бобо набираси қаторида минглаб болаларга Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари аждодларимизнинг тарихий хизматлари ҳақида қизиқарли ҳикоялар қилиб беради. Бу каби мисоллар ҳар қандай боланинг қалбини сеҳрлайди. Уни китоб ўқишга, билим олишга ундайди. Адиб жонкуяр тарбиячи сифатида лавҳани шундай якунлайди: «Халқимиз: «Билимдилар минг яшар, билимсизлар бир яшар», дейди. Бунга минг йиллар оша номлари яшаб келаётган юқорида айтилган улуғларимиз мисолдир. Яна «Билимсиз бирни йиқар, билимли мингни йиқар» деб ҳам айтишади. Буларнинг бари ақлнинг тантанаси ва ақлнинг самарасидир, болам». Адиб илм ва тафаккурни ҳаёт чирोगи, фақат улар орқали одам дунёни ва ўзини англайди, мустақил фикрлашни, яхши-ёмонни ажратишни ўрганади, комилликка интилади, деб ҳисоблайди.



Эркин Малик ҳикоялари турмушнинг ёрқин ва жонли воқеаларидир. Умуман, ўзбек болалар адабиётида оталик ҳисси ва маъулияти, фарзандлик меҳри ва бурчи ҳақида жуда кўп асарлар ёзилган. Адиб қаҳрамонлари дунёни ҳиссиётлар ва ҳаётий ўғитлар асосида идрок қилади. Замон илгари сураётган маънавий-ахлоқий масалалар, ота-оналар ва болалар орасидаги кўринмас ғовлар, ички зиддиятлар, ижтимоий муаммолар ҳақида атрофлича фикр юритади. Мисолларни ҳаётдан, одамларнинг ўзидан олади, болаларни турмушнинг мураккаб ва машаққатли томонлари билан таништиради, кундалик лавҳаларда катта фалсафий ҳақиқатларни айтади. Уларнинг ҳар бири юрак зарблари китобхонга эшитилиб турган, сохталик, ёлгон, сунъийликдан холи, жонли асарлардир. Шунинг учун ҳам улар қизиқиш билан ўқилади, ўқувчисини бефарқ қолдирмайди, уни теран мушоҳадага ундайди. Ота-оналарга ҳам, болаларга ҳам оддий ҳаёт ҳақиқатини – муроса илмини ўргатади.

Эркин Малик ҳаётнинг паст-баландини кўп кўрган ва ҳар бирдан ўзи учун ҳикмат излаган ижодкор. Жумлалари содда, тили раvon, тасвирлари тиниқ ва ҳар бир лавҳа юракни «жиз» эттиради, ҳаяжонга солади. Ёзувчи мураккаб тақдирлар, зиддиятчи ҳолатлар ҳақида ёзганда ҳам сатрлар қатидан умид нурлари сизиб туради. Унинг асарлари комил инсон тарбиясида маънавий таянч вазифасини ўтайди. «Ватанпарвар» ҳикоясининг дебочасиёқ китобхон қалбини тўлқинлантиради: «Бу муқаддас сўз бундан буёғига кулогинг тағида тез-тез жаранглайдиган бўлади, набирагинам. Чунки жаннатмонанд юртимизнинг қувонч ва ташвишлари бундан буёғига сен ва сенинг тенгқурларинг елкасида бўлади. Ватаннинг номини дунёга таратиш, чегараларни кўриқлаш, шаънини сақлаш, обод қилиш... санайверсам, саногога етиб бўлмайди. Лекин ватанпарварлик ҳамма соҳада шундоқ кўзга ташланиб туриши керак». Набираси кўнглига меҳр йўлини очган Бобо Чорсу бозорига ўзи гувоҳ бўлган воқеани айтиб беради. Ўзбекистонлик мезбон ҳамроҳлигида бозорга кираётган туркиялик меҳмоннинг бошидаги қимматбаҳо телпагини велосипедлик бола олиб қочади. Қиш, ҳаво ниҳоятда совуқ, хижолатда қолган мезбон нима қилишини билмай, тинимсиз равишда «жўжўқ билмиер, билмиер, билса қилмиер» дея, қимматбаҳо бош кийимидан жудо бўлганига қарамай, ўғри болани оқлаётган меҳмонни телпақ растасига бошлайди. Воқеани эшитиб, сотувчи-ю харидорлар уларни юпатган бўлади. Шунда ёши каттароқ сотувчи, «Меҳмон тўғри айтяпти, болага гуноҳ, савоб ишлари биз катталар ўргатишимиз керак эди, айб ўзимизда», дейди, қимматбаҳо сувсар телпақни туркиялик меҳмонга ҳадя қилади. Донишманд Бобо шундай хулоса чиқаради: «Мана сенга чинакам ватанпарварлик, чинакам жўмардлик, қайсидир маънода айбни ҳам тан олиш ва унинг эвазини тўлаш. Ана шунақа, болажоним, чинакам ватанпарвар одам юртининг шаъни, обрўси йўлида керак бўлса молидан ҳам, жонидан ҳам кечиши керак. Худди анови телпақчига ўхшаб». Бу мўъжаз ҳикоялар болалар дунёқарашини ва тушунчаларига мослиги билан ажралиб туради. Адиб, жамиятни ва замонни ўрганиб, нодон, лоқайд одамларнинг таъсиридан болаларни асраш керак, деган хулосага келади.

Эркин Малик асарлари инсонсеварлик ғоялари билан сугорилган, улар ватанни ва халқни севиш, миллий қадриятларни шарафлаш ва асраш кераклигини тарғиб қилади. Ёшларга, инсон жамиятга наф келтириши ва фойдали ишлари билан кадр топишини, яхшилиқнинг, комилликнинг мезони – бу ватан



ва халқ манфаатини ҳамма нарсдан устун қўйиш ва юрт ташвиши билан яшаш эканлигини уқтиради. Адибнинг «Муаллим ва боғбон» ҳикоясида шундай сатрлар бор: «Болалар ҳам дастлаб мактабга борганларида ўрмон дарахтлари, бутачаларни эслатиб юборар экан-да. Устозлари мусаввир гулчига ўхшаб уларнинг атрофида шунақанги парвона бўлишадими, жонларини нисор қилиб юборишади. Ҳар бирига табиатига қараб, дарахт ва буталарга ўхшатиб, шакл ва пардоз беради. Баъзилари кийкдек учур, филдек кучли, шамшод дарахтидек алп, боғбондек ихтирочи бўлиб етишади. Дунё кезади, юрт байроғини баланд-баландларга кўтаради. ... Муаллимнинг, ота-онанинг бошлаган йўлга юринг, эгилинг. Инсоният боғидаги чиройли гулларга айланг. Шамшод дарахтидек алп бўлинг, қараган кўзларни қувонтиринг, менинг алп болаларим». Адиб Эркин Малик донишманд Бобо, фидойи Муаллим сифатида ёшларни ватанпарварлик, юртга садоқат, олижаноблик, меҳр-мурувват каби туйғуларни қадрлаб, комиллик сари интилишга даъват этади.

Табаррук 80 ёшни қаршилаётган устоз Эркин Малик асарларини ҳаётий ҳикматлар бўстонига қиёслаш мумкин. Бу бўстонга кирган инсон уни қайта-қайта кезгиси келади. Бу бўстоннинг ёнидан бир марта ўтсангиз кифоя, кейин ўзига оҳанрабодек тортаверад. Дилкаш суҳбатдош, талабчан мураббий Эркин Малик бунёд этган бу бўстоннинг сеҳрли таровати, муаттар ифори, мунаввар ёғдуси узоқ йиллар комилликка интилаётган қалбларимизни покиза ҳисларга, шукроналик ва иймон нурларига чулғаб тураверсин.

Ҳулкар ҲАМРОЕВА,
филология фанлари номзоди,
Анора ҲОЖИМАТОВА,
журналист.



Санагило

Бир вақтлар пойтахтнинг Ишчилар шаҳарчасидаги Батуми кўчасида истикомат қилардик. Уша вақтлар кўчадан ўтган йўловчи борки, ҳовлимиздаги баланд сўрида осилиб турган олтин ранг хусайни узумдан кўзини узолмасди. Ичкарига кирган одам турли-туман мевали дарахтлар, айниқса, ҳовли ўртасида кўкка бўй чўзган, юлдуздек ёниб турадиган қизил гилосга мафтун бўларди.

Ҳар баҳор дадам билан қўл ушлашиб, шу бодроқдай-бодроқдай гуллаган дарахтга қараб завқланардик. Отам ҳар баҳор шу гилоснинг гуллагани кутиб, ажойиб манзарадан баҳра оларди. Шундан бери гуллаган гилосни кўрсам, падари бузрукворим, бирга кечирган кунларимиз, соатлаб давом этадиган оқшом суҳбатларимиз эсимга тушади. Ижодкор оиласида камол топиш катта бахт экан. Зотан, бундай муҳитда фақат софлик, гўзаллик яшайди. Уйимиз мисли бир меҳмонхона эди. Дадам жуда кўп сайр-саёҳат қилар, табиийки, ҳар бир сафарига янги танишлар, дўстлар орттирарди. Ошналари, ҳамфикр ижодкорларнинг бари уйимизга кўниб ўтарди. Украина, Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа республикалар вакиллари, вилоятлардан келган қаламкашлар жам бўлишарди. Айрим ёзувчилар ҳазиллашиб, уйимизни «Ёзувчилар уюшмаси филиали» деб аташган. Икки ижодкорнинг хонадони шундай бўлса керак-да, деб ўйлардим. Онамнинг қўлларидан кагир тушмасди. Дарров ош дамлашга киришарди. Ойижоним Гулчеҳра Жўраева нафақат атоқли шоира, балки қўли ширин пазанда ҳам эди-да (умрлари узоқ бўлсин). Дадам ҳовлидан туриб жараёни бошқарарди. Ҳовлидаги супада меҳмондорчилик тунларга улашиб кетарди, биз, фарзандлар ҳам дастурхоннинг бир четида камтарона ушбу ошёнага шерик бўлар эдик. Дадам жуда меҳмондўст, адабий улфатчиликни севадиган инсон эди. Шеърхонлик кечалари, оиламиздаги адабий муҳит менга ҳам таъсирини кўрсатмай қолмади, албатта. Бошида аста-секин қораланган кичик мақолаларни дадамга кўрсатишга қўрқардим. У киши ижодда ўта қаттиқ қўл эди. Бизга доим «эпласанг, қўлингга қалам ол, бўлмаса, вақтинги зое кетказма» дерди. Шу сабаб, ҳаваскорона машқларимни аввал онажонимга кўрсатардим. Қўпинча битикларим дафтар четида ҳам қўлиб кетаверарди. Бир куним дадам ва онамнинг адабиёт, шеърят атрофидаги суҳбатлари оғушида кечса, кейинги куним рассом акам устахонасида ўтарди. Барибир, дилимдаги китобга, мутолаага муҳаббатни отам сингдирган. У киши, очикчасига, «мен китоб ўқимайдиган одамни ёмон кўраман» дерди. Бадиий адабиёт мутолааси инсоннинг тафаккури, онги ва дунёқарашини ўстиради, одамни мулоҳаза қилишга ўргатади.

Амин бўлдимки, ҳақиқатан ҳам инсондан яхши ном қолар экан. Йиллар давомида қай бир идорага ишга борсам, «Э, сен Сайёрнинг ўғлимисан» дейишар, жуда жаҳлдор раҳбар ҳам иш жараёнида бирор хатоликка йўл қўйсам, «Сайёрни ўгли бўлмаганингда...» дерди. Орқаваротдан «дадаси яхши одам бўлган» деган гапларни кўп эшитганман. Англадимки, яхши ном нафақат ўзингга, балки фарзандларингга ҳам хизмат қиларкан. Демак, инсон ҳаётда яхши ном қодиришга интилиши керак экан.

Сафарга чиқмаган, уйда бўлган чоғлари, дам олиш кунлари отам ҳовлидаги ўчоқда шўрва, ош ёки кабоб, баъзан ўзи ихтиро қилган, турли сабзавотлар аралашмасидан тайёрланадиган ва ўзи ном берган «хўплама» тайёрларди. Дадам ошпазликни ёқтирар, мен ўчоққа ўтин қалаб, ўт ёқишга ошиқардим. Овқат пишгунча, отам помидор билан пиёзни эринмасдан майда тўғраб, икки барғ райхон, бир дона булғор қалампирни қўшиб, сертузгина ажойиб «шакароб» ҳам тайёрларди. Катта ўрик тагидаги шийпонда оқшом салқинида чойлашиб, суҳбатлашиб ўтирардик. Кенжа фарзанд бўлганим учун дадам менга алоҳида муносабатда бўлган. Энг кам гап эшитадиган ҳам ўзим эдим. Жаҳли чиққанда дадам тез ёниб, яна шундай тез ўчар эди. Шунинг учун ҳам маиший масалаларда у кишини кўп безовта қилмасдик, доим онамга мурожаат қилардик.

Дадам барпо этган боғда йўқ дарахтнинг ўзи йўқ эди. Анор, ўрик, барчамиз севиб ейдиган гилос, бодом, олма, нок, олча... хозир ўйласам, шу кафтдек ҳовлига қандай қилиб шунча дарахт сиққан экан, дея ҳайрон қоламан. Ақл бовар қилмайди. Бундан ташқари дарахтлар тагига, албатта, гул экиларди: райхон, садарайхон ва ҳоказо. Бизга гулларга сув қўйиб, экинларни парваришладек масъулиятли иш топшириларди.

Болалиқда ота-онанг абадий ёнингда бўлади деб ўйларкансан киши. Аслида, кун келиб, бу омонат дунёда отангсиз яшашга ҳам ўрганиш керак экан.

Ўзбекчиликда кенжа фарзанд ота-она билан қолади. Бизда ҳам шундай бўлди. Мен дадамга ҳақиқий йўлдош эдим, доим бирга эдик. Болалик чоғларимда дадам билан вилоятма-вилоят ижодий учрашувларга бирга юрардим. Шоирни халқ жуда ардоқлар эди. Даладаги оддий деҳқон ҳам шеърни эътибор билан эшитишни, ижоддан завқ олишни биларди. Шу боис, шоирнинг боласи ҳам барчанинг ардоғидаги эркатой бўлган. Атрофида шеърсевар опалари гирди-капалак, бири мева тутади, бири бошингдан силаб эркалайди, бошқаси лаббай, деб туради. Маза экан шоирнинг фарзанди бўлиш.

Адабий учрашувлардан кейинги меҳмондорчиликниям хуш кўрардим, чунки дадам баҳонасида албатта бир совғали бўлиб кетардим-да. Бу ёғи Қора денгиз, бир ёғи Гагра ва Пицунда кирғоқлари бу ёғи Дўрмондаги ёзувчилар ижод уйи. Ҳамма ерда отамга сафардош, муҳими сирдош эдим. Дадамнинг очик феъли, одамларга ўта илиқ муомала қилиши, табиийки, атрофимиздаги чиройли опаларимни ром этарди. Улар дадамнинг атрофида «О, вы поэт? А вы пишете стихи о любви?», дея эътиборини жалб этишга ҳаракат қилишарди. Мен эса вазиятдан тўғри хулоса чиқариб, бу ҳақда онажонимга лом-мим демаслигим керак эди, албатта. Шоир севгидан, гўзалликдан илҳом олади. «Шоир ҳар доим севиш ва севилиш туйғуси билан яшаш керак» деган эди бир донишманд. Ҳаа... ўша кунлар барчаси кўз ўнгимда, худди кеча бўлгандек.

Дадам тежамкор, камхарж эди, лекин менга бунинг таъсири йўқ эди. Ҳечам эсполмайман, бирор нарса сўраганимда рад

жавоби олганимни: костоми чўнтагида доим лиқ тўла катмон бўларди. Нимадир сўрасам, албатта, «бор ўзинг керагича ол» дерди. Мен эса бунга суистеъмол қилмасликка ҳаракат қилардим. Тўғри, бир-икки танга кўпроқ олишим мумкин эди, бироқ кўшимча чақа дўстларимни музқаймоқ билан сийлашга сарфланарди.



Дадамнинг ижодкор дўстлари кўп бўлган, бу инсонлар ҳақида «Мулоқот сабоқлари» китобида батафсил ёзилган. Айниқса, Эркин Воҳидов ҳақидаги хотиралар эсимда аниқ-тиниқ қолган. Болалигимнинг кўп онлари буюк адибнинг «Хувайдо»даги ҳовлисида ўтган, десам муболага бўлмайди. Ёз бўлди, дегунча, меҳмондорчилик бошланарди. Ҳатто, Эркин амакимнинг кизи Нозима опанинг тўйида тўй кўйлаги этагини кўтариб юрганим ҳалигача эсимда. Ушбу лавҳалар фото архивда ҳам сақланиб қолган. Сўнги кунгача отамнинг ёнида турган яна икки садоқатли дўсти бор эди. Биринчи – Анвар Ҳожихонов билан аскарликда бирга хизмат қилишган экан, дадам у кишини эркалаб, негадир, Анвар «копий» дерди. Иккинчиси – адабиётни, шеърятни жуда севадиган Бахтиёр Маҳмамов. Бу инсон билан қандай дўстлашиб қолишганини қизиқиб сўрамаган эканман. Шу инсонлар ҳар доим дадамнинг ёнида, хонадонимизда, биз эса уларнинг хонадонидида меҳмон бўлардик. Мен уларни оддийгина Анвар амаки, Бахтиёр амаки, дердим. Ҳозиргача ҳам шундай. Бахтиёр амаким билан борди-келди қилиб турамыз. Мени ўғилларидек кўради. Ҳозир қирқ ёшдан ошган бўлсам, бундайин дўстга садоқатли, оилага, устозга оқибатли инсонни кўрмаганман. Одатда киши ўтиб кетгандан кейин аста-секин унинг дўстлари ҳам ғойиб бўлиб кетишади. Бу инсонлар эса бошқа тоифадан. Зеро, бошимга қийин кун тушса, яна ўша Бахтиёр амакимнинг эшигини қоқиб бораман, маслаҳат олгани. Кўпни кўрган, самимий инсон ҳар замон очик дастурхонига мени чорлайди. Узоқ суҳбат қурамыз. Шундай инсонларнинг бориш шукур. Халқда бир мақол бор, «дўстинг кимлигини айтсанг, сенинг кимлигингни айтман» деган. Демак, дадам ҳам дўстликнинг, вафонинг қадрига етган инсон эканки, атрофида шундай дўстлари бўлган.

Дадам ишсиз ўтирганини ҳеч кўрмаганман. Нафақага чиққандан кейин бироз хасталаниб қолди, юқори қон босими тез-тез безовта қиладиган бўлди, сафарларга бормаи қўйди, соғлиги кўтармади. Шунда ҳам жуда кўп китоб ўқирди. Умри давомида йиққан китобларини қайта-қайта мутлоба қиларди. Хотираси шу қадар ўткир эдики, ҳавондаги қайси китобни кўрсатсангиз, асар-

нинг боби, варағи, хатбошиларигача адашмай айтиб берарди. Очиғи, ҳайрон қолиб, бир-икки текшириб ҳам кўрганмиз, ҳеч қачон хато қилмаган.

Эрта саҳар биз уйқуда вақтимиз дадам ёруғ ошхонага чиқиб, шеър ёзарди, қоралаб қўйган шеърларини таҳрир қилиб ўтирарди. Мен у кишининг биринчи тингловчиси эдим. Яралган шеърни биринчи бўлиб менга ўқиб берарди. Хати жуда чиرويли эди, шеърни дафтарга бир текис кўчирарди. Бир кун ишхонадан кайфиятсиз келиб, дадамга шикоят қилдим. «Ширкатимизда ҳамманинг машинаси бўлса-да, нуқул менинг машинаمنى ишлатишади» десам, тонгда бир шеър битибди:

**Бизники тура-турсин,
Сеники юра-турсин,**

деган мазмунда.

Шу топқирлиғи ва ҳозиржавоблиғи учун ҳам ўзбек эстрадасининг асосчиси, буюк санъаткор Ботир Зокиров дадамни «Шеър фабрикаси» дер экан.

Отам доим боққа чиқиб, дарахтларни парвариш қиларди. Шундай кунларнинг бирида, орқа ҳовлида дадам Шредер номидаги боғдан махсус келтирилган мевали дарахтларни экишга киришди, бу ишларга мени ҳам чорлади. Шу кун бироз инжиқлигим тутган бўлса керак, болалик қилиб, дадамга «дада, сизга шу керакми, бу дарахтлар қачон катта бўлади, қачон мева беради, буларнинг мевасини қачон еймиз», деб юборибман. Шунда дадам менга оталарча меҳр билан қараб, «болам, мен емасам, сен ейсан, сен емасанг, сенинг болларинг ейди» деди. Мана, дадам ўтганига, қарийб, 20 йил бўлди. Ҳақиқатан ҳам у киши бу мевалар, ажойиб олчалар таъмини бишлишга улгурмади. Мен ва фарзандларим эса дадам эккан олчадан баҳрамандмиз. Ҳаёт ўзи доно устоз, муаллим. Ҳозир ўйлайман, ёш эдик, ҳаётда ҳали ўз йўлимизни топмаган, изланишда юрган эдик. Афсуски, кўнгил тўлгунча хизматини қилолмадик...

Кекса отасини ардоқлаб, тўрға ўтқазиб қўйган фарзандларни жуда ҳурмат қиламан. «Дадам тўқсонга кирди» деб, юрган фарзандларга ҳавасим келади. Агар отам ҳаёт бўлганда... Бир воқеа тез-тез ёдимга тушади, айниқса ўғил фарзандли бўлганимдан кейин. У вақтларда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида ишлардим. Компьютер дизайнери эдим. Ишдан кеч қайтардим, гоҳо ярим тунда келардим, соат чамаси кечаси бир ёки иккида. Шунда узокдан кўчага стол олиб чиқиб, эгнига қизил халат кийиб ўтирган отамни кўриб, очиғи, бироз жаҳлим ҳам чиқарди. Кўришиб, салом-алик қилгач, «Дада, нега уйқудан кечиб мени кутиб ўтирибсиз, ахир ёш бола емасман, ҳар кун шу вақтда келаман, шундай ўтирган бўласиз» десам, бир гап айттарди: «Э, болам, фарзандли бўлганимда биласан!». Ҳақиқатан ҳам йиллар ўтиб, фарзандли бўлиш насиб этди. Айни пайт 6 яшар ўғлим ёнимиздаги нон дўконига чиқиб кетса, аввал ойнадан кўчага термилиб тураман, келгунча сабрим чидамай, кўчага чиқаман, яна сабрим етмаса, ярим йўлгача ортидан бораман. Қайтар дунё экан, энди ўғлимнинг жаҳли чиқади, худди мен дадамга айтган гапларни менга айтади. Шунда дадамни ва ўша сузларини эслайман. Яратганга шукур, бугун менинг ишдан келишимни тунгача ухلامасдан катта ўғлим Азизбек кутади, мен уни эркалаб «отажоним» дейман. Илоҳим, занжир узилмасин, дейман. Бобом дадамни, дадам мени, мен ўғлимни, вақти келиб ўғлим фарзандини шундай кутиб ўтиришига Оллоҳнинг ўзи етгулик этсин. Ҳар йили баҳор келгани сингари, ҳар йили гилос бодродек-бодродек гуллагани каби ҳаёт занжири узилмасин, давом этаверсин, дея ният қиламан.



БИРНИ КҮРИБ ФИКР ҚИЛ...

Қатралар

ИНСОФ

Газ плитамиз яхши ишламай қолди. Уста қидириб, ажиб ҳолатларга дуч келдим. Биринчи уста инновацион экан. У «уйимга опкеб ташанг, вақтим бўлганда қарайман, бир кўриб қўйишим 300 минг бўлади. Созлансам, созланмасам шу нарх», деганидан кейин ҳафсалам пир бўлди.

Рус миллатига мансуб иккинчи устани инсофли, билмайдиган нарсаси йўқ, дейишганига рақамини топиб, дардимни айтдим. Яна бир устани мақташганди, уйига беш марта бордим, умуман тополмадим.

Охири, маҳалладаги отахонлардан бири билан гаплашиб қолиб, шу мавзуда сўз очгандим, у бир тенгдош танишининг манзилини айтди. Узоқроқда яшайди-ю, лекин ишининг пири, деди.

Топиб бордим. Йўл-йўлакай гаплашиб келдик. 73 ёшда экан, ўғил-қизлари уйли-жойли бўлиб кетганини айтиб, отахон «эрмак... зерикиб қолмаслик учун шундай ишларни қилиб турамызда, ўғлим», деб кўшимча қилди худди бу айб ишдек. Уйга келиб, 20 минутда ишни тугатган уста газни ёқиб берди: на ҳид бор, на бошқа муаммо. Обориб қўйишда ҳам гаплашиб кетдик. Икки кун олдин турилган кўнига ўғиллари машина софга қилганини айтиб қолди. Табрикладим. Уйига етгач, иш ҳақи қанча бўлади, деб сўрадим.

«Э, қўйсангчи! Шу арзимаган иш учун пул олсам, манзилимни айтган оғайнимнинг хурмати қаерда қолади!», деди.

Мен эса юқоридаги оворагарчиликлардан кейин қанча сўраса беришга тайёр эдим. Шу боис, пул олмаса, хафа бўлишимни айтдим.

«Майли, ундоқ бўлса, ўн минг сўм берақол, мингдан-минг розиман», деди.

Кўзимдан ёш чиқиб кетди. 50 мингталик бердим. Худди у киши менинг эмас, мен у кишининг мушқулини осон қилгандек узоқ дуо қилди.

Инсоф, дегани шу бўлса керак.

ҲАЛОЛЛИК

Кўчамизга қатиқ сотувчи келди. Аравачада чақалоғи, ёнида 5-6 ёшлардаги қизчаси. Бонкалар қоляска тагига жойлаштирилган. Бир литр қатиқ беш минг сўм экан. Шу пайт онаси ҳам, қизча ҳам қўшнилариинг дарвозасини тақиллатгани кетибди. Мен

билдирмай, аравача чўнтагига ўн минг солдим. Кейин бир бонка қатиқ олиб, қизчанинг кўлига беш минг бердим.

Эртасига улар яна келишди. Мабодо, сиз адашиб пул бермадингизми, ҳисоб-китобимиздан ўн минг сўм ортиқча чиқапти, дейишди.

Титраб кетдим.

Дунёни гўзаллик эмас, ҳалоллик қутқарса керак...

МАРДИКОР

Ҳовлида озгина иш бор эди, ўзимнинг вақтим йўқлигидан мардикор олиб келадиган бўлдим. Мардикорлар тўпланадиган жойда машинами тўхтатгандим, 20-30 таси бирдан ёпириди. Кўнига саксон мингдан чиқаман, нима иш бўлса, қилавераман, деди бир йигит.

Кўзларидаги қандайдир мунг мени фақат шу йигитни олиб кетишга ундади.

Одамзот қизик. Ўзи 100 мингларни чамалаб келатгандим, шундай бўлса-да, тортишдим:

— 60 минг бераман, гап тамом.

У бир муддат жим турди-ю машинага ўтирди.

Уйга келдик. Йигит кийимларини алмаштирди-да, ишни бошлади. Ярим соатлар ўтгач, совуқ чой олиб бориб, унинг кийимлари ёнига қўяётгандим, бир ёзув дастарчасига кўзим тушди.

Хусниҳати чиройлилиги эътиборимни тортди. Дафтарда «20.07.20. Ишим яхши бўлса, ойимга 20 минг, синглимга 20 минг, уйга 20 минг, майда-чуйдага 20 минг деб» ёзилган. Негадир, «уйга 20 минг» деган ёзув устига чизиқ тортилган. Демак, кела-келгунча мендан оладиган пулини ҳисоб-китоб қилган. 60 мингга кўнмаса, ишсиз қолишини ўйлаб, айланимга рози бўлган. Кейин оладиган пулининг уйга ишлатадиган қисмини ўчирган.

Одамлар бор, жарақ-жарақ пул топади, аммо синглиси ё опаси тугул туққан онасини ҳам бир йўқламайди. Акалик, укалик, фарзандлик бурчини унутиб қўйган баъзилар эса давраларда ҳеч кимга гап бермайди. Суриштирсанг, неча ака-укаси борлигини ҳам эсидан чиқарган бўлади.

Шулар ҳақида ўйларканман, ҳалол меҳнати билан топадиган пули арзимас бўлса ҳам оқибатни унутмаган мардикор йигитга тан бердим.

Тан бериш билан қорин тўярими?

Ишни тугатгач, укамизга жуда яхши ишладингиз, ҳовлимни гулдай қилиб қўйдингиз, раҳмат, деб икки ҳисса пул бердим. У аввал унамади. Энди фақат сизни опкеламан, кўлингиз гул экан, деганимдан сўнг рози бўлди, чехрасидаги мунг тарқагандай бўлди. Ва дуо қилди.

Қалби соф, ҳалол, содда одамларнинг бундай дуоларидан кейин яйраб яшайсан...

МЕҲР

Ишга келаётсам, қўшнимиз жигибийрони чиқиб, машинасини кавлаётган экан. Ҳар замонда тегиб қўйди яна. Уни бу ҳолатда кўриб ўтиб кетолмадим. Машинадан тушдим, сўрашдим. Билдикми, машинаси ўт олмаётган экан. Мундоқ қарасам, машина таги қоп-қора. Тезда моторни текширдим. Мой йўқ, тўкилиб кетган. Қўшнимга бунга тушунтирдим. Машинага улаб, маҳалламиздаги устахонагача олиб бордим. У ерда уста вазиятни кўрди, бизни эшитди ва қўшнимга тушунтирди: «Қўшнидан ёлчиган экансиз, машинани тушунаркан. Ким билади, сиз бунга кўрмай, нималар қилган бўлардингиз. Отасига раҳмат бундай қўшниларни!».

Катта йўлга чиқсам, ёш жувон икки бола билан совуқда қалтираб турибди. «Ипподромга» деди. Йўлим эди, ташлаб қўйдим. Пул узатди, олмадим. «Раҳмат, яхши инсоннинг фарзанди экансиз» деди.

Ишдан қайтишда гўшт олиш учун Чилонзор метро бекати яқинидаги бозорга тушдим. «Терминал кечки еттидан кейин ишламайди», деди уч-тўрт кун олдин нақд пулга «окажон-окажон»лаб гўшт сотган таниш йигит. Унинг муомаласи ёқмай ярим соат тортишдим. Харидорга хуш муомала бўлиш, пластик карта орқали инсталган пайтда нарса олиш мумкинлигини ўқтирмақчи бўлдим. «Бориб бунақа талабларни отанизга айтинг» деди пичоқларини бир-бирига қайраб.

Асабим бузилиб уйга келдим. Мени кутиб олган аёлим ҳол-авол сўради, чой-нон олиб келди. «Дадангизни туш кўргандим, бир руҳи покларга тиловат қилиб қўйинг, эрталаб айтмоқчи эдим, вақтли кетиб қолибсиз» деди у.

Таъсирланиб кетдим.

Бир кунда тўрт хил ҳолат: ҳар тўрт ҳолатдаям дадамни эслатишди. Гарчи қассоб йигит кўполлик қилган бўлса-да, уям падари бузрукворимни эслатди-ку барибир.

Шунинг учун уларниям ОТАсига раҳмат!

ҚАЙТАР ДУНЁ

Ҳикоя

Қадима холанинг диққатини ташқаридан янграган овоз бўлиб юборди. Китобни келган саҳифасидан хатчўп билан белгилаб, дераза тоқчасига қўйди-да, «Лаббай!» деганча ташқарига йўналди.

– Келинг, Оқибатпошша, – очик чехра билан кутиб олди Қадима хола. – Эсонмисиз, уй ичларингиз билан тинчмисиз?

Қадимахон тахмондан янги тўшак олиб солди. Зум ўтмай, этак томондан келин чиқди ва дастурхон ёзди. Меъзон аёл нон ушатди, пиёла-ларга чай қўйди. Кейин манзират қилди:

– Қани, дастурхонга марҳамат, Оқибатпошша.

– Айтмоқчи, сиз бир гапдан беҳабарсиз, чоғи, қўшни? – савол қотди дабдурустан Оқибатхон. – Бир гап айтايки, бир гап айтмай...

– Қандоқ хушхабар экан? – сўради Қадимахон, юзларида таажуб акс этиб.

– Ҳумайраҳон бор эди-ку, бойвучча хоним, эсингиздами? – дея чап кўлининг кафтини оғизга тўсиқ қилиб шивирлади у меъзонга яқин сурилиб. – Уша ўладиган касал бўбқопти! Эри ва касофат ўгли дастидан хонавайрон бўлгани камлик қилгандек, энди куни битибди!

– Астағфурилло, астағфурилло... Аввало, Ҳумайраҳонга Худойим ўзи шифо берсин. Қолаверса, беморнинг оғир аҳволидан ҳузур қилиш мусулмончиликка тўғри келмайди!

– Эсланг-чи, ўша кеккаймажон бойвучча хотин дилингизга қанчалар озор берган эди-я! Сиз эса мусулмончилик дейсиз, раҳмингиз келиб. Ҳатто бир тиланчи ўрнида кўрмасди сизни! Тагин, Қутлугмуроджондан ҳазар қиларди, «гадойвачча!» деб... Бугун акси: сиз – бой хотин, у – гадойдан баттар! Ул-а дейман, туриб-туриб, бировнинг ҳолига сен кулма зинхор, сенинг ҳам ҳолингга қулгувчилар бор!..

Қадима хола афсуснамо бош чайқади:

– Тавба қилинг, Оқибатпошша. Жудаям чакки фикр қилибсиз! Бир бандаи нотавон аёлга ўлим соғиниш – гуноҳи азим. Хайронман, ўтмишдаги унут гапларни бемазмун титқилаяпсиз. Мен кек-адоват сақламаганман бу хил гапларга. Дилингизда нима гап ўзи, англаёлмадим.

– Қўйинг-эй, бир нима деса, дарров эскачадан келасиз! Гуноҳ дейсиз, тавба-тазарру дейсиз... Энди гапнинг лўндасини эшитинг: баъзи бир обрўли аёллар эртага Ҳумайраҳонни кўргани ўтмоқчимиз. Сиз ҳам бизга кўшилинг. Бугун бошқа аёллар кетди. Сиз энди оддий аёл эмас-сиз, бой хотинсиз, ўргулай! Ҳар хил қаланги-қасангига ўхшаб юрман! Пўрим кийиниб олинг. Тилла тақинчоқлар тақиш эсдан чиқмасин тагин...

Қадимахоннинг устидан мисоли бир челек муздек сув тўнкарилгандек бўлди. Қаршида Оқибатхон эмас, мунофиқлик, риёкорлик ва тубанликнинг жирканч тимсоли тургандай, эти жунжикиб кетди.



– Оқибатхон! – деди илкис таассуф назари билан, – Ҳумайраҳондан хабар олайлик дейяпсиз, бу маъқул фикр. Бемор ҳолидан хабар олиш эзгу фазилат. Лекин, назаримда, касал кўриш орқасида бошқа маъно борга ўхшайди. Пўрим уст-бош, тилла тақинчоқ дейсиз! Ажаб, ресторанга куда чақириққа кетяпсизми?.. Агар биз жиндек мол-давлат орттирган бўлсак, бу – Оллоҳнинг бир марҳамати. Мен бошқача ният қилмаганман, Худога шукр...

Оқибатхон бир нафас лабини буриб, тўрса-йиб олди. Кейин истеҳзомуз ишшайиб деди:

– Ҳай, бошқача тушунманг-да, эгачи? Биз ҳам ҳали инсоф-виждон деган нарсалардан жа-а унчалик бенасиб қолганимиз йўқ. Лекин агар... Мабодо ўрнингизда бўлганимдами! Кўша-қўша тақинчоқлар тақволиб, Ҳумайраҳонни нақ жонини олардим! Қайтар дунё, деб қўйибдилар!..

Шаҳар четигади кўп қаватли уйлардан бири. Тўртинчи қаватда, бир хонали хонадонда ҳазин вазият ҳукм сурмоқда. Бурчақдаги қаравотда бемор ётибди. Ҳа, инсон ёзуғига нелар битилгани ёлғиз Оллоҳга аён...

Фалокат келса, кўша-қўша келади деганлари рост экан. Аввалига ташкилотдан катта камомад чиқиб, Ёндошали қулоғигача қарзга ботди. Ёлғиз ўғил, арзандан-кироманда Эргашали эса қимор ўйинидан боши чиқмай, ота-она бойлигини кўкка совурди. Ўлганнинг устига тепган деганларидек, шу кунларда Хатибхон деган бир шаллақи жувон шовқин кўтариб, «Қўлимдаги бола неварангиз бўлади, агар квартира обертмасанглар, ўзларингдан кўринглар – ўғлингизни шартта қаматиб юбораман!» деб, Ҳумайраҳоннинг жонини олди... Хуллас, ҳовли, машина сотилди. Ёндошали ака нафақат камомадни қоплади, қўшимчасига беш йилга кесилиб кетди. Бу мусибат камлик қилгандай, набокор ўғил Эргашали наркотик модда савдоси устида қўлга олинди. Келинлари Шарофатхон эрининг хиёнатини кўтара олмай икки фарзанди билан



қайтмас бўлиб чиқиб кетди. Ҳумайраҳон адо бўлди. Чекига тушгани – шу биргина уй бўлди. Шукр қилгани, боши ёстиққа текканда, қаровчисиз қолмади. Жиянлари – Раънохон билан Ўғилхон бошида парвона...

Ҳумайраҳон дим ҳаводан нафаси қайтиб, ориқдан азоб-уқубат чекиб ётибди. Бир тутагига гавдасини ҳали у ёнга, ҳали бу ёнга ташлаб, беҳуд бўлаверади.

Қадимахон эшик тугмасини босди.

Ошхонада овқатга уннаётган Раънохон эшини очди.

– Ассалому-алайкум, келинг, холажон...

– Ва алайкум ассалом, кўп жанаб, қизим, – алик олиб аёл. – Ҳумайраҳонни йўқлаб келганим...

Бемор таниш овозни эшитиб, ўзини ўнглаган бўлди. Қадима опанинг сўрашиши, юзидаги самимиятни кўриб, ўтган ишларни эслади.

– Олдингизда юзим шувут, Қадимабону. Дилингизни кўп оғритганман.

– Қўйинг, айтишга арзимайдим, – деди Қадимахон софдиллик билан, – ўзингизни бекорга койиманг. Ҳай, фаромуш бўлганимни қаранг! Овқат олиб келганим, иссиғида еб олинг. Раънохонга айтинг, дастурхон солсин...

Беморнинг юзлари чуқур миннатдорлик туйғуларидан ёришиб кетди.

– Ташақур, Қадимабону. Илоё, қўлингиз дард кўрмасин. Оллоҳ уйингизга файз-у барокот берсин. Эҳ, нақадар кўр эканман-а! Мана бу сўкир кўзлар энди очилди... – Ҳумайраҳоннинг кўзларидан баногоҳ пушаймонлик ёшлари шашқатор куйила кетди. – Сиз меҳридарё, инсонларвар, юраги соф аёл экансиз. Илоё, умрингиз узун, давлатингиз фўзун бўлсин! Сиздан бир илтимосим бор. Тўрт кунлигим борми, йўқми билмайман. Мабодо оламдан ўтар бўлсам, жиянларим ёш, ҳеч нарсани билмайди. Мени юйиб-кафанлашга бош-қош бўлсангиз...

Қадимахон, елкалари билан-силкина, даструмолини юзига босди. Хайрлашар чоғида ёстиқ остига бир даста пул қўйди:

– Қутлугмуроджон «Ҳумайра холам тезроқ овёкча турсинлар!» деб, бериб юборди...

Қадимахон уйига қайтар экан, дилини алланечук туйғулар қамраб, маҳзун хаёлга толди. «Парвардигорим, ҳеч бир бандан бу дунёдан меҳрга зор ўтмасин. Одамларга инсоф, диёнат бергин. Инсон ҳаётининг оғир кунларида фақат меҳрга суяниб яшар экан. Дунё азал-азалдан меҳр-муҳаббатдан яралганини нега гоҳида унутамиз?! Шукр, ўзингга шукр...»

Оқилжон ҒАФУРОВ,
Марғилон шаҳри

Бир қиё боқмоққа ҳожатманг эрур

*Оғзим ачитқон дам-бадам ул лаъли шаққарханд эрур,
Ваҳ-вах, туз эрмиш улки, мён қилдим гумонқим, қанд эрур.*

*Ўтсанг ғамим саҳросидин, қонлиғ кўнгул ажзосидин,
Ҳар лала барғин англақим, бир доғлиғ парқанд эрур.*

*Кўюнга мунғлуғ жонга тан, юз захм иладур хирқае
Марҳам била қўйған мамуқ ҳар ён анга пайванд эрур.*

*Мажнун кўнгул қилмас ҳаво ҳар ён ўқунгдин гўйиё
Ким, бу темур бирла йиғач ҳабсига онинг банд эрур.*

*Боққач қуёш руҳсорига андин қилурмен кўз ёши
Ким, ул мусофир ойима ҳусн ичра бас монанд эрур.*

*Ғам барқию меҳнат тунн зоянда бўлса ишқдин
Тонг йўқки, ўтқа гаҳ шарар, гоҳи тутун фарзанд эрур.*

*Дунё аруси зулфини тутқан не оғаҳ фақрдин,
Ғанж истамас улқим, йилон тутмоқ била хурсанд эрур.*

*Минг нола тортиб кўрмай ул гул васлин охир ўлганим,
Бу боғнинг булбуллари гар билсалар, хуш панд эрур.*

*Кўз учч бирла боқтингу қўйдинг Навоий кўнглини,
Билдине аниқим, бир қиё боқмоққа ҳожатманг эрур.*

билан сукун ва қарор топади. Бешинчи байтда муҳаббатнинг қамрови янада кенгайиб, осмонга қадар юксалади. Ердаги ҳолатни ўз жисму жонига қиёслаган солиқ Қуёшга назар солиб, унинг ҳарорати ва зиёсида Қуёшлар Қуёшига ўхшаш ҳолатни кўриб, кўз ёши тўқади. Одатда қуёшга назар солган ҳар қандай кишининг кўзи ёшланади, аммо шоир шунда ҳам шоирона ташбех, ошиқона ҳолатни пайқаб, ажойиб лутф билан тасаввурни янги уфқлар сари йўналтиради. Байтдаги «мусофир ой» ва Қуёш тасоуби «Насойим ул-муҳаббат»даги Шайх Абу Али Даққоқ ҳақидаги бир ҳикоятни эсга солади: «Дерпарки, охир умрида онча дард устодга муставлий бўлуи (ғалаба қилган) эрдиким, ҳар кун оқшом қарин томга чиқар эрди ва кунас (қуёш) сари боқиб айтур эрди: Эй мулк саргардони, бу кун нечук эрдинг ва нечук ўтқардинг, ҳеч ерда бу ҳадисининг андуҳгинига (ишқ ғамининг мубталосига) партав (нур, зиё) солдингму ва ҳеч ерда бу ишинг зеру зунаб бўлганларидин хабар олдингму? Бу навъ сўзлар айтур эрди, то кунас ботар эрди».

Маънолар миқёси байтдан байтга тадрижий тарзда кенгайиб, теранлашиб, ўқувчидан янада дақиқлиқ билан фикрлашга ундайди. Жумладан, навбатдаги олтинчи байтдаги «ғам барқи» ва «меҳнат тунн», «тутун» ва «шарар» сўзларида шоирона тахайюл орифона тафаккур билан омухталашиб, шарҳи юзлаб фалсафий китобларга сигмайдиган маънолар кўнгли фикрати орқали руҳ озигига айланishi имконини яратди. Барқ – ирфоний манбаларда ҳидоят тоғдан банданинг Парвардигор қурбатидан нишона берувчи қақин, солиқ йўлини бир лаҳза мунаввар этувчи ҳидоят нури, дея таърифланган. «Мирсод ул-ибод»да ёзилишича, «дастлабки ҳолларда нурлар барқ, яшин, чақин шаклида пайдо бўлур. Кўнгли қанча сайқалланса, нурлар ҳам кучайиб, қўпавверди». Имом Ғаззолий айтганидек, «киши ўзи маърифат қилган нарсанигина яхши кўра олади, билмаган нарса доим хавотир ва кўркўвга солади». Оловдан гоҳида учқун, гоҳида тутун чиққани каби, Ишқ туйфайли кўнгилда гоҳида ҳидоят нурлари чақиндек ёритиши, гоҳида машаққат ва меҳнат кечасидек зулматистон бўлиши табиий, дейди Навоий. Аммо бу Ишқ кимга, нимага қаратилган? Ким нимага таяниб, нимага муҳаббат қўйиб яшайди? Ҳамма ҳам илоҳийликка талпинадими? Табиийки, йўқ. Кимдир дунёга ошиқ, кимдир дунё Эгасига. Шу сабаб, шоир еттинчи байтда дунёталабларни илон қўриқлаб турган хазинани кўрмасдан, илон ови билан вақти чоғ бўлган кимсага ўхшатади. Тамсил Мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маънавий маснавий»сидаги бир ҳикоятни эсга солади. «Маснавий»нинг учинчи дафтарига келтирилишича, бир илон овчиси киш пайти совуқда мудраб, қаттиқ уйқуга кетган бир аждаҳони тоғдан тугтиб, Бағдодга олиб келади. Одамлар арқондаги баҳайбат аждаҳони кўриб, овчининг жасоратига офаринлар айтади. Ҳар кун бу аждаҳо томошасига турли томонлардан одамлар кела бошлайди. Туш яқинлашиб, қуёш тафтидан аждаҳо уйғонади ва овчини ҳам, томошаталаб одамларни ҳам ютиб юборади... Қўлга киритилган мол-дунё ҳам ўз мохиятига кўра, Румий тавсифлаган аждаҳога ўхшайди. Бир кунмас-бир кун бу аждаҳо албатта жунбушга келиб, овчини ҳам, бунга рағбат билдирган одамларни ҳам ўз қомига тортиши муқаррар... Шу сабабли, фақр йўлини ихтиёр этган одамларгина руҳий поклини орқали аслида аждаҳодек бўлган дунёни кўзларига ясанган келинчадек жилвалантирадиган нафси амморга офатидан омон қолишади.

Кейинги байтда Алишер Навоий мумтоз адабиётдаги аънанавий тимсоллар – гул ва булбул тазодиға мурожаат қилади. Булбулнинг ўз жинсига эмас, балки гулга мафтунлиги адабиётда кўпроқ нафсоний муҳаббатдан устун бўлган руҳият ошиқлигининг ифодаси сифатида хизмат қилади. «Ажойиб ул-махлуқот» китобида келтирилишича, булбул гунчаннинг очилишига муштоқ бўлиб, тонгача сайраб, тонгча яқин – гулнинг очилиши пайтида ухлаб қоларкан. Кўз очганида очилган гулни кўриб, бу синринг мохиятига етмаган булбулнинг изтироби янада ошаркан. Маърифатнинг асоси – Мутлақ Ҳақиқатни тўлиқ англаш имкони йўқлигини идрок этиш эканлигини ўз жонида кечган ориф шоир ўз руҳиятидаги эврилишини гулга ошиқ бўлган булбулга ўхшатади ва шу тариқа энг мураккаб руҳий кечинмани шоирона таъбир билан ифода этишга эришади.

Олимжон ДАВЛАТОВ



«Ҳақиқат асрорини мажоз йўсинида кўргүзмоқ» таврида ёзилган ушбу ғазалнинг матлабидан талаб йўлидаги ошиқнинг руҳий аҳволи тасвири бошланади. Ошиқнинг оғзи аччиқ бўлиб қолиши – ўлим талвасасига тушганининг бадийий ифодаси. Унинг бундай аҳволига тушганига сабаб – Ернинг шақархандаси, табассуми. Аммо бу ширин табассум қандай жонга ҳаловат берувчи эмас, балки тузли, тотли. Туз оғзини ачитгани каби жоннинг тузли – малаҳатли табассуми ҳам ошиқ жонини минг шўриш ва изтиробга солади. Лолақизғалдоқларнинг баҳор ёлларидан ер узра сочилиб ётиши гуосалар саҳросидаги Мажнунваш ошиқнинг пора-пора бўлган кўнглидан нишонадир. Ошиқнинг жисму жони ишқ лашқари ҳужумидан мажруҳ – мубтало кўнгилга қалқон бўлган жисми марҳамли момикларнинг кўпчилигидан дарвешлар хирқасига, ишқ ўқининг хўлжалига айланган кўнгли қафас ичра тутқун қушга ўхшаб қолибди. Орифлар султони Жунайд Бағдодий оғоҳидил дарвешларнинг ямоқли хирқасини бутун коинотни қамраб олувчи Осмонга, ямоқларини эса ой ва юлдузларга ўхшатган экан. Негаки, бундай хирқанинг ичида сурат юзидан олами сугро (кичик олам, микрокосм), маъно юзидан олами кубро (катта олам, макрокосм) пинҳондир. Буюқ Муҳаббат маъноси бўлган жон ҳам маъно юзасидан олами кубродир, негаки мохиятлар мохияти, Борлиқ жавҳари – Ишқни ўзида сизгидира олган кўнгли бошқа ўткини ҳавою ҳавас ортидан учмай, шу дард

Бошланади сўнги йўқ эртақ

ХОЙКУЛАР

Ўрганар ҳамма
Ун саккиз ёшда
Севги лисонин.

Тонг
Кунни шарҳлар
Лаҳзама-лаҳза.

Ўй сураман,
Сўнг
Сураман ўйни.

Ортимга қарайман:
Янчилган
Вақтнинг сон-саноксиз кўшини.

Кўзларинга ботган ғуссани
Ювиб юборади
Фаррош лаҳзалар.

Ўй-у хаёлларим қат-қатларидан
Сизиб чиқар эрк.
Эрка асирман.

Ой...
Бир нозанин дилбар
Юборган элчи.

Соврилди дунёларга
Ҳақ берган сармоя -
Кўнглим.

Билмабман,
Кўзларим ёши экан
Ҳақиқат.

Бўялган билан
Юқмас, асло, ранг.
Ҳақиқат шаффоф.

Манзилим сен – бир нафаслик йўл.
Қирқ йиллик нафаслар ўтди ҳам,
Етолганим йўқ.

Эртақ айтар тенг

Ёшу қарига
Эртақи бобо – Тун.

Кечиргин халқим,
Асл қиёфам –
Болалигимдир!

Ҳақиқат иккиқат.
Гумонаси –
Ёлғондан.

Она тарих!
Сен йўқотиб қўйган ҳақиқатни
Тоғиб қайтаётир фарзандинг –
Келажақ!

Йўлдаман.
Ҳамроҳим –
Соқов Ёлғизлик.

Йўл.
Йўловчи.
Йўлловчи.

Мен –
узундан-узун бир шеърни
Ўқиб борар ҳаёт – китобхон

Шеър ўқийди галма-галига
Икки шоир –
Кун ва Тун.

Бир нафасда куйлар чигиртка,
Ўз ёри-чун тўқир ишқий шеър.
Ўғирлайман у тугатган чоқ.

Бўм-бўш юрагимда
Бўм-бўш бир дунё –
Мен шеър ўқимаган кун.

Вақт – энг катта шоир.
Ҳар лаҳзаси
Достон ёки шеър.

Сотилмаган
Не қолар,
Кўнгил сотиб бўлингач?!...



Олисларга кетар тун,
Олислардан келар кун,
Олис-олисларда Сен.

Ҳамма кўнгил эшиқларига
Лойиқ келар ёлғиз шу калит –
Салом!

Кафтлар бир-бирини
Босар бағрига.
Қалблар эса жим...

Табиат,
Ер гуллар кундузи.
Осмон эса оқшом.

Гўдақ қотиб ухлар.
Бешик чайқалар ҳануз
Алла оҳангларига.

«Салом» ундирар гуллар,
Териб борар бирма-бир
«Хайр».

«Яраларим янгиланар бот,
Келтирсалар гуллар дасталаб...» –
Мотамсаро она ҳайкали.

Умр – роман тугар
Бошланади
Сўнги йўқ эртақ.

Қорачуқлар
Мен англамаган дунё ва
Дунё англамаган мен.

Тонг.
Қорақуя бўлган осмонни
Артиб чиқар Офтоб.



Умид АЛИ



МАНАС ЛЕВИЕВ



Ўзбекистон халқ артисти Муҳаббат Шамаева ижро этган «Ўрик гуллаганда» кўшиги Ўзбекистон радиосининг олтин фондидан жой олган. Ҳамид Олимжон шеъри асосида яратилган бу ашула узоқ йиллар, ҳозирги тил билан айтганда, энг хит кўшиқлардан бири бўлган. Кўпчилик унинг ижросини яхши эсласа-да, лекин муסיқаси муаллифи ким эканини билмайди. Бу кўшиқ муסיқасини Ўзбекистон халқ артисти Манас Левиев яратган.

Яна бир гап. «Ўткан кунлар», «Маҳаллада дув-дув гап», «Ёр-ёр», «Мафунингман» каби фильмларни ҳаммамиз севиб томоша қиламиз, бу кинолардаги кўплаб иборалар ёд бўлиб кетганидан, кўпчилигимиз тез-тез такорлаб тураемиз, актёрларни овозидан таниймиш. Афсуски, бу фильмларга томошабинни ларзага соладиган, ўйлантирадиган, ҳаяжонлантирадиган муסיқалар ёзган композиторни ҳар доим ҳам эслайвермаймиз. Мазкур киноленталар муסיқаси муаллифи ҳам Манас Левиев.

Аслида халқнинг дилида ва тилида узоқ яшаб қоладиган муסיқа, кўшиқ яратиш осон иш эмас. Бундай саодат айрича истеъдод соҳибларигагина насиб этади. Шундай бахтга муяссар композиторлардан бири Манас

Левиевдир. У 1912 йил 25 июль куни Наманганда Беньямин Мордухаев ва Блория Левиевалар оиласида дунёга келган.

Манаснинг онаси Блория уй бекаси эди, отаси Беньямин тикувчилик билан шуғулланарди. Намангандаги бошқа серфарзанд оилалар каби бу хонадонда ҳам 11 ўғил-қиз тарбияланарди. Бўлажак композиторда муסיқага муҳаббат уйғонишида онаси ҳамда акалари Рубен, Эзро ва Ягудларнинг ҳиссаси катта. Жозибали овоз соҳибаси бўлмиш она фарзандларига алла, лапар, ўзбек фольклори ва мумтоз кўшиқларидан парчалар айтиб берарди. Кечқурунлари доира чалиб, дутор чертиб, кўшиқ куйлаш оилада акаларга айланган. Бундай концертларга таниш-билиш, қариндош, кўни-кўшни келиб турарди. Қолаверса, ёш Манас чойхона, тўй-ҳашамда ҳам ҳофиз ва санъаткорлар ижросини берилиб тинглар, уларга ҳавас қилиб ўзи ҳам кўшиқ куйларди. У саккиз ёшида ўқишга боради, мактабда ташкил этилган ансамблга қатнай бошлайди ва қисқа муддатда гуруҳнинг етакчи яккахон хонандасига айланади.

1922 йилда Левиевлар оиласи Самарқандга кўчиб келади. Бу қадимий шаҳарда Манас бир йўла иккита – «Турон» ўзбек

мактаби ва 26-яхудий-тожик мактабида таълим олади. Композитор кейинчалик бу даврни шундай эслади: «Самарқанд ўзининг қадимий меъморлик обидалари, хунармандлари, савдо расталари, айниқса муסיқа ва театр маданияти билан мени мафтун этди, руҳий-маънавий шаклланишимда муносиб роль ўйнади». Самарқандда у ёш бўлишига қарамай, «Найчилар» гуруҳини, кейинроқ «Шарқ» қолғу дастасини тузади ва кўп йиллар давомида шу жамоаларга бадий раҳбарлик қилади.

Бухоро амири Саид Олимхоннинг кўшиқчи бўлган таниқли ҳофиз Леви Бобохонов 1926 йилда Самарқандга гастролга келади ва ёш Манасдаги иқтидорни сезади. Унинг дутор ва найда чалган куйларини тинглаб, муסיқа билан жиддий шуғулланиши маслаҳат беради, ёрдам кўрсатишга тайёр эканини айтади. Бу пайтга келиб Манас самарқандлик муסיқа даргалари ака-ука Толмасовлар, Муллақандовлар, машхур танбурчи Мурдахай Бараев билан яқиндан танишади, улардан ижрочилик маҳорати, санъат сир-асорини ўрганади. Ҳофизлардан олган «оқ фотиҳаси» билан ўз истеъдодини намойиш эта бошлайди ва бастакорликда самарали ишланиш олиб боради. Орадан тўрт йил ўтган, Манас бўлғуси композиторлар Мухтор Ашрафий, Мутал Бурхонов, Толибжон Содиқов каби ижодкорлар даврасига қўшилади – Самарқанд муסיқа ва хореография институтига ўқишга кириб, улар билан бирга ўқийди. Бу ерда таниқли санъат усталари А.Умурзоқов, М.Харратов, Д.Ибодов, А.Умаров, А.Исмоилов, машхур назарётчи, муסיқашунос Н.Мироновдан сабоқ олади.

Муסיқага бўлган иштиёқ М.Левиевни 1933 йили Ленинградга етаклайди. У Му-

ДОИРА ДЕГАНДА ЎЗБЕКИСТОН ЁДГА ОЛИНСА

«Аббос» миллий созлар ансамблини кўпчилик яхши билади. Карнай, сурнай, доира, қўшнай, қайроқ сингари созларнинг зўзал имкониятларини намойиш қилиб, халқимиз олқишига сазовор бўлган ушбу гуруҳни Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Аббос Қосимов тўзган. Болалигидан устоз санъаткорлар даврасида юриб камолга етган, ўстирилизидеяёқ қатор танловларда мундифақиятли қатнашган бу ижодкор ўн беш йилдирки, жаҳоннинг бир қатор давлатларида миллий доира санъатимизга оид мактаб ва анъаналарни муסיқа ихлосмандлари эътиборига ҳавола этиб келмоқда. Жорий йил 6 февраль куни пойтахтимиздаги «Халқлар дўстлиги» саройида бўлиб ўтган «Зарб-шоу» муסיқий дастури санъаткорининг кўп йиллик ишланишлари самараси, хорижлик – Америка, Туркия, Канада, Англия, Озарбайжон ва Тожикистондан келган ҳамкасб дўстлари билан ҳамкорликдаги ўзига хос ижодий лойиҳаларидан бири бўлди.

Биз Аббос Қосимов ва санъатшунос журналист Матлуба Темур қизи билан созанданинг ижодий фаолияти ҳақида онлайн мулоқот қилдик.

– Аббос ака, доира сози анча узоқ тарихга эга ва бу йўналишда ном қозонган санъаткорлар ҳам кўп. Сизнинг ушбу созга қизиқишингизга ким еки нима сабаб бўлган?

– Созандалар оиласида улғайганман. Дадам, амакиларим турпи миллий қолғулар ижросини бўлишган. Акаларим оиламиздан битта доирачи ҳам чиқсин деб, мени Ўзбекистон халқ артисти Тўйчи Иноғомовга шогирдликка беришган. Устоз санъаткор кўлида доира усули силарини ўргана бошладим. Афсуски, у кишидан кўп сабоқ олишга улгурмадим, оламдан ўтдилар. Тўйчи аканнинг энг кенжа шогирди бўлиб қолдим. Кейин ака-ука Исломовлар мактабига борганман. Маъмурижон Ваҳобов, Рустам қори Турсуновлардан мураккаб ижро йўлларини ўргандим. Олган сабоқларим Тошкент давлат санъат ва маданият институтида янада мустаҳкамланди. Бу ерда профессор Одил Камолмуҳаевдан доиранинг нота ёзуви, кўшиқ ва ашулаларга усул бериш, умуман, муסיқа сир-асорларини ҳақида янада кўпроқ илм олдим...

– Аббос Қосимов оддийликдан қочиб, мураккаб ижро йўлини танлади, – дейди Матлуба Темур қизи. – У доира созини «сўзлатиш», «сайратиш» билан чекланиб қолмади, балки кўй руҳият озғич экани, маъно ўфдаллаши кераклигини анелади. Шу тариқа «мураккаб ижро йўли» усулида ўзини синов кўрди. У ўнг қўлда бир усул, чап қўлда бошқа ва оёқда бошқа усулни бир вақтда чала олади, чалгиб кетмайди. Мухими, доира созини фақат усул ушлаб турувчи восита эмас, бирламчи саз сифатида майдонга олиб чиқа билди. Карнай, сурнай, доира, қўшнай, қайроқ сингари ўзбек миллий созларининг имконияти нақадар кенглигини ва улар жўрлигида яхлит ансамбл яратиш, нафақат ўзбек миллий куйларини, балки жаҳон халқларининг муסיқасини ҳам маҳорат билан ижро этиш мумкинлигини исботлади.

– Сиз яратган куйлар Наврўз тантаналарида, кўнгина тadbирларда ижро этилди, ҳозир ҳам ижро этилади. Илк тароналарингиз яратилган йилларни эсга олсангиз...

согорский номидаги муסיқа техникумига ўқишга қиради. Нева бўйидаги шаҳар ва симфоник оркестр ижросидаги Чайковский, Бетховен асарларини тинглаш Манас Левиев тасаввурини бутунлай ўзгартириб юборади.

«Қўларимдан ёш оқарди, – деб эслайди кейинчалик у ўша концертни. – Тасаввурим алғов-далғов бўлиб кетган, гўё, қанот қоқиб самода учиб юрардим».

Бу ҳиссиёт ёш муסיқачини узоқ муддат тарк этмайди. Унинг «Нурхон» симфоник поэмаси машҳур Ленинград филармонияси симфоник оркестри томонидан ижро этилиши ёш композиторни янги ижодий ишларга ундади. Айнан шу асари билан у Ленинград давлат консерваториясининг композиторлик бўлимига ўқишга қабул қилинади. Кириш имтиҳонини М.Гнесин олади, поэмани фортепианода буюк композитор Дмитрий Шостакович ижро этади.

М.Левиевнинг консерваториядаги ўқитувчиси Х.Кушнарев ўз шогирдига тўғри йўлланма бериш учун ўзи аввал ўзбек халқ муסיқасини ўрганишга қарор қилади. Икки ой Манас ўқитувчисига дутор ва найда ўзбек мумтоз муסיқаларини чалиб беради, шундан сўнг устози унга дунё композиторлари ижодини ўргатишни бошлайди. Консерваторияда таҳсил олган давридаёқ у «Қизил ва оқ гул», «Ойдин кечалар» каби бир қатор ўзбек халқ қўшиқларини нотага солади.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганда М.Левиев Ленинградда эди. Консерваториянинг бошқа кўплаб талабалари қатори кўнгиллилар сафида фронтга отланади. У хизматни 265-пулемётчилар батальонида бошлайди. У фронтда қаттиқ жароҳат олади ва Тошкентга жўнатилади. Госпиталда ётганида биринчи ҳарбий қўшиғи – «Ленинград

учун»ни ёзади. Бу асар кейинчалик фронтда кўп бор ижро этилади.

Тошкентга қайтган, М.Левиев муסיқа билан жиддий шугўлланади. Гафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин каби шoir ва ёзувчилар билан ҳамкорликда ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида қўшиқлар яратади. Мақсуд Шайхзода пьесаси асосида саҳнага қўйилган «Жалолдин» спектаклига муסיқа басталайди. Композиторнинг «Озод юрт қизи», «Ўзбек ўғлони», «Ватан кутади», «Фаргона», «Тинчлик учун», «Боглар» каби асарлари ҳам ўша йилларда яратилган.

Ўтган асрнинг 50-70-йилларида Манас Левиев ижоди гуллаб-яшнади. Бу пайтда у Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси бадий кенгашида, Муқимий номидаги муסיқали театр фаолиятида фаол иштирок этади. 1955 йил республика Композиторлар уюшмаси масъул котиби лавозимига тайинланди.

Манас Левиевнинг вальсларга меҳри бўлакча эди. У айнан шундай, қалбга яқин ритм туфайли ҳаёт гармонияси, гўзаллиги, қувонч ва ташвишларини ифодалаш мумкин, деб ҳисобларди. Ҳақиқатан ҳам унинг 20 га яқин саҳна асари, 7 кинофильм учун ёзган муסיқаси, кўплаб контаталари, юзлаб қўшиқлари нафақат миллий колорити, балки вальсга мос ритмга бой хуш оҳанги, майинлиги, латифлиги билан ҳам ажрალიб туради.

«Левиев – бутун иқтидори, ижоди ва ижтимоий фаолиятини кўп миллатли муסיқа санъатимизни ривожлантиришга бағишлаган бахтли санъаткордир», деб ёзган муסיқашунос Аҳмад Жабборов.

Манас Левиев «Ёрқин йўл», «Оқ олтин»

номли контаталар, Алишер Навоий асари асосида «Сухайл ва Меҳри» балетини ёзган. «Семурғ», «Шоҳи сўзана», «Ҳамза», «Холисхон», «Мирзо Улуғбек» драматик спектаклларга, «Тошболта ошиқ» «Кимга тўй, кимга аза», «Замонали ва Омонали», «Қизил рўмонга ўралган терак», «Тошкентнинг нозанин маликаси» каби комедияларга куй басталаган.

Унинг «Сен менинг бахтимсан», «Тонг»,




«Булбул носаси», «Сенинг гўзаллигинг», «Мен бахтлиман», «Гул», «Лола» романслари ҳамон севиб тингланади.

Манас Левиев 1990 йили вафот этди. Унинг улкан ижодий мероси бугун муסיқа санъатимиз ҳақиқий дурдонасига айланган. Композиторнинг романс ва қўшиқлари республика телевидение ва радиосида, театр саҳналарида ҳануз янграб туради. Бу улкан санъаткор ижодининг нақадар бетакрор ва умри боқий эканидан далолатдир.

Б. УММАТОВ

– Ҳа, бунга йигирма йил бўлди. 1998 йилда «Аббос» гуруҳини ташкил қилган бўлсак, 2000 йилда илк бор ансамбл билан катта саҳнада «Баҳор таронаси»ни ижро этдик. Шундан кейин бир қатор янги куйлар яратилди. Шу билан бирга, «Дунё овози», «По-пури», Майкл Жексон қўшиқларига басталанган куйлар миллий



муסיқага мосланиб, доирада қочиримлар, тескари зарб усулидаги янги ижролар туғилди...

– Бундай янгиликлар ўзбек доира санъатида бурилиш ясади десак, муболага бўлмайди, – дейди Матлуба опа. – Ушбу топилма ва янгиликдан санъат аҳли қувонди, албатта. Очигини айтиш керак, кейинги ташкил этилган баъзи гуруҳлар ташқи қиёфага, ялтур-юлтур либосларга эътибор қаратди, аммо ўзлари биронта мустақил, профессионал муסיқий асар ярата

олишмади. Тўғри, яратилган ижод намунаси халқ мулки ҳисобланади. Аммо янги гуруҳлар фойдаланганга кўнине мулк эгасини, муаллифлик ҳуқуқини ҳурмат қилиш, эътироф этиш зарур. Зеро, Аббос Қосимов миллий ифтихоримиз бўлган мумтоз куйларимизни қўйилмақом ижро этиб, эл назарига туширган санъаткор. Хонанда нари борса иккита қўшиқни созандасиз айта олиши мумкин. А.Қосимов эса моҳир созанда икки ярим–уч соатлаб концерт бериши мумкинлигини амалда қўрсатди. Бугун ўзбек муסיқасининг жозибасини дунё концерт залларида баралла таратиб келяпти. Ҳар гал дунё саҳнасига чиққанида бошида дўппи, қўлида давлатимиз байроғи ва албатта, доира созини кўтарганча миллий оҳанглари мароқ билан ижро этиши унинг одатига айланган.

– Аббос ака, меҳнатларингиз давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. 2001 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилди. Ансамблингиз шуҳрат қозонган бир даврда нега чет элда ишлаш истаги туғилди?

– Ҳа, тўғри, кетган йилларим мен ҳам ўзимга шундай савол берганман. Чунки барини қайтадан бошлаш жуда оғир бўлган. Ўз юртимизда ҳар кун тўйу тантана, айтганингиздай шуҳрат топан бир вақтда ҳаммасидан кечиб кетиш учун жиддий сабаб бўлиши керак эди. Санъатнинг шу турига қизиқиш пайдо бўлиб, анча-мунча сир-асрорларини ўрганиш билан бирга менда доира созини бутун дунёга танитиш орузи туғилган. Ҳиндларда табла, араблар ва туркларда дарбуга, Африкада жамби, Америка ва Европада барабан созлари борки, уларни бутун дунё билди. Шулар қаторида ўзбек доирасини ҳам дунё танишини, ушбу сознинг имкониятлари ҳам улардан қолишмаслигини кўрсатиш ниятим бор эди. Бунинг устига ҳамisha орқа планда бўлиб келган доирани «сола» чоғлу асбоби сифатида биринчи планга олиб чиқиш истагида ишлаб бошладим.

(Давоми 40-41-бетларда)



ДМИТРИЙ ШОСТАКОВИЧ

У 20 ёшида оламга танилиб бўлган эди. Уша пайтдаёқ унинг асарлари Европа ва АҚШ санъат мухлисларини ўзига мафтун этганди. Орадан 10 йил ўтгач, опера ва балетлари жаҳоннинг йирик театрларини забт этди. Гап буюк рус композитори Дмитрий Шостакович ҳақида борапти. Композитор яшаган йилларни замондошлари рус ва жаҳон муסיқасининг олтин даври, деб атайдди.

Дмитрий Шостакович 1906 йилда Санкт-Петербургда дунёга келади. Отаси муҳандис бўлса-да, муסיқани жуда яхши кўради. Онаси пианиночи эди. У дастлабки фортепиано дарсларини онасидан олган. 11 ёшида Дмитрий хусусий муסיқа мактабига қатнай бошлаган. Муסיқа муаллимлари унинг юксак иқтидор, ажойиб қобилият эгаси эканлигини таъкидлашган.

13 ёшида Дмитрий Петроград консерваториясининг фортепиано симфига қабул қилинади, орадан икки йил ўтгач композиция факультетига ўтказилади.

Шостакович 1923 йили Биринчи симфонияси устида иш бошлайди. Бу унинг диплом иши эди. Асар тақдими 1926 йил Ленинградда бўлиб ўтади. Бу тадбирни композитор шундай эслайди: «Симфония кечаси жуда мароқли ўтди. Асар зўр ижро этилди. Мен беш марта сахнага чиқиб, томошабинларга миннатдорлик билдирдим. Хуллас, ҳаммаси ниҳоятда ажойиб якунланди».

Тез орада ушбу симфония доврўғи мамлакатдан ташқарига ҳам ёйилади. Орадан бир йил ўтгач, Шостакович Варшавада ташкил этилган Шопен номидаги биринчи халқро пианиночилар танловида иштирок этади. Танлов ҳайъати аъзоларидан бири, дирижёр ва композитор Бруно Вальтер ёш Дмитрийга симфония партитурасини Берлинга, ўзига жўнатишини илтимос қилади. Шундай қилиб уни Германия ва АҚШда ижро эта бошлашади. Орадан кўп ўтмай, Шостаковичнинг Биринчи симфонияси дунёнинг кўплаб оркестрлари репертуаридан ўрин олади.

«Унинг Биринчи симфониясини беғубор ёшлик, ҳушчақчақлик ҳақида, деб ўйланганлар адашган эди... Асарда шундай драматизм яширинганки, буни 19 ёшли йигит ҳиқ этишини тасаввур қилиш қийин. Уни ҳамма жойда ижро этишарди. Дунёнинг бирор мамлақати йўқ эдики, бу асар жанангламаган бўлса», деган эди таниқли киноре-

жиссёр ва сценарист Лео Арнштам.

Композитор 1932 йилда «Мценск уезди ледиси Макбет» операсини ёзади. Бу асарни «Катерина Измайлова» номи билан сахналаштиришади. Икки йилда асар Москва ва Петербург шаҳарлари театрлари сахнасида 200 марта қўйилади, Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари театрлари репертуаридан ҳам жой олади.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганда Дмитрий Шостакович Ленинградда эди. У консерваторияда профессор лавозимида ишлаш билан бирга, кўнгилли ўт ўчирувчилар гуруҳида ҳам қизмат қилар, консерватория томига тушган ёндирувчи бомбаларни ўчирарди. Хотини, ўғли ва қизи Куйбишев шахрига кўчирилганди. Навбатчилик пайтлари у ўзининг машҳур Еттинчи («Ленинграднома») симфониясини ёзишни бошлайди ва уни 1941 йил декабрида ниҳоясига етказди.

«Уруш бошланганда отам Ленинградда қолди, мен, онам ва синглим учовимиз кўчирилдик... Биз кичкина ҳарбий самолётда парвов қилдик. Ҳарбий юклар солинган қоплар орасида ўтириб олганча, пастда назар ташлардим. Пастда оқ булутчалар пайдо бўларди. Мен учувчидан улар нима эканини сўраганимда, у шундай деди: «Улар бизни отишяпти». Шунда тушундимки, пастдан зенит ва пушқадан отилган ўқ, юқоридан худди булутга ўхшаб кўринаркан», дея эслайди ўша кунларни композиторнинг ўғли Максим Шостакович.

«Ленинграднома» симфонияси биринчи марта 1942 йилда Куйбишев шахрига кўчган Большой театр оркестри томонидан ижро этилади. Бир неча кундан сўнг симфония Кремлнинг Колонна залида янграйди.

1942 йил августда Еттинчи симфония қамалдаги Ленинградда ижро этилади. Оркестрнинг икки таркиби учун ёзилган бу асарни ижро этишга муסיқачилар фронтдан қақриб олинади. 80 дақиқа давом этган концерт тўғридан-тўғри радио орқали эфирга узатилади, уни уйларда, кўчаларда, фронтда эшитишади.

Еттинчи симфония тезда дунёни забт этади. Нью-Йоркда нашр этиладиган «Time» журнали муқовасида Шостаковичнинг расми босилади. Суратда композитор ўт ўчирувчи кийимида эди. Сурат тағига қуйидаги тағ сўз ёзилганди: «Ўт ўчирувчи Шостакович Ленинградда ёғилаётган бомбалар остида ғалаба садосини эшитди». Асарнинг

ДОИРА ДЕГАНДА ЎЗБЕКИСТОН ЁДГА ОЛИНСА

(Бошланиши 38-39-бетларда)

2003 йилда Тайванда ўтказилган муסיқа фестивалида юртимизнинг бошқа санъаткорлари билан бирга ансамблимиз ҳам иштирок этди. Бу тадбирда Америкадан келган ижрочилар ҳам бор эди. Улар созандаларимиз маҳоратига, истеъдодига, санъатига қизиқиб, ижодий ҳамкорлик таклифини билдиришди. Шундай қилиб, 2005 йилда АҚШга кетдим. Бу ерда конги-бонги сози ижрочиси Жавани Хидаго, барабан усталари Терри Боззо ва Стив Смисс, созандалар Умар Сосо, Хумоюн Шаҳи билан басма-бас сахнада миллий куйлар чалиб юрдим. Аввалига тил ўрганишга тўғри келди. Бегона юрт, хали ҳеч ким танимайдиган бир вазият эди. Дастлаб бепул концертлар уюштирганимиз. Секин-аста ижодимиз, санъатимиз ва созимизга қизиқадиганлар, шогирдлар кўпайган. Кейин ҳинд табла созининг уста ижрочиси Зекир Хусайн билан ҳамкорликни бошладик. У билан кўплаб концерт дастурларида қатнашдик. Ҳозир ҳам бирга ижод қилиб келяпмиз...

— Бир вақтлар (1935 йилда) Анг-лянинг «Альберт Холл» концерт залида ҳассос санъаткор Уста Олим Комилов концерт бериб, Англия

қироличасини ҳайратга солган. Қиролича доира сози устасининг бармоқларидан нусха олиб, гипс қилдириб, Англия музейида сақлашни буюрган. Ана шу муҳташам 6 минг кишилик санъат саройига ўзбек санъаткорлари орасида Уста Олим Комиловдан кейин Аббос Қосимовнига қадими етди ва муסיқий чиқишлари билан томошабин олқишига сазовор бўлди. 2006 йилда Сан Францискода бўлиб ўтган урма асбоб ва рақс фестивалида америкалик Тара хоним (ўзбек миллий рақслари ижрочиси) билан «Йилнинг энг зўр урма асбоб устаси ва рақсчиси» номинациясига эва бўлиб, биринчи ўринни кўлга киритди. Ўзбек санъатини дунёга ёйишда Аббос Қосимовнинг хизматлари катта. У 2007 йили Тайвандаги концертида Хитой симфоник оркестри билан «Норин-норин», «Дилхирож», 2015 йилда Дубайда Хон Конг оркестри билан «Наврўз», «Дилхирож» куйларини ижро этди. Уша йили Швейцариянинг Женева, Португалиянинг Лиссабон, Туркиянинг Истанбул шаҳарларида ҳам концерт дастурларини намойиш этишга муваффақ бўлди. Буларнинг бари катта меҳнат талаб қилади. Жорий йил бошида мамлакатимизга келиб, ўзбек томошабинлари учун уюштирган катта концерт дастури буни яна бир бор тасдиқлади. Уч ярим соат фақат созлар билан жонли ижрода тўрт ярим минг томошабиннинг диққат-эътиборини ушлаб туришининг ўзи бўлмайди, — дейди Матлуба Темир қизи.

— Хорижда ўтган ўн беш йиллик фаолиятингиз самараси, у ердаги шогирдларингиз ва ўзбек созига бўлган муносабат барча учун қизиқ...

— Ҳеч бир иш бирдан натижа бермайди. Аввалига ич-ичимда икки

АҚШда жуда машхур бўлиб кетганини шундан билиш мумкинки, у 1942-1943 йиллар давомида мамлакат концерт залларида 60 мартадан кўпроқ янгради. Америкалик шоир Карл Сэндберг Шостаковичга йўллаган шеърли мактуби муқаддимасида шундай ёзган эди:

«Утган яқшанба кuni Еттинчи симфониянгиз бутун Америка бўйлаб янгради. Сизнинг мусиқангиз дунёда инсон руҳи ва эркинлиги хазинасига ўз хисасини қўшиш учун курашаётган буюк, мағрур ва энгилмас халқ ҳақида ҳикоя қилади».

1948 йили Дмитрий Шостакович, Сергей Прокофьев ва Арам Хачатурян формализм, Ғарбга сизинишда айбланади ва уни Москва консерваториясидан ишдан бўшатишди, мусиқаси тақиқлаб қўйилди.

«Мен у даврларни яхши эсламан, дейди Максим Шостакович ВВСга берган интервьюсида. – Петербург яқинидаги Комарово посёлкасида дала ҳовлимиз бўларди. Бу бизнинг шахсий дала ҳовлимиз эмас, ота-онам Комарова дала ҳовли трестидан ижарага олган эди. 1948 йилги ўша кўркинчи воқеа содир бўлганда биз шу дала ҳовлида яшар эдик. У ерда фин ана-аналарига асосан, уйимизнинг тўрт томони очик, девор билан ўралмаганиди. Давлат идораси вакиллари дам олишга келганда бизнинг ҳовлимиздан ўтишарди. Бу идора прокуратура эди. Ўша прокурорлар ўйимиз олдида ўтаётганда: «Эй, халқ душмани! Буёққа қара, халққа қарши юзингни бир кўриб қўяйлик» деб бақирганини ўзим эшитганман.

Машхур мусиқачи Мстислав Ростропович ўша кунлар ҳақида шундай ёзади: «1948 йили биз консерваторияга келиб доскада шундай эълонни кўрдик: «Д. Д. Шостакович профессорлик талабига нолайиқлиги учун энди композитсия синфи бўйича профессор эмас». Бундай хўрликни мен ҳеч қачон бошимдан ўтказиб кўрмаганман».

Бир йилдан кейин ундан тақиқлар олиб ташланади ва совет маданияти арбоблари таркибида АҚШга боради. 1950 йил Лейпцигга ўтадиган Бах номидида танлов ҳайъати аъзоси бўлади. Шостакович немис композитори Бах ижодидан илҳомланарди. «Мусиқа даҳоси Бах менга жуда яқин...Ҳар кун мен унинг бирор асарини ижро этман. Бу мен учун зарур эҳтиёж ва Бах мусиқаси билан доимий алоқа менга жуда кўн нарса беради», деб ёзган эди.

1957 йилда Шостакович иттифоқ Композиторлар уюшмасининг масъул котиби бўлади, 1960 йили Россия Композиторлар уюшмасига раис этиб сайланади. Ўша пайтда Анна Ахматова унга совға қилган китобига шундай сўзларни ёзган: «Мен яшаётган давр эгаси Дмитрий Дмитриевич Шостаковичга».



Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб у шоирлар Райнер Мария Рильке, Вильгелм Кюхельбекер шеърлари асосида кўплаб симфониялар, Мария Цветаева асарлари асосида бир неча романс, Микеланжело сўзи асосида сюиталар ёзади. Балет, опера ва симфоник асарлардан ташқари «Оддий одамлар», «Ёш гвардия», «Ҳамлет» бадиий фильмларига, «Қўғирчоқлар ўйини», «Аҳмоқ сичқонча ҳақида эртак» мультфильмларига мусиқа басталайди.

Дмитрий Шостаковични ўз марта уйланган. Биринчи турмуш ўртоғи Нина Вазирдан икки фарзанди – қизи Галина ва ўғли Максим бор. Қизи Галина биолог-биохимик, Корней Чуковскийнинг неварасига турмушга чиққан.

Ўғли Максим отасининг йўлидан кетади. Ленинград ва Москва консерваторияларини тугатган, кўп йиллар Бутуниттифоқ радио ва телевидение кўмитаси оркесторини бошқаради, Россияда хизмат кўрсатган артист унвонига эга бўлади. 1981 йили Германияга гастрол сафари чоғида сиёсий бошлана сўрайди ва 1997 йилгача АҚШда яшайди. Айни пайт Россиянинг Павловск шаҳрида истикомат қилади.

Д. Шостакович 15 симфония, 6 концерт, 3 опера, 3 балет, кўплаб камер асарлари, шунингдек, бир неча кинофильм ва спектакллар учун мусиқа яратган. У санъатшунослик доктори, профессор, СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, СССР давлат мукофоти лауреати, Глинка номидаги РСФСР давлат мукофоти лауреатидир.

Д.Шостакович ўзбекистонлик санъаткорлар билан яқин ижодий алоқада бўлган.

Машхур ўзбек композитори Манас Левиев Ленинград консерваториясига ўқишга кираётганда «Нурхон» симфоник поэмасини Дмитрий Шостакович фортепианода ижро этганини фахр билан эслайди. Фашистларга қарши кураш рамзига айланган «Ленинграднома» симфонияси 1942 йил 22 июнь кuni Тошкентда ижро этилган. Унинг барча симфониялари, «Ойимқиз ва безори» балети, концертлари, камер мусиқалари Тошкентда кўп бор янраган. Композитор 1959, 1960, 1964 йилларда Ўзбекистонда бўлган. М.Бурханов, А.Жабборов, Ф.Янов-Яновский билан яқин дўст тутинган. Унинг асарлари кўплаб замонавий ўзбек композиторлари И.Ақбаров, М.Тожиев, Т.Қурбонов, М.Махмудов ва бошқалар ижодига илҳобий таъсир ўтказган.

Композитор 1975 йил Москвада вафот этди. У рус ва жаҳон мусиқаси даргаларидан бири сифатида тарихда қолди.

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ

овоз баҳслашгандай бўларди. Бирини она Ватанидаги тўкин-сочин ҳаёт, обрў-эътибордан кечиб нима қиласан бегона юрда, дея танбех берса, иккинчиси, қайси ниятда келганини эсла, наҳот орзуингдан воз кечсанг, деб далда беради. Иккинчиси голиб келди. Астойдил қилинган меҳнатнинг мевасини бир кун тотиб кўраркансиз. Америкада, Хитойда, Тайванда мактаблар очганими. Тайванда тўрт уздан зиёд шоғирдларим бор. Уларга дастлаб бир семестр тўлиқ дарс ўтилди. Ўқув кўлланмалари чоп этирдим. Ҳозир ҳамма шоғирдларим билан ҳамкорлик қилиб турибмиз. Дарс жараёнида аввало устозлар тилга олинади. Уста Олим Комилов, Тўйчи Иноғомов ва бошқа йирик санъаткорларнинг ҳаёти ва ижодидан бошлаб, ўзбекона устоз-шоғирд аъналарини ўргатамиз. Шоғирд аввало одоб-нон ўрганиши зарурлигини таъкидлаймиш. Чунки бизга ҳам устозларимиз шундай ўргатишган. Ўтган йиллар давомида ушбу талаб нечоғли ҳақли эканини кўрдим: одоб-ахлоқи ўз ўрнида бўлган одамгина яхши санъаткор бўлади ва қаерда бўлмасин элнинг назарига тошади. АҚШдаги биринчи шоғирдим Эльби худди ўзбек шоғирдларимдек бўлиб қолди. Концертларда ҳамма ишчи ўзи ташкил қилиб, доираю тўнларимгача ўрни-ўрнига қўйишни билади.

Хорижлик ҳамкорларим билан шунча йиллик фаолиятим самарасини кўрсатиш мақсадида жорий йилнинг 6 февраль кuni катта концерт дастурини намойиш этдик. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганимда мусиқачиларнинг алоҳида концертларида иштирок этганман ва буни Ўзбекистонда ҳам тарғиб қилишни ният қилганим. Шукур, халқимиз яхши кўпти олди.

– Бу йиллар ичида «Аббос» гуруҳи фаолияти нима бўлди? Кейинги режалар қандай?

– Ансамбл фаолияти давом этапти, албатта. Чет элга кетаётди, гуруҳни шоғирдим Равшанжон Нуносовга топширган эдим. Уларга маслаҳат, йўл-йўриқ бериб турдим. Ўзлари ҳам ижод қилиб, янги куйлар яратишди. Бу орада ансамбл Гонконг, Тайван ва АҚШда утган фестивалларда иштирок этди. Гуруҳ аъзоларидан бири жияним Умиджон Эшонхўжаев билан Хитойнинг бир неча шаҳарларидаги университетларда дарс бердик, дарслар сўнигда катта концерт уюштирилди. Кейинги режаларимга келсак, ҳозирги фаолиятимни кенгайтириш, яъни доира деганда Ўзбекистон ёгда олиниши учун ушбу сўз қилиб бормаган давлатлар, халқларга уни танитишда давом этман. Бундан ташқари, Ўзбекистонга қайтиб, хорижда орттирган тажрибам ва ўзим ижод қилган янги йўналишларни ўргатадиган мактаб очиб ниятман бор. Бугунги кўпгина ёш доирачилар куйларни аудио, видеодан эшитиб ўрганишяпти. Мен ёшларнинг мукаммал санъат – мураккаб зарб усулларини ноталар орқали ўрганишларини истардим. Насиб этса, бу мактабда нафақат доира, балки бошқа халқлар созлари силрлани ҳам ўргатилади...

Зарбли созлар кўпайгани сари доира қилиб кетади, деган гаплар ҳам бўлган эди бир пайтлар. Аббос Қосимовдек санъат фидойилари бор экан, бундай тахминларга ўрин қолмайди. У бугун дунё кезиб, ушбу ҳақиқатни ибот этмоқда...

Холида АҲМАДЖОНОВА суҳбатлашди.

Хуррак хангомаси

(Ёқубжон Яқвалхўжаевни эслаб)

Талабалик ҳаёти ўзига хос томонлари билан ажралиб турар экан. Биз – ўтган асрнинг 60-йилларида ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети)нинг Ўзбек филологияси факультетида ўқиганлар учун ҳам талабалик гоё завқли, қизиқишларга бой кечган. Айниқса, факультетдошларнинг бир-бирига муносабати, меҳр-оқибати бошқача эди. Ҳеч ким курсларни фарқламаган. Пастки курс аъзолари юқори курс талабалари билан дўстлашиб, қадрдонлашиб кетаверарди.

Мен ҳам ўша кезлари юқори курслардан ҳам қўйи курслардан ҳам анчагина дўстлар орттиргандим. Улар ҳақида турли-туман, қизиқарли, бир-бирига ўхшамайдиган хотиралар қолган. Айрим эсдаликларни қоғозга туширганман-у, нимагадир, шу вақтга қадар истеъдодли олим, адабий танқидчи, фан номзои, бир неча романлар муаллифи, умрининг асосий қисмини «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ўтказган Ёқубжон Яқвалхўжаев тўғрисида ҳеч нарса ёзмаган эканман.

Мен ҳозир Ёқубжон аканинг бадий ижоди, илмий ишлари ҳақида сўз юритмоқчи эмасман. У кишининг фаолияти адабий жамоатчиликка яхши маълум. Шу боис, адабнинг ҳаммага таниш бўлмаган, аммо шундоқ эслаганда ўзига хос қиёфасини кўз олдига келтиришга ёрдам берадиган ва киши юзига табассум югуртирадиган бир хислатига тўхталмоқчиман.

...Ёқубжон ака бешинчи, мен эса тўртинчи курс эдик. Ўша йили бизни Сирдарё вилоятига гўза чопагига олиб чиқишди. (Шунақаси ҳам бўлиб турарди!) Юқори курс Сирдарё туманидаги «Коммунизм» колхозига жойлашди. Биз ёнма-ён Гулистон туманидаги «Коммуна» колхозига тушдик. Ўртадаги чегара Тошкент – Термиз катта магистраль тракти ва темир йўлдан иборат эди. Бир куни гуруҳ етакчиси Жуманиёз Ниёзметовдан рухсат олиб, дўстларимни кўргани бордим. Қарасам, дўстларнинг бари жамулжам. Сўхбатимиз қизиқ кетди. Тилга олинмаган мавзу қолмади, ҳисоб. Ҳаммаси ўша пайтдаги ёшимизга, орзу-интилишларимизга мос гаплар. Вақт алламаҳал бўлгач, дала шийлонидан ажратилган хонада ётишга қарор қилдик. Бир томондан Мирзачўлнинг машхур пашшаси, иккинчи томондан хаво димлиги туфайли ухлаш қийин эди. Йигитлар бирин-кетин уйкуга кета бошладим. Менинг ҳам кўзим илинйпти. Сал вақт ўтгач, ғалати бир шовқин-сурондан сапчиб уйғониб кетдим. Аланглаб, овоз

қайси томондан келаётганини билгач, жуда ғалати аҳволга тушиб қолдим: ё пирим, одам ҳам шундай даҳшатли хуррак тортадимиз? Шунда бошқа дўстлар озгина қитмирлик қилганини сезгандай бўлдим. Улар ўзларига анча наридан, менга эса Ёқубжон аканинг ёнидан жой солишган экан. Бундан ташқари улар бундай кучли хурракка мослашиб, кўникиб кетгани учун бемалол ухлашарди. Нима қилишга ҳайронман. Охири, Ёқубжон акани уйғотдим. Биласиз, кучли хуррак отадиган кишини уйғотиш ҳам осон эмас, лекин мажбур бўлдим. У кишига қаттиқ хуррак тортаётгани ва бундан ухлай олмайётганини айтдим. Ёқубжон ака «энди хуррак тортмайман», деб яна ётди. Афсуски, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан,



кўзларим уйқунинг яқинига ҳам йўламаган бир пайтда, у киши «ашула»нинг давомини бошлаб юборди. Хуррак отадиганлар ўзларини ҳадеб уйғотаверишларини ёқтирмаслиги маълум. Шунинг учун иккинчи марта уйғотишга журват қилолмадим. Бошқа иложи топилмагач, озгина бўлса ҳам ёрдам берармикан, деган илинжда, бош остидаги биттаю-битта ёстиқ билан қулогимни беркитиб олдим. Ёзининг иссиқ кунида ёстиққа бошни беркитиб ётиш қийин экан. Қаттиқроқ боссанг, нафас олишинг қийин, ёстиқни сал бўшатсанг, хуррак овози қулоқни қоматга келтиради. Хуллас, ўша кечаси уйқу татимади. Эрталабки нонушта пайтида бу ҳангома сўхбатнинг бош мавзусига айланди.

Ёқубжон ака билан учрашиб қолган кезларда мириқиб сўхбатлашардик, адиб қизиқ-қизиқ хангомалардан гагириб берарди.

Сўхбат асносида «Хурракчилик қандай кетяпти?», деб савол бериб қўярдим. У кишининг ўзига ҳам ушбу мавзу жуда қизиқ эди. Шу боис, бу тўғрида мароқ билан, эринмасдан сўзларди. Шундай сўхбатларнинг бирида бир воқеани сўзлаб берди. Ёқубжон аканинг айтишича, дўстимиз Зафар Саидов билан иккалови Москвага борадиган бўлишди. Зафарнинг қандайдир иши чиқиб қолиб, сафарга чиқиши бир кун сурилибди. Ёқубжон ака унга меҳмонхонадан жой олиб қўйишни ваъда бериб, Москвага учиб кетибди.

Москвадаги меҳмонхоналардан бирида администраторга учрашиб, ўзига ва яна қўшимча бир ўрин сўрабди. Дўсти эртага келиши, унга жой олиб қўйишга ваъда берганини тушунтирибди. Администратор шу ерда ўтирган бошқа бир одамга ишора қилиб, «Мана шу киши ҳамxonангиз, агар у бошқа жойга ўтишга рози бўлса, қарши эмасман», дебди. Ёқубжон ака ўша одамга бояги илтимосни айтибди, лекин у гапни эшитгани ҳам келмай, нарироқ кетибди. Ёқубжон ака ўйланиб қолибди: хўш, энди қандай йўл тутмоқ лозим? Хуллас, бир қарорга келибди. Бояги одамнинг олдига бориб, «Эй ўртоқ! Таклифимга рози бўлинг, ниҳоятда қаттиқ хуррак тортаман. Кейин пушаймон бўлиб юрманг», дебди. У одам эса яна наст келмабди: сизнинг хуррагингиз қаттиқ бўлса, менинг хуррагим даҳшатли, талабингиздан воз кечсангиз яхши бўларди», дебди.

Бошга тушганни кўз кўради, деганларидек, тақдирнинг йўлига юришдан ўзга чора қолмабди. «Иккаламиз хонага киргач, у ёқ-бу ёқдан гаплашган бўлдик. Табиийки, бояги муносабатдан сўнг сўзимиз унча қовушмади. Назаримда у ҳам қоғоз, ёзувчи билан шугулланадиган одам, чулки китоб, дафтар, қоғоз ва бошқа нарсалари бор эди. Мен ҳам бисотимдаги барча «анжомлар»ни столга қўйдим. Бинобарин, айни ўша кезлари диссертация устида иш олиб бораётган эдим. Иккаламиз ҳам кўз тагидан бир-биримизни зимдан кузатардик. Унинг миясида нималар кечаётганини билмадим-ку, лекин менинг хаёлимдан «Бу ланъати қачон ухлар экан, қачон унинг ўша ўзи айтган «даҳшатли хурраги»ни эшитарканман», деган ўй ўта бошлади. Қарасам, шеригим ҳали бери ётадиганга ўхшамайди, мен ухламасам, эрталабча шу аллозда ўтирадиган чўти бор». Хуллас, Ёқубжон ака «менга деса, ўлмайсанми» дея уйкуга кетади ва кўп ўтмай хуррак симфонияси

ҚАЕРДАСАН, КИЧКИНА ШАҲЗОДАМ?

Кичкиналимда, худди бир ишни дундириб юборадигандек, тезроқ катта бўлишни истардим. «Кичкина шаҳзода»ни ўқисам, катта бўлганимга уялиб кетаман. Айниқса, унинг тилидан «Ғалати халқ-да, бу катталар» деган жумлани эшитиш оғир. «Кичкина шаҳзода» (Хайриддин Султон таржимаси) – мен ўқиган асарлар ичда энг беғубори. Кўнглингизга ёруғлик олиб киради-да, охирида ўзига ўргатиб қўйиб, ташлаб кетади... Кейин «Кичкина шаҳзодам қаерда экан?» деб осмонга тикилиб, юлдузга мўлтираб ўтираверасиз.

Антуан де Сент-Экзюпери қаламига мансуб мазкур эртак ҳажм жиҳатдан муаллифнинг энг кичик асари. Аммо жуда кенг мазму – инсон ҳаётининг маъноси ва мазмуни ҳақидаги дард, фалсафий мушоҳада, одамлар ўртасидаги дўстлик, ҳамдардлик ва ўзаро ҳурмат муносабатларини қамраб олган. Асарда самолётнинг моторида рўй берган камчилик туфайли сахрога қўнишга мажбур бўлган учувчи коинотнинг митти бир сайёрасидан келган Кичкина шаҳзодани учратгани ва у бошидан кечирган саргузаштлар ҳақида ҳикоя қилади.

Ўзидан бироз катта бўлган сайёрада ёлғиз яшовчи Кичкина шаҳзода дўст ахтариб коинот бўйлаб сафарга чиқади. Унинг сайёрасига яқин сайёралар ҳам митти-митти бўлиб, уларда ҳам бор-йўғи биттадан одам истикомат қилади. Биринчи сайёрада ўзидан бошқа ҳеч кими йўқ қирол, иккинчисида шухратпараст, учинчи сайёрада пиёниста, тўртинчисида корчалон (жиддий одам), бешинчи сайёрада чароғбон, олтинчисида географ истикомат қилади. Ва, ниҳоят, ҳаммасидан ўтиб, еттинчи сайёра – Ерга етиб келади ва шу ерда ўзига чинакам дўстлар орттиради (Тулки, учувчи). Шу дўстлари орқали у инсоннинг ўзига яқин кишилари, ўзи яхши кўрган жониворлари ва гуллар олдидаги масъулятини англаб етади, дунёни фақат кўз билан кўриб бўлмаслигига, уни қалбдан, юракдан чуқур ҳис қилиш зарурлигига ишонч ҳосил қилади.

(Давоми 45-бетда)

бошланади... Шу ётганича эрталаб туриб қараса, ҳамхонаси жойида йўқ эмиш. У ёқ-бу ёққа чиққандир-да деб, ювиниб, кийиниб, ўзини тартибга солиб, нонушта қилиш учун йўлакка чиқса, ҳалиги киши юрган экан. Юзида ранг йўқ, сочи тўзиган, қандай ётган бўлса, шундайлигича, ички кийим устидан пальтосини ташлаб олганича қалтираб турар эди. Ёқубжон ака ҳийласи иш берганидан мамнун бўлиб, унга «Қалай, яхши ухладингизми?» дебди. Ҳамхонаси ўқрайиб қарабди-ю миқ этмабди. Сўнг администраторга ялиниб-ёлвориб, бошқа жой беришини илтимос қилибди. Администратор ҳамма гапдан хабари бўлгани учун неғалигини сўраб ҳам ўтирмай, кулимсираб, унга бошқа жой беради. Шу куни Зафар ҳам етиб келади. Ёқубжон ака уни кутиб олиб, ўша ўзи «курашиб» қўлга киритган жойга бошлайди. Зафар Ёқубжон аканинг саъй-ҳаракатидан хурсанд бўлиб, унга миннатдорлик билдиради. Ёқубжон ака «Э, Зафар дўстим! Бу раҳматингизни менга эмас, менинг ўша машҳур хуррагимга айтинг. Агар шу бўлмаганда бундай шароит гумон эди. Ҳамма вақт ҳам ижобий баҳоланавермайдиган хуррак бу сафар ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатди», дейди.

Иш юзасидан Тошкентга тушган пайтларимда албатта «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси таҳририятига кириб ўтардим. Бу ерда анча-мунча танишлар, кадрдонлар ишларди.

Шундай кунларнинг бирида таҳририятга кириб, Ёқубжон ака ўтирадиган хона эшигига рўбарў бўлдим. Эшик очик, Ёқубжон ака ичкарида ёзув столи ёнидаги стулда қия ўтирганча ухлаётган эди. Тепасига бориб, бир муддат турдим. Бундай пайтда уйғотган одамни ёмон кўришини биламан. Шу боис, бироз иккиландим. «Шунча жойдан келиб, оғайним билан кўришмай кетавераманми», деган фикр ўтди хаёлимдан. Бор-э, нима бўлса, бўлар, деб, у кишининг қўлига туртиб, «Ёқубжон ака, Ёқубжон ака» дедим. Сал қимирлагандай бўлди ва секин бошини буриб, вазоҳат билан менга ўқрайиб тикилди. Кўзи тушгач, юзидаги ифода ўзгариб, майинлашди. Кўришдик, бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрашдик. Кадрдонларнинг бундай вақтда гаплашадиган гапи кўп бўлади. Сухбатимиз ақунланай деганда, мен у кишидан «Ёқубжон ака, сизни ишхонада уйғотган одамга жуда ёмон қарар экансиз-ку. Ахир, сизга, асосан, бошловчи шoir, ёзувчилар мурожаат қилишади. Бу қарашингиз билан уларни чўчитиб қўймайсизми», дедим.


У киши «Бунинг йўлини топиб қўйганман. Агар ухлаётганимда бирортаси кириб уйғотса, қўлидаги нарсасини ўша қараш билан оламан ва кўз ташлашим биланоқ даражасини аниқлаб, қизил қалам билан бўғиб ташлайман. Келган йигит ёки қиз ўз савиясини билгач, узр сўраб чиқиб кетади. Уйғоқ пайтим келганларга омад кулиб боқади. Улар билан кўришаман, ҳол-аҳвол сўрашаман, шундан кейин олиб келган нарсасига кўз ташлайман. Пичоққа илинадиган жойи бўлса, дарҳол кўзга ташланади. Керакли жойини таҳрир қилиб, келган кишини машинистканинг олдиғача етаклаб бориб, хайрлашиб, қайтиб келаман. Бизнинг хонадаги тартибни келаётган ёшлар анча билиб қолишган шеклилли, ҳозир бу ҳолатда мени кам безовта қилишади. Шунини тушунганларга раҳмат айтгим келади», деди.

...Кунларнинг яна бирида Ёқубжон ака билан суҳбатлашиб ўтириб, бир масала бўйича у кишининг фикрини билмоқчи бўлдим. «Ёқубжон ака, кўп йилдан бери ишга қатнайсиз. Эски Жўвадан троллейбусга ўтирасиз ва ишонангиз яқинига келганда тушиб қоласиз. Биламан, сиз троллейбусга чиқшингиз биланоқ, яхши бир ўриндик топиб, жойлашасиз ва уйкуга кетасиз. Оралик масофа анчагина. Сиз манзилга етиб келганингизни қандай биласиз? Ё бирортасидан манзилингизга келганда уйғотиб қўйишни илтимос қиласизми?», деб сўрадим.

У киши шундай жавоб қайтарди: «Йўқ, ҳеч кимдан илтимос қилмайман. Ҳамма нарсанинг ўз қонун-қоидаси бор. Эски Жўвадан Урда бекатиғача тинч-осойишта ухлаб келаман. Бу ерда троллейбус жойидан қўзғалиши билан мен тушадиган манзилга қадар учта дўнглик бор. Шу нотекис йўлдан ўтаётганда троллейбус силкиниб-силкиниб олади. Учунчи бор силкинганда ўрнимдан туриб, эшик томон равона бўламан. Бу йиллар давомида ишланавериб, қатъий қоидага айланган». Алқисин, Ёқубжон аканинг мантикли гапларига қойил қолмасдан илож йўқ эди.

Мен билган Ёқубжон ака ана шундай беғубор инсон эди. Илоҳим, жойи жаннатда бўлсин!

Умурзоқ ЎЛЖАБОВЕВ,
филология фанлари номзоди





Picasso МУЗЕЙИ



Пикассо номини илк бор мактабда озодлик ва тинчлик куйчиси бўлган рассом сифатида таниганмиз. Унинг «Тинчлик кабутари» картинаси кўз олдимизда муҳрланиб қолган. Мусаввир хайкалторош, график, театр рассоми, кулол ва дизайнер номи билан Испания ва Франция рассоми сифатида маълум ва машҳур бўлган. Асли исми Пабло Диего Хосе Франсиско де Паула Хуан Непомусено Мария де лос Ремедиос Сиприано де ла Сантисима Тринидад Мартир Патрисио Руис Пикассо 1881 йил 25 октябрда Испаниянинг Малага шаҳрида дунёга келади. У тасвирий санъат оламига янги – кубизм йўналишини олиб кирганлардан саналади. Пикассо расм чизишни жуда ёшлигидан бошлаган. У дастлабки сабоқларни отаси – расм ўқитувчиси Хосе Руис Бласкодан ола бошлаган. Тасвирий санъат сирларини жуда тез ўзлаштира олган Пабло саккиз ёшида ўзининг мустақил картинасини яратади. Мой бўёқда ишлаган илк мустақил асарини «Пикадор» деб номлайди. Буюк Леонардо ўз «Жаконда»сини ҳар доим ўзи билан олиб юрганидек, Пикассо ҳам «Пикадор»ни ҳамيشа ўзи билан олиб юрган экан. Нью Йоркдаги замонавий санъат музейи Пикассо ҳаёти давомида 20 минг атрофида картиналар яратганлигини эътироф этади. Шу билан бирга дунё санъатшунослари Пикассони энг қimmat асарларга эга рассом, деб баҳолашади. 2008 йилдаги сотув кўргазмаларида Пикассо асарларининг расман сотилганларининг ўзи 262 миллион доллар экани маълум қилинган. 2015 йил баҳорида Нью Йорк шаҳри аукционидан сотувга қўйилган «Жазоирлик аёллар» асарининг ўзи 179 миллион долларга баҳоланиб, аукцион тарихи-

да сотилган энг қimmat асар сифатида шуҳрат қозонган. 1 миллион 400 минг ўқувчисига эга бўлган The Times газетаси 2009 йили ўтказган сўров натижасига кўра Пикассо сўнги юз йил оралиғида яшаб ижод қилган рассомлар орасида энг зўри, деб тан олинган ҳақида хабар берган. Энг қизиги, санъат асарларини ўғирловчи жиноятчилар рўйхатида айнан Пикассо картиналари биринчи қаторда турар экан. Шу сабабли ҳам Пикассо асарлари учун алоҳида музей ташкил қилинган.

Бугунги кунда Каталония пойтахти Барселонада ўша ёш истеъдод томонидан яратилган асарларни ўз бағрида сақлаб келаётган, дунё музейлари орасида ўз ўрнига эга бўлган Пикассо музейи ўзининг фаолиятини давом эттириб келмоқда. Музейда рассом ижодий фаолиятининг биринчи ярмига тегишли картиналар сони 3 минг 500 ни ташкил қилар экан. Рассом ижодий фаолиятининг иккинчи ярмига оид картиналари, кулолчилик, хайкалторошлик, графика ва бошқа йўналишларда яратган ишларини ҳисоб-

Пикассо ижодий ўзи туғилиб ўсган Малага шаҳри музейига совға тариқасида тақдим қилиш ниятида музей маъмуриятига мурожаат қилади. Афсуски, музей маъмурияти бу таклифни қабул қилмайди. Бу воқеадан хабар топган Пикассонинг дўсти ҳамда ёрдамчиси Хайме Сабартес



1960 йили Барселона шаҳри бошқаруви вакилларига Пабло Пикассо ижодига бағишланган алоҳида музей ташкил қилиш таклифи билан чиқади. Шу йилнинг ўзидаёқ берилган таклиф масаласи маъмурият тамонидан тасдиқланади. 1963 йили Хайме Сабартес томонидан шаҳарга совға қилинган рассомнинг каттагина асарлар тўплами, яъни 574 наона картина билан музей ўз фаолиятини бошлаб юборади. Шу сабаб музейнинг илк номи «Сабартес коллекцияси» деб аталган. 1968 йили Хайме Сабартес вафотидан кейин Пикассонинг ўзи музейга 900 дан ортиқ асарини совға қилади. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, ушбу му-

га оладиган бўлсак, музей экспонатлари билан тўлиқ танишиб чиқиш учун бир неча кун етмаслиги мумкин. 1953 йили

зей ижодкор ҳаётлиги даврида унга бағишлаб очилган музей сифатида дунёда ягона саналади. Ҳозирги кунда музейда рассом ижодига тегишли бўлган йирик коллекциялар тўпланган бўлиб, рассом яратган асарлар даврлар кетма-кетлиги тартибида жойлаштирилган. Бу рассом ҳаёти даври ҳақида ҳам маълумот беради. Музей экспонатлари нафақат картиналар, балки рассом томонидан яратилган сопол ва графика йўналишидаги дурдона асарлари билан ҳам ранг-баранг тус олган. Музей биноси Барселонадаги Готик услубида яратилган бинолардан иборат Монкадо кўчасида жойлашган бўлиб XIII-XIV асрларга оид бешта бинодан иборат. Асрлар давомида бинолар ўзининг асл қиёфасини сақлаб қолган қадимий меъморчилик дурдоналари саналиб, Испанияга ташриф буюрувчи сайёҳлар эътиборини тортиб келган. Бинонинг биринчиси Беренгер д.Ангилар саройи бўлиб, ушбу сарой 1963 йилда рассом картиналарини ўз бағрига олган. Сарой биноси XIII асрда барпо этилган. Даврлар оша қисман таъмирлаш ишларини бошидан кечирган бўлса-да асл кўринишини сақлаб қолган. Иккинчи бино – Барон Кастельет саройи XIII асрга тегишли. Учинчи бино – Мекка саройи XIV асрда қурилган. Тўртинчи Финестрес саройи XIII асрга тегишли бўлиб



музейдаги вақтинчалик ўтказиладиган кўргазмалар учун мўлжалланган. Бешинчи бино – Маури уйи деб аталади. Бу бино XVIII асрга тегишли бўлиб, 1999 йили Пикассо музейи таркибига киритилган.

Музейга ҳар йили минглаб томошабин ташриф буюради. Пикассонинг кўп ва ҳўб чизганларини бир неча кунлар томоша қиладди. Ҳамда ўз ҳайратларини тассуротларида, суратларида олиб кетишади. Бу йил пандемия даврида музейнинг виртуал шакли ҳам иш бошлаган. Музей бўйлаб онлайн саёҳатга ҳам минглаб томошабинлар «ташриф буюрмоқда».

Комил ЖОНТОВЕВ тайёрлади.

ҚАЕРДАСАН, КИЧКИНА ШАҲЗОДАМ?

(Бошланиши 43-бетда)

Фашистлар Германияси Францияга ҳужум қилган биринчи кунда Сент-Экзюпери ҳарбий ҳаво кучларига хизматга қайтган ва фронтда разведкачи бўлган. Франция урушида мағлубиятга учрагач, у АҚШдан бошпана топади ва 1942 йилда «Ҳарбий учувчи» новелласи ҳамда «Кичкина шаҳзода» фалсафий эртанини ёзади. Китоб Америкада 1943 йил апрель ойида босилиб чиққан пайтда ёзувчи Франциянинг Шимолий Африкадаги мустамлака ўлкаларида фашистларга қарши курашарди. 1944 йил 31 июль кунини у сўнги парвозга чиқади – унинг самолётини фашист қирувчиси уриб туширади: Франция озодликка эришишига атиги уч ҳафта қолган эди.

Асардаги кичкина сайёра адибнинг фашистлар томонидан босиб олинган ватани, Кичкина шаҳзода эса унинг ўша юртда қолган яқин дўсти. Юрт соғинчи ва муҳаббати сабаб шундай буюк асар дунёга келган.

Асардан иқтибослар:

- Катталарга ҳамма нарсани доим тушунтириб бориш керак.
- Катталар ҳеч қачон ўзларича бiron нарсани тушуна олмайдилар, уларга ҳадеб ҳижжалаб тушунтириб беравериш эса охир-оқибат болаларнинг ҳам жонига тегиб кетади.
- Мен яшайдиган жой ниҳоятда кичкина... Бошинг оққан томонга кетавергани билан узоққа боролмайсан.
- Мабодо катталарга: «Мен қизғиш гиштли чиройли бир уйни кўрдим, деразасида ёронгул очилиб турибди, томида каптари бор», деб айтсангиз, улар бу иморатни сира ҳам кўз олдларига келтира олмайдилар. Уларга: «Мен юз минг франкли уйни кўрдим», деб айтиш лозим – шундагина улар: «Ана гўзаллиг-у мана гўзаллик!» дея китоб қиладилар.
- Биласанми, баъзан юрагинг нимадандир гуссага тўлиб кетганда, ботаётган қуёшга бирпас термилиб ўтирсанг борми?..
- Ҳар ким қурби етадиган нарсани талаб қилиши керак. Ҳокимият аввало оқилона бўлиши лозим. Агар халқинга денгизга ташлашни буюрсанг, у исбн кўтариб инқилоб қилиб юбориши мумкин. Шунинг учун ҳам мен сўзсиз итбатни талаб эта оламан, чулки амр-фармонларимнинг барчаси оқилонадир.
- Ўзингни тергаш, суд қилиб ҳукм чиқариш ўзгаларни суд қилишдан минг қарра қийинроқ.
- – Ўзимни истаган жойда суд қила оламан, – деди Кичкина шаҳзода. – Бунинг учун ҳузурингизда қолишга асло ҳожат йўқ.
- Иззатталаб одамларга ҳамма уларнинг мухлиси бўлиб кўринаверади-да.
- Иззатталаб одамлар мақтовдан бошқа ҳамма нарсага қар бўлишади-да.
- Қироллар ҳеч нарсага эгалик қилолмайди. Улар фақат ҳукмронлик қиладди.
- Географ – бу катта одам, унинг санғиб юришга вақти йўқ. У ўз кабинетидан чикмайди, аммо саёҳатчиларни қабул қилиб уларнинг ҳикояларини ёзиб олади. (P.S.Шу бизнинг сайёра географларга тўла-да!)
- «Эфемер» бу – ҳадемай йўқ бўладиган нарса, дегани.
- Катталар ўзларини жуда кўп жойни эгаллайдиган чоғлайдилар, ўзларини худди баобаблардек баҳайбат ва улугвор ҳисоблайдилар.
- – Одамлар бир ҳақиқатни унутдилар, – деди Тулки. – Аммо сен ёдингдан чикарма: кимники кўлга ўратган бўлсанг, унинг тақдирига ҳамisha жавобгарсан.

Севара АЛИЖОНОВА



Умр неча ўзгоровми?

Инсон қанча узоқ яшамасин, ҳаётдан тўймайди. Шу боис одамзот умрни узайтириш пайида.

Бундан икки-уч йил бурун бир қанча расмий сайтларда Нуҳ алайҳиссалом кемасининг қолдиқлари топилгани ҳақида хабар берилди. Турк ва Хитой олимларидан иборат экспедиция иштирокчиларининг гапига қараганда, топилманинг ёши тахминан 4800. Бироз вақт ўтиб, АҚШнинг Кентукки штатидаги Уилямстаун шаҳрида мазкур кеманинг нусхаси ясалгани ҳақидаги хабар тарқалди. Сўнг Россиянинг «Комсомольская правда» газетаси шарҳловчиси Евгений Чернихнинг муқаддас китобларга таянган ҳолда, Нуҳ тўфони деб ном олган оламни сув босиш вақтигача яшаган одам балалари ҳаётига доир ўтказган тадқиқоти кўплаб сайтлардан ўрин олди. Буларнинг бари бир нуқтада кесишади: инсон ҳамиша ўз келиб чиқиши, тарихи, аждодлари ҳаёти ва Яратганнинг мўъжизаларини англашга уринади.

Илк аждодларимиз узоқ умр кўрган. (Одам алайҳиссалом 930, Нуҳ 950, Сиф 912 йил яшагани айтилади). Евгений Черних олиб борган тадқиқотда асосий эътибор шу масалага қаратилади. У буюк тўфонга қадар аждодларимиз неча узоқ умр кўрган, дея савол қўяди ва бунга жавоб берган олимларнинг фикрини келтиради. Етақчи геронтолог олимлардан бири ўша пайтда Инжилда «ой» «йил» ўрнида ҳисобланган, бу илмий асосланган далил, дейди. Бошқа бир фан доктори Инжил турли даврларда турли тилларга кўчирилган ва таржимада «ой» «йил» сифатида нотўғри ёзилганини қайд этади. Одам алайҳиссалом ўғли Сиф дунёга келганида 130 ёшда бўлгани муқаддас китоблардан бизга маълум. Агар олимларнинг фикрига таянадиган бўлсак, дейди тадқиқотчи, Сиф туғилганда Одам бор-йўғи 11 ёшда бўлиб чиқяпти. Аммо унинг Сифдан аввал ҳам Қобил ва Ҳобил исмли икки ўғли бўлган-ку!.. Демак, «ой»нинг «йил» сифатида талқин этилгани ҳақидаги фарас мантиқдан йироқ.

Инсоният қандай яратилган, узоқ умр кўриш сири нима ва нега одам қарийди, деган савол атрофида узоқ тадқиқотлар олиб борилган ва бу иш давом этмоқда. Қайси бир мутахассис инсон ўзини йўқ қилиш учун дастурланган жанговар ракета деса, бошқаси организмнинг қартайишига эркин радикаллар сабаб бўлади, дейди. Яна бир олим танада йиғилиб борадиган қотишмалар шунга олиб келишини исботлашга уринади. Бу саволларнинг барига жавобни илоҳий манбалардан излаш лозим, деб ўйлаймиз.

Фанда кишини мушоҳадага чорловчи шундай бир фарас мавжуд: буюк тўфонга қадар Ер атмосферасини 12 метр қалинликдаги улкан сув-буғ гумбози ўраб турган ва у сайёрани ҳамда аждодларимизни турли зарарли космик нурлардан ҳимоя қилган. Шу билан бира, кўшимча атмосфера босими ҳосил бўлиб, кислород 50 фоиздан юқорини ташкил этган. Одамлар гўё катта бир шифобахш иссиқхонада яшаган, йил давомида ёқимли ҳаво, муаттар хид таралиб турган. Инсонлар энгил нафас олиб яшагани учун ҳам узоқ километр югуриб, чарчоқ сезмаган. Ҳеч қандай касаллик одамзотга яқин йўламаган, мабодо бирор оғриқ ёки хасталаниш кузатилганда ҳам тезда соғайган.

Егуликлари фақат дармондориларга бой табиий маҳсулотлар бўлган.

Демак, бугун умримиз неча қисқариб бораётганини англаш қийин эмас. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тадқиқотларига кўра, инсон умрининг узайиши 10 фоиз саломатликка, 20 фоиз наслга, 20 фоиз экология ва иқлимга, 50 фоиз яшаш тарзига боғлиқ. Ҳаёт арифметика эмас, албатта. Бироқ кўпгина тадқиқотлар бир умумий ечимда бирлашмоқда: касалликларнинг олдини олиш, жисмоний фаол бўлиш, ёмон одатлардан воз кечиш, аъло кайфият ва тиниқиб ухлаш билан инсон саломатлигини сақлай олади, узоқ умр кечиради.

XX аср охирига келиб инсоннинг ўртача умри 70-80 ёшга тенглашган бўлса-да, 100 ёшдан ошганлар ҳам бор эди. Эронлик Саид Али 195 йил яшаган. У умрининг сўнгги йилларида ҳам кўзойнақсиз бемалол кўра олган. Озарбойжоннинг жануби-шарқда жойлашган, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликдаги тоғли қишлоқ ғуқароси Шерали Муслимов 168 йил умр кўрган. Тоғнинг табиий тоза ҳароси ва тиниқ, соф булоқ суви, сут маҳсулотлари, томорқасида етиштирган мева-сабзавотлар асосий озуқаси бўлган бу қария то умрининг сўнгги кунларигача кетмон чопишни, мол-ҳол учун ўт ўришни қанда қилмаган экан.

Америкалик машҳур физиотерапевт Пол Брэгг турли мамлакатларда бўлиб, соғлом турмуш тарзи асосларини ўрганади экан, Туркияда 154 ёшли Зора Агха билан учрашади. У ёшлигида Истанбулдаги йирик темирйўл вокзалида юк ташувчи бўлиб ишлаган. «Шу ёшда ҳам кўриш, эшитиш қобилияти, жисмоний кучи ёшларнинг ҳавасини келтирадиган даражада эди. Унинг бор-йўғи иккита тиши тушган, қолганлари эса садафдек оппоқлиги мени ҳайратга солди», деб ёзган олим.

Маълум бўлишича, унинг таомномаси оддий бўлган. Овқатга умуман ҳайвон ёғини ишлатмаган, ҳафтасига икки донадан ортиқ тухум истеъмол қилмаган. Овқат ва салатлар тайёрлашда фақат махсар ёғидан фойдаланган. Ҳеч қачон рафинадланган ва сунъий йўл билан тайёрланган маҳсулотларни ишлатмаган. Умирида бир тишлам ҳам оқ нон, шакар истеъмол қилмаган, бир ҳўптам ҳам спиртли ичимлик ичмаган. Мунтазам равишда қўёшда қуритилган қора нон, ёсиз гўшт ва кўп мева-сабзавот еган. Севимли меваси хурмо бўлиб, кунига уч-тўрттадан еган. Чақоғини қондириш учун тоза сув ва яллиз дамнамаси ичган...

Японлар ҳам узоқ умр сирларини яхши билади. Мутахассислар бунга табиат билан ҳамоҳанг яшашга интилиш, балиқ ва денгиз маҳсулотларини кўп истеъмол қилишга боғлашади. Узоқ умр кўрганлар ҳақидаги ушбу маълумотларни неча келтирганимизни англагандирсиз. Буларнинг баридан хулоса шуки, Яратган инсонга ато этган умрни тўла-тўқис яшаб ўтиш кўпроқ ўзимизга боғлиқ экан. Яна ким билади дейсиз, ҳар кимнинг ўз ҳақиқати бор...

«Ҳаётни англаш ҳаётнинг ўзидан, бахт қонунларини англаш бахтнинг ўзидан олийроқ», дейди Фёдор Достоевский. Дарҳақиқат, умрнинг ўлчовини англаш ҳам унинг ўзидан-да қимматлироқдир...

Маҳалламизга

янги кўшни қўчиб келди. Бўйи нақ мирзатерак. Пастак эшикнинг кесакиси олиб ташланса, бемалол кириб-чиқаради. Бироқ иложи йўқ. Чунки эшик ўзиники эмас! Буни қарангки, хотини тамом акси: хўшрўйгина ва кичкина. Ховлини ижарага бериб кетган пак-пакана Тоғай тоғанинг жияни шу аёл эканлигини кейинроқ билдик.

Янги кўшнининг найнов бўйига яраша кўринишимиз галати. Юз деган пачоқ бўлаверириб, шакл-шамойили йўқолиб кетган. Битта қулоғи диккайиб қолган. Бурни синганми ё туғма шунақами, ўртаси бўртиб, учи катагина тортишиб туради. Кўзлари катталигидан уялибми, қисиброқ қарайди кишига. Қошларининг уч-тўрт жойидан кўкиш-қизғиш чандиқлар майда-чуйда нақш солган. Ҳар гапирганда ўлкаси шишиб, узун қўллари ўйнаб туради. Йўғон бўйни гўштсиз юзи билан галати кўринади. Тавба, қўллари рапидадек бўлгани билан мускуллари бўртиб чиқмаган.

Лўқиллаб юрганда худди гозга ўхшаб кетади. Айниқса, соябони бир қарич келадиган чарм аралаш кепкани бостириб олса борми, айғоқчи деб ўйлайсиз.

Ён кўшни тўй бошлаб қўйган маҳал уч-тўрт қитмир акалар ўртага олиб, гапга тутиб турган жойда биз – болаларга-ям қизик туюлиб, яқин бордик.

– Мен Башир боксёрман. Етти марта чемпион бўлганман. Опаларинг хоккейчи. Ҳм-ҳм, чим устидаги хоккей, тўғри айтясан, укатой. Кўргандирсилар, мактабларингга жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлди. Командасига гап йўқ. Бормаган давлати, кўрмаган мамлакати қолмаган. Энди-и менга келсак, ирғишлаган чаппа чалпак, аяшни билмайман, лекин. Секунд на секунд расм чизиб ташлайман. Аччигим ём-мон лекин. Ҳозирги кунда чиқаётган боксчиларнинг устозига устозлик қилганман.

Катталар бошини қашиб қолишди. «Қайси Башир боксёр бўлди экан бу? Эшитгандек бўлялман-у, эслолмаяман-да», дегандек елка қисганча бир-бирларига қараб қолишди. Башир боксёр ҳаяжонини босолмай валдиради.

– Мана шу шаҳарда иккита боксёр бўлса, шунинг биттаси мен. Битта бўлса, ўша ўзим. Йигитларнинг кўзи айланиб кетаёзди.

– Валуевни танийсизми? Чагаевни-чи? Башир боксёр қуруққина қаҳ-қаҳ отиб юборди.

– Шундан бошқаси тилингга келмади-ми, братишка. Одамини топиб гапир! Мэнни Пақыёни гапир, Мейвезердан туш, Маркес, Брандомни айт! Топган майда тангасини-чи бунинг. Менга рингни обшежития қиладиганларни тиркама! Ҳар муштининг накутта кетиб қоладиган қилиги бор. Ўзимга ишонолмай қоладиган касалим шу! Аммо маҳалланинг шаъни олдида ҳар қандай талашиб бўлса, братанларинг как штик ножиъ

Удар и нагдаунт!

«Етти карра чемпион бўлса, бизнинг маҳаллада сўлқиллаб нима қилиб юрибди?» Шу савол баримизнинг хаёлимиздан ўтган бўлса ажабмас.

Ҳафта ўтиб-ўтмай, икки маҳалла наридаги чўмилиш ҳавзасига бордик. Тинчгина чўмилиб турувдиган, қайданам ўша ерлик болаларга тегишиб қўйибмиз-да. Тозагина калтак еб келдик. Уларнинг жўрабоши тамом расво экан. Кетимиздан ваҳимали бақириб, яланг оёқларини ерга ёлғондакам тапиллатганча қолаверди, ярамас.

– Ишонганингни опкел! Отангни келтир менга деса!.. Амаким бокс бўйича чемпион!

Афтимизни кўриб бўлмайди. Шу аҳволда Башир амакиннига сўлжайиб кириб бордик. Болаларча гиж-гижлашга тушдик.

– Амакиси какраз боксёр экан, дабдаласини чиқариб ташланг, Башир амаки.

– Бўлди, гап йўқ! Башир амаки шошиб кийина бошлади. – Қўлқопимниям олволай бўлмаса. Яна афтидан адаштириб юбормай. – Башир амаки елкасига сумкасини



Ҳажвия

иларкан, вазмингина сўроқлади. – Бўй-бас-ти қанақа экан, тарашанинг.

– Ўзимиз кўрмадик, аммо жиянининг бўйи ўртача. Демак, бўйи шунақа.

У бўшагандек бош чайқади.

– Бўлмайди. Нуқул калласига зарба беришимга тўғри келади, у эса менинг биқинимга. Мен унинг миясини чайқасам, у менинг жигаримни айрон қил ташлайди. Жигар – нозик аъзо. Ҳазиллашиб бўлмайди. Калла-ку ишламай қолса, бир амаллаб кўтариб юрса бўлади.

Шалвираганча ўтинишга тушдик.

– Башир амаки, сизга ишониб атай келдик. Маҳалламининг шаъни турибди ахир. Башир амаки жиддийроқ сўради.

– Миллати нима экан?

Бирваракайига чуғурладик.

– Лўли!

Башир амаки қалтис шапалоқ егандек, қаттиқ қалқиб кетди. Қўққис қути ҳам ўчди.

Негадир оғриқли ув тортиб юборгандек бўлди. Олайиб қолган кўм-кўк кўзи товўқники-дақа пардалашиб кетди.

– Лули?! Қайдан топдиларинг, галварсларни?! Йўқ, у нухсалар билан рингга тушиб бўлмайди. Тайёр жинни бўлади-ку улар. Тегиб ҳам юбораверади, тишлаб ҳам олаверади. Жуда борса, ўзини ўзи юлқилаб, қора қонга белаб ташлайди. Итнинг кунини кўраётган сен қолиб, ўзи баннисага бир бурда бўлиб ётиб олади. Бир-икки ойдаям чиқмайди, зангар, у ердан. Нуқул тансиқ таом ташийверириб, аталанг чиқиб кетади. Дорихонанинг борини кўтариб борсанг ҳам кам.

Унинг ҳолидан беҳабар ялиндик.

– Нима жони бор унинг, битта чиқрирак пўчоқ-да, амаки. Фуфлашингизга ярамайди. Келинг энди йўқ деманг.

Башир амакиннинг ранги баттар доқа бўлиб кетди.

– Эсларингни еганмисанлар, сенлар. Ахир, у лўли-ку! Қанақа мосов боласанлар тушунмайдиған. Битта ўзи муштлашмайди у, уруғ-аймоғи билан таппа талашади. Қочиб қутулиб бўлсан уларнинг «ринг»идан! Ибтидий тўда-ку улар!

Ичимиз димиқиб кетди.

– Биз мақтаниб қўйдик, амаки, маҳалламизда етти карра чемпион бор, ҳали кўрасанлар, деб.

Башир амаки совуқ тирийиб, бош чайқади. Басма-басига чуғурладик.

– Ўша лўлининг боксёр амакинсини шу ерга опкелайликми?

Башир амакиннинг кенг пешонаси кўққис ғижимланди. Дўрдоқ лаби жағигача осилиб тушди.

– А?! Нима?! Бу ерда нима қилади, у нервиний, пишириб қўйибдими?! Қадами етмаган шу ер қолувди ўзи! Ўша, ўзининг томонида юраверсин, сапляр.

– Маҳалламининг шаъни-чи, амаки, бу ёғи нима бўлади? Талқон қип ташламайсизми уни?!

Башир амаки рапидадек қўлларини икки ёнга ташлаб, ҳавода оғир силкитди-да, ғашини келтираётган сумкасини сўрига отди. Кўзларини катта-катта очганча, юзига бармоғини ниқтади.

– Мана, резульятний рожа сенларга! Мана, обливовка! Ҳе, маҳаллангнинг шаънидан ҳам ўргулдим, йўқол ҳамманг! Сақки-зинчи марта тушадиган аҳмоқ йўқ лўлилар билан! – Сўнг норози вишиллади. – Шу ердаман лўли! Ҳаммаёқда лўли! Яна афтидан баттар адашишим қолувди. У расволар, на итни тан олади, на битни. Тф-фу!.. Кайфиятнинг тирригини чиқаришдинг, малокасослар. – Сўнг ўзига аччиқ қилдим, бизгами, биллолмадик. – Аҳ, тагин бошқа жойга кўчаманми-а...

**Тоҳиржон ЙЎЛДОШЕВ,
Фаргона**

«ИЛМ-У МАЪРИФАТ ФИДОЙИСИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

1. Маҳмудхўжа Бехбудий таваллуд топган шаҳар.
2. Маърифат фидойиси ўзбек бадиий ижодида асос солган жанр.
3. Маҳмудхўжа Бехбудий билган тиллардан бири.
4. Бехбудий муҳожирликда бўлган Ливандаги шаҳар.
5. Илм-фан соҳибининг «Падаркуш» ёки «Ўқимаган боланинг ҳоли» драмаси саҳналаштирилган шаҳарлардан бири.
6. Маҳмудхўжа Бехбудий асарлар ёзган тиллардан бири.
7. Ҳикматидан: «Табии ... қандай муомала этса, олимда жохилга шундай муомала этсун».
8. Маҳмудхўжа Бехбудий драмасидаги Бой образини «Турон» театр труппасида ижро этган атоқли ўзбек маърифатпарвар шоири.
9. Оташин шоир Абдулҳамид Сулаймон ўгли Чўлпоннинг «Маҳмудхўжа Бехбудий хотираси» марсиасидан: «Элда қолган исмиг билан турамен. Шул исми эслаб, чизган йўлингдан ... кетмай, қиригламай юраман».
10. 1926-1937 йилларда Бехбудий номи билан аталган шаҳар.
11. 1904 йилда ёзган асари номидан: «Мухтасари тарихи ...».
12. Ҳаж фарзини амалга ошириш мақсадида ташриф буюрган муқаддас шаҳар.
13. Қизиқан ва мукамал эгаллаган фан соҳаси.
14. 1883 йил 10 апрелдан нашр этила бошланган, Бехбудий кейинчалик доимий муаллифига айланган илк жадиидлар ҳаракати газетаси.
15. Ўтган аср бошларида мақолалари чоп этилган газеталардан бири.
16. Бехбудий ўтган асрнинг бошларида сафарда бўлган мамлакатлардан бири.
17. Маҳмудхўжа ажодига мансуб XI асрнинг иккинчи ярми-1166 йилларда яшаб ижод қилган мумтоз адабиётимизнинг буюк намоёндаларидан бири, олим ва шоир, «Девони ҳикмат» асари муаллифи.


МУАММОНОМА

Калит сўзлар:

- «Падаркуш» ёхуд «Ўқимаган боланинг ҳоли» фозея саҳна асаридаги янги фикрлик мулла образи – 13, 14, 10, 6, 2, 2, 14.
- 1917 йил ноябрида ўлка мусулмонларининг IV фавкулдада қурултойи бўлиб унда «Туркистон мухторияти» эълон қилинган ва бунда Маҳмудхўжа Бехбудий унинг маънавий отаси бўлган шаҳар – 12, 5, 12, 14, 7.
- Маҳмудхўжа Мадрасаларида таҳсил олган тарихий шаҳар – 3, 6, 21, 14, 4, 14.
- Бехбудий халқи олдида ўзи учун адо этиши мажбурий, деб билган вазифа, мажбурият – 3, 6, 4, 16.
- Биринчи ўзбек драмасидаги қотил образи – 8, 1, 7, 15, 4, 9, 15, 6, 2.
- Бехбудий ташкил этган «Ойна» журнали тарқалган шарқ мамлакатларидан бири – 20, 4, 14, 17.
- Маърифат ҳомийси ўзининг «Сарт сўзи мажҳулдур» мақоласида «Кундалиқлар» асарини келтирган 1832-1913 йилларда яшаб ўтган венгр шарқшуносу, тилшуноси, сайёҳ ва ёзувчиси – 19, 1, 10, 3, 23, 4, 9.
- Бехбудий 1914 йил савҳат қилган Миср шаҳри – 12, 14, 22, 9, 3, 1.
- Бўлғуси маърифатпарвар илк меҳнат фаолиятини бошлаган лавозим – 10, 9, 4, 17, 14.
- Бехбудий сафарда бўлган Россия шаҳарларидан бири – 10, 14, 11, 18, 19, 1.

Энди калит сўзлардаги ҳарфлар билан шаклнинг ички қисмидаги рақамларни алмаштириш орқали муаммономани ҳал этинг. Бунда оташин маърифатпарварнинг учта ҳикматли сўзини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.



ЎТГАН СОНДАГИ «УНУТИЛМАС ҚЎШИҚЛАР» ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

- «Муножот».
- «Топилмас».
- «Са-намо».
- «Оқибат».
- «Талқин».
- «Нигорим».
- «Мактуб».
- «Билмадим».
- «Муҳаммас».
- «Соғуниб».
- «Бозургоний».
- «Йигит».
- «Тўхтамас».
- «Сувора».
- «Азизим».
- «Муҳаммад».
- «Дилбарим».
- «Мушкилдур».
- «Рок».
- «Келинчак».
- «Керак».
- «Келдим».
- «Мунчаким».
- «Мустаҳзод».
- «Дилбаринг».
- «Гулузорим».

МУАММОНОМА


Калит сўзлар:

- «Шашмақом».
 - Харак.
 - Танбур.
 - Чанг.
 - Медиатор.
 - Аъяна.
 - Қулоқ.
- Қўшиқлар: «Қурбониман». (Воқиф). «Ръёноланмасун». (Увайсий). 3. «Хуш келдинг». (Амирий). 4. «Тонг откунча». (Дилафкор).



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Тошкент метрополитенининг бир нечта янги бекатлари фойдаланишга топширилди. Юнусобод йўлининг «Бодомзор» бекатидан янги «Туркистон» бекатигача иккита янги станция барпо этилди.

Тошкент ер усти халқа метро линиясининг биринчи босқичи – «Дўстлик-2 – Қўйлик» йўналиши қуриб битказилди. Метронинг ушбу участкасида етти бекат ишга тушди. Бу юртдошларимиз учун байрам тухфаси бўлди.





*Жомбой тумани ҳокимлиги барга
юртдошларимизни Ўзбекистон
Республикаси давлат
мустақиллигининг 29 йиллиги
билан мубораққод этади.*

*Жонажон Ватанимиз обрўйи
бунданда юксалишини, элу юртимиз,
хар бир оила янада
обод ва фаровон бўлишини тилайди.*

*Устхлал байрами
баргамизга кутлуғ бўлсин!*

